

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

№6/2019(147) 1995 йилдан чиқа бошлаган

## БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан

### **БОШ МУХАРРИР:**

Шодикул ҲАМРОЕВ

### **ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**

Козимджан КАМИЛОВ

Икрам МУСЛИМОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Светлана АРТИКОВА

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Замира ЭСОНОВА

Олим ҲАЙИТОВ

Азиз МИРЗАЕВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил  
19 апрелда Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0249-рақам билан  
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий  
аттестация комиссияси  
Раёсатининг 2004 йил  
17 декабрдаги 110/4-сонли  
қарорига асосан ҳуқуқий,  
илмий-амалий журнал  
ваколати берилган.

Босишга 26.11.2019 йилда  
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри,  
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.  
Адади: 4830 нусха.  
Буюртма № 135.

### **МУНДАРИЖА**

#### **2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори**

*Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судининг  
ажримлари тўғрисида*

#### **10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори**

*Маъмурий ишлар бўйича суд харажатларини ундириши  
амалиёти ҳақида*

#### **16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори**

*Судлов ҳайъатлари томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида  
назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти  
обзори ҳақида*

#### **17. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори**

#### **26. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори**

#### **32. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори**

#### **39. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ  
Қ А Р О Р И

2019 йил 25 октябрь

№ 19

Тошкент шаҳри

## Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судининг ажримлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) янги таҳрирда қабул қилинганлиги, шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суди томонидан ажримлар чиқаришда қонун нормаларни бир хилда ва тўғри қўллашни таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, фуқаролик иши бўйича биринчи инстанция судининг ажрими иш мазмунан ҳал қилинмайдиган суд ҳужжати ҳисобланади (ФПК 6-моддасининг еттинчи қисми). Шу билан бирга, фуқаролик ишини кўришда вужудга келадиган масалалар бўйича ажримларнинг ўз вақтида ва тўғри чиқарилиши, уни белгилангандек, суд муҳокамасига тайёрлаш, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини амалга ошириш, қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарори қабул қилишга ёрдам беради.

Биринчи инстанция судининг ажримларини чиқариш, мазмуни ва ижро этишни тартибга солувчи умумий қоидалари ФПК 24-бобида назарда тутилган.

2. Биринчи инстанция судининг ажримлари алоҳида хонада (маслаҳатхонада) тузиладиган алоҳида процессуал ҳужжат шаклида ҳам, суд мажлиси баённомасига суд томонидан қабул қилинган қарор ҳақида тегишли ёзув киритган ҳолда суд мажлиси залида ҳам чиқарилиши мумкин.

3. Суд алоҳида процессуал ҳужжат сифатида:

аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзғатиш тўғрисида;

аризани қайтариш тўғрисида;

ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида;

ишни суд муҳокамасига тайинлаш тўғрисида;

бир турдаги ишларни бирлаштириш ва бир нечта талабларни алоҳида иш юритишга аж-

ратиш тўғрисида;

ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш тўғрисида;

ишни сиртдан иш юритиш тартиби кўриш тўғрисида;

ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш тўғрисида;

ҳуқуқий ворислар процессга киришиши тўғрисида;

суд топшириғи тўғрисида;

даъвони таъминлаш, даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш, шунингдек, даъвони таъминлаш чораларини бекор қилиш тўғрисида;

рад қилиш ҳақидаги аризани қаноатлантириш ёки рад қилиш тўғрисида;

мажбурий келтириш тўғрисида;

суд жаримасини солиш тўғрисида;

жавобгарни (қарздорни) қидириш тўғрисида;

иш бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш ва тиклаш тўғрисида;

аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида;

иш юритишни тугатиш тўғрисида;

эр-хотинга ярашиш учун муҳлат тайинлаш ва иш муҳокамасини кейинга қолдириш тўғрисида;

алиментларни ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар ундириш тўғрисида;

ишни мазмунан муҳокама қилишни тиклаш тўғрисида;

ҳал қилув қарори ёзувидаги хатоларни ва аниқ кўриниб турган арифметик хатоларни тузатиш тўғрисида;

ҳал қилув қарорини тушунтириш

тўғрисида;

ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этиш ҳақида;

дарҳол ижро этишга қаратилмаган ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш тўғрисида;

сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини қайта кўриш тўғрисида;

процессуал муддатларни узайтириш ва тиклаш тўғрисида;

ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ёхуд бўлиб-бўлиб ижро этиш, уни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги масалалар бўйича ажрим чиқаришга мажбур.

Алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида суднинг хусусий ажрими ҳам чиқарилади (ФПК 275-модда).

4. Суд ФПК 271-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ мураккаб бўлмаган масалаларни ҳал этиш бўйича (учинчи шахслар, тарафлар вакилларини ишга жалб қилиш ёки киришиши, гувоҳларни чақириш, суд муҳокамасини кейинга қолдириш, далилларни текшириш тартибини белгилаш, далилларни талаб қилиб олиш ёки ишга қўшиб қўйиш ва бошқалар) маслаҳатхонасига кирмасдан жойида ажрим чиқаришга ҳақли.

Шуни назарда тутиш лозимки, суд ўз хоҳишига кўра, ҳар қандай масала бўйича алоҳида процессуал ҳужжат кўринишидаги ажрим чиқаришга ҳақли.

5. Судларнинг эътибори ажримлар, қонун бўйича унинг мазмунига қўйилган талабларга қатъий мос равишда чиқарилиши зарурлигига қаратилсин.

6. ФПК 272-моддаси мазмунига кўра, суднинг алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқарилган ажрими кириш, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат.

Ажримнинг кириш қисмида:

ажрим чиқарилган вақт ва жой;

ишни кўраётган суднинг номи;

судьянинг фамилияси, исми, отасининг исми (суд таркиби), суд мажлиси котиби;

ишда иштирок этувчи шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

низо предмети ва суд томонидан ҳал қилинаётган масаланинг моҳияти кўрсатилади.

Ажримнинг асослантирувчи қисмида:

суднинг хулосасига олиб келган сабаблар; ишни ҳал этишда суд амал қилган қонун нормаларига ҳавола кўрсатилади.

Ажримнинг хулоса қисмида:

суднинг ҳал этилаётган масала юзасидан хулосалари;

ажрим устидан шикоят бериш (протест келтириш) тартиби ва муддатлари кўрсатилади.

Ажрим хулоса қисмининг таърифи уни ижро этишда тушунмовчиликларни келтириб чиқармаслиги учун аниқ ва тушунарли бўлиши керак.

Алоҳида суд ҳужжати кўринишида чиқарилган ажрим, у чиқарилгандан сўнг дарҳол эълон қилинади ва ишга қўшилади.

7. ФПК 272-моддасининг иккинчи қисмига кўра, суд томонидан жойида чиқариладиган ажрим низо предмети ва муҳокама этилаётган масаланинг моҳияти, қонун нормаларига асослар ва ҳаволалар, суднинг асослантирувчи хулосалари ва ҳал этилаётган масала бўйича суднинг хулосалари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши ва дарҳол эълон қилиниши лозим.

8. Алоҳида суд ҳужжати кўринишида чиқарилган ажримнинг кўчирма нусхаси тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга, шунингдек, у дахлдор бўлган ўзга шахсларга ажрим чиқарилган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай почта орқали ёки электрон ҳужжат тарзида юборилди (ФПК 273-модда).

9. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ФПК билан алоҳида масалалар бўйича ажримлар мазмунига нисбатан қўшимча талаблар белгиланган (ФПК 95, 96, 103, 122, 125, 144, 167, 168, 181, 194, 226, 353, 358-моддалари).

Масалан, ФПК 95-моддасининг учинчи қисми талабларига мувофиқ экспертиза тайинлаш тўғрисидаги суднинг ажримида қандай масалалар бўйича экспертларнинг хулосаси талаб қилинаётганлиги ва экспертиза ўтказиш кимга топширилаётганлиги кўрсатилган бўлиши керак.

Арз қилинган талаб судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли аризани қабул қилиш рад қилинганда (ФПК 194-моддаси биринчи қисмининг 1-банди) ажримда аризачининг қайси органга мурожаат қилиши кераклиги кўрсатилиши шарт.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтариш ҳақидаги ажрим ФПК 195-моддасида назарда тутилган ҳаволани, бунга асосни, ажрим устидан шикоят қилиш муддати ва тартибини, шунингдек, аризачига йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилганидан сўнг судга қайта мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилганлигини ўз ичига олиши лозим.

10. Судлар иш бўйича иш юритиш тамомланадиган (аризани кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш ҳақидаги) ажримлар чиқаришда, ФПК 122 ва 124-моддаларида назарда тутилган аризани кўрмасдан қолдириш ва иш юритишни тугатиш асосларининг рўйхати тугал ҳисобланишини на-

зарда тутишлари лозим.

ФПК 122-моддасининг 2, 5, 6, 7, 8, 10 ва 11-бандларида назарда тутилган асослар бўйича ариза кўрмасдан қолдирилганда, суднинг ажримда ишнинг ҳал этилишига тўсқинлик қилаётган ҳолатларни қандай бартараф этиш йўллари кўрсатилиши лозим.

ФПК 122-моддасининг 1, 3 ва 4-бандларида назарда тутилган асослар бўйича аризани кўрмасдан қолдиришда, суд ажримда иш бўйича қабул қилинган даъво ни таъминлаш чоралари бекор қилинганлиги ҳақида кўрсатади.

ФПК 122-моддасининг 7-бандида назарда тутилган асос бўйича аризани кўрмасдан қолдиришда суд ишда иштирок этувчи шахсларга умумий тартибда даъво тақдим этиш ҳуқуқини тушунтириши шарт.

11. Судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 342-моддаси талабларига мувофиқ:

аризани қайтариш ёки қабул қилишни рад этиш ҳақида;

суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш ҳақида;

иш судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли иш юритишни тугатиш ҳақида;

тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилганлиги сабабли аризани кўрмасдан қолдириш ҳақида;

ишда қатнашган шахс вафот этганлиги муносабати билан, агар низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса, иш юритишни тугатиш ҳақида;

апелляция ёхуд кассация шикоятини қайтариш ёки қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажримларни чиқаришда суд давлат божини қайтариш масаласини ҳал қилиши лозим.

12. Шунинг назарда тутиш лозимки, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий иш бўйича ёки чет давлат ваколатли судининг айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан қабул қилинган қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг арз қилинган талабларидан воз кечишини қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш ҳақидаги ажримнинг мавжудлиги, аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиш (ФПК 194-моддаси биринчи қисмининг 2-банди) ёхуд иш юритишни тугатиш (ФПК 124-моддасининг 2-банди) учун сўзсиз асос ҳисобланади.

Шу муносабат билан даъвогарнинг арз қилинган талаблардан воз кечишини қабул қилишда, шунингдек, тарафлар ўртасидаги келишув битимини тасдиқлашда суд уларга

кўрсатилган асослар бўйича иш юритишни тугатиш оқибатларини тушунтириши ва бу суд мажлиси баённомасида ҳам, суднинг ажримда ҳам ёритилиши лозим.

13. Судларнинг эътибори, ФПК 275-моддасида назарда тутилган суднинг хусусий ажрим чиқариш ҳуқуқи, суд давлат органининг ёки бошқа органининг, ташкилотнинг, мансабдор шахснинг ёки фуқаронинг фаолиятида, уларнинг ишда иштирокидан қатъи назар, ишни кўриш чоғида аниқланган қонун ҳужжатлари бузилишига нисбатан муносабат билдириш воситаси эканлигига қаратилсин. Хусусий ажрим кўриладиган ҳуқуқий муносабат предмети доирасидан четга чиқадиган масала бўйича суд томонидан чиқарилади.

Ишни кўришда шахсларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланган ҳолда, суд бу ҳақда алоҳида процессуал ҳужжат чиқармасдан, прокурорга тегишли материалларни илова қилган ҳолда хабарнома юбориш билан чекланади (ФПК 275-моддасининг бешинчи қисми).

14. Суднинг ҳал қилув қароридан ажратилган ҳолда апелляция ёхуд кассация ёки назорат тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин бўлган ажримларни, суднинг ҳал қилув қарори билан бирга шикоят қилинадиган, хусусий шикоят ёки протест берилмайдиган, лекин эътирозлар апелляция ёхуд кассация ёки назорат тартибидаги шикоят (протест)га келтирилиши мумкин бўлган ажримлардан фарқлаш лозим.

15. Қонунга мувофиқ (ФПК 400, 420, 422-моддалари), биринчи инстанция судининг ажримлари устидан, агар бу қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса ёки суд ажрими ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қилган ҳолларда суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида апелляция ёхуд кассация ёки назорат тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Бундай ажримларга:

аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида;

аризани қайтариш тўғрисида;

иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида;

мажбурий келтириш тўғрисида;

суд жаримасини солиш тўғрисида;

жаримадан озод қилиш ёки унинг миқдорини камайтиришни рад этиш тўғрисида;

ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш тўғрисида;

иш юритишни тугатиш тўғрисида;

ўтказиб юборилган процессуал муддатни узайтириш ёки тиклашни рад этиш тўғрисида;

ҳал қилув қарорининг ёзувидаги хатолар ва

очиқ арифметик хатоларни тузатиш тўғрисида;  
қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилишни рад этиш тўғрисида;

ҳал қилув қарорини тушунтириш тўғрисида;  
ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этиш масалалари бўйича;

ҳал қилув қарори ижросини кечиктириш ва унинг бўлиб-бўлиб ижро этилиши, уни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисида;

ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масала бўйича;

ижро варақасининг ёки суд буйруғининг дубликатини бериш тўғрисида;

ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани қаноатлантириш ёки рад этиш тўғрисида;

хусусий ажрим (қарор);

далилларни таъминлашни рад этиш тўғрисида;

даъвони таъминлаш масалалари бўйича;  
суд буйруғини бекор қилишни рад этиш тўғрисида;

суд харажатлари билан боғлиқ масалалар бўйича;

апелляция (кассация) шикоятини қайтариш тўғрисида;

ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ иш бўйича;

чет давлат судларининг ва чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларининг) ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида;

ижро варақасини ижрога топширишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклашни рад этиш тўғрисида;

ижро ишини юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш ҳақидаги масалалар бўйича;

ижро ишини юритишни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ва бошқалар.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонунга мувофиқ ФПК 122-моддасининг 5, 6 ва 7-бандларида назарда тутилган асослар бўйича аризани кўрмасдан қолдириш ҳақидаги суд ажрими устидан хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин (ФПК 123-моддасининг учинчи қисми).

16. Биринчи инстанция судининг хусусан, қуйидаги ажримлари устидан суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида шикоят қилинмайди:

аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзғатиш тўғрисида;

ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида;

ишни суд муҳокамасига тайинлаш тўғрисида;

бир неча ишларни бирлаштириш ва бир

неча талабларни ажратиш тўғрисида;

ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш тўғрисида;

далилларни таъминлаш тўғрисида;

суд топшириғи тўғрисида;

жавобгарни (қарздорни) қидириш тўғрисида;

ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш тўғрисида;

ҳуқуқий ворислар, учинчи шахслар ва вакилларнинг процессга кириши тўғрисида;

рад қилишни қабул қилиш ёки рад қилиш тўғрисида;

ишни мазмунан кўришни тиклаш тўғрисида;

ишни сиртдан иш юритиш тартибида кўриш тўғрисида;

сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақидаги ёхуд сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорини бекор қилишни рад этиш тўғрисида;

ашёвий далилларни сақлаш ва уларни қайтариш тўғрисида;

жаримадан озод қилиш ёки унинг миқдорини камайтириш тўғрисида.

17. Судлар шунга назарда тутиши лозимки, суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида шикоят қилинаётган ажрим, ҳал қилув қарори қонуний кучга кириши учун назарда тутилган тартибда қонуний кучга киради.

Алоҳида шикоят қилинмайдиган ажримлар эълон қилингандан сўнг дарҳол қонуний кучга киради.

18. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари вақти-вақти билан биринчи инстанция судлари томонидан ажримлар чиқарилиши амалиётини умумлаштирсинлар ҳамда аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўрсинлар.

19. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг:

2012 йил 25 майдаги "Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суди ажримлари тўғрисида"ги 7-сонли;

2016 йил 29 июлдаги "Аризани қабул қилишни рад этиш, аризани кўрмасдан қолдириш ва иш юритишни тугатиш билан боғлиқ процессуал нормаларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 12-сонли қарорлари ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий суди раиси**

**К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби,**

**Олий суд судьяси**

**И. АЛИМОВ**

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ****ПЛЕНУМА ВЕРХОВНОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

25 октября 2019 год

№ 19

город Ташкент

**Об определениях суда первой инстанции по гражданским делам**

В связи с принятием Гражданского процессуального кодекса Республики Узбекистан (далее — ГПК) в новой редакции, а также в целях обеспечения единообразного и правильного применения норм закона при вынесении судом первой инстанции определений по гражданским делам, руководствуясь статьёй 17 Закона Республики Узбекистан "О судах", Пленум Верховного суда Республики Узбекистан

**ПОСТАНОВЛЯЕТ:**

1. Обратить внимание судов, что определение суда первой инстанции по гражданскому делу является судебным актом, которым дело не разрешается по существу (часть седьмая статьи 6 ГПК). Вместе с тем, своевременное и правильное вынесение определений по вопросам, возникающим при рассмотрении гражданского дела, способствует надлежащей его подготовке к судебному разбирательству, реализации прав участников процесса, принятию законного, обоснованного и справедливого решения.

Общие положения, регламентирующие порядок вынесения, содержание и исполнение определений суда первой инстанции, предусмотрены главой 24 ГПК.

2. Определения суда первой инстанции могут быть вынесены как в виде отдельного процессуального акта, составляемого в отдельном помещении (совещательной комнате), так и в зале судебного заседания путем внесения в протокол судебного заседания соответствующей записи о принятом судом решении.

3. Суд обязан выносить определение в виде отдельного процессуального акта по вопросам:

о принятии заявления к производству и возбуждении дела;  
о возвращении заявления;

о подготовке дела к судебному разбирательству;

о назначении дела к судебному разбирательству;

о соединении однородных дел и разъединении нескольких требований в отдельное производство;

о рассмотрении дела в закрытом судебном заседании;

о рассмотрении дела в порядке заочного производства;

о замене ненадлежащего ответчика;

о вступлении в процесс правопреемников;

о судебном поручении;

об обеспечении иска, замене одного вида обеспечения иска другим, а также отмене мер по обеспечению иска;

об удовлетворении или отклонении заявления об отводе;

о приводе;

о наложении судебного штрафа;

о розыске ответчика (должника);

о приостановлении и возобновлении производства по делу;

об оставлении заявления без рассмотрения;

о прекращении производства по делу;

о назначении супругам срока для примирения и отложении разбирательства дела;

о взыскании алиментов до принятия судом решения;

о возобновлении разбирательства дела по существу;

об исправлении опечаток и явных арифметических ошибок;

о разъяснении решения;

о немедленном исполнении решения;

об обеспечении исполнения решения, не обращенного к немедленному исполнению;

о пересмотре заочного решения;

о продлении и восстановлении процессуальных сроков;

об отсрочке либо рассрочке исполнения решения, изменении порядка и способа его исполнения.

В виде отдельного процессуального акта выносятся также частное определение суда (статья 275 ГПК).

4. В соответствии с частью второй статьи 271 ГПК суд вправе без удаления в совещательную комнату на месте выносить определение по несложным вопросам (привлечение или вступление в дело третьих лиц, представителей сторон, вызов свидетелей, отложение судебного разбирательства, установление порядка исследования доказательств, истребование или приобщение к делу доказательств и др.).

Следует иметь в виду, что суд по своему усмотрению может по любому вопросу вынести определение в виде отдельного процессуального акта.

5. Обратить внимание судов на необходимость вынесения определений в строгом соответствии с требованиями закона, предъявляемыми к его содержанию.

6. По смыслу статьи 272 ГПК определение суда, вынесенное в отдельном помещении (совещательной комнате), состоит из вводной, мотивировочной и резолютивной частей.

Во вводной части определения указываются:

время и место вынесения определения; наименование суда, рассматривающего дело;

фамилия и инициалы судьи (состав суда), секретаря судебного заседания;

фамилия и инициалы лиц, участвующих в деле;

предмет спора и существо вопроса, разрешаемого судом.

В мотивировочной части указываются:

мотивы, по которым суд пришел к своим выводам;

ссылка на нормы закона, которыми суд

руководствовался при разрешении дела.

В резолютивной части определения указываются:

выводы суда по разрешаемому вопросу; порядок и сроки обжалования (опротестования) определения.

Формулировка резолютивной части определения должна быть точной и ясной с тем, чтобы определение не вызывало неясностей при его исполнении.

Определение, вынесенное в виде отдельного судебного акта, оглашается немедленно после его вынесения и приобщается к делу.

7. Определение, вынесенное судом на месте согласно требованиям части второй статьи 272 ГПК должно содержать сведения о предмете спора и сути обсуждаемого вопроса, мотивах и ссылке на нормы закона, обосновывающие выводы суда, и выводах суда по разрешаемому вопросу и подлежит оглашению немедленно.

8. Копия определения, вынесенного в виде отдельного судебного акта, направляется сторонам, другим лицам, участвующим в деле, а также иным лицам, прав и интересов которых оно касается, не позднее чем через пять дней со дня вынесения по почте либо в виде электронного документа (статья 273 ГПК).

9. Обратить внимание судов на то, что ГПК установлены дополнительные требования к содержанию определений по отдельным вопросам (статьи 95, 96, 103, 122, 125, 144, 167, 168, 181, 194, 226, 353, 358 ГПК).

Например, в соответствии с требованиями части третьей статьи 95 ГПК в определении суда о назначении экспертизы должно быть указано, по каким вопросам требуется заключение экспертов и кому поручается ее производство.

При отказе в принятии заявления в виду неподведомственности заявленного требования суду (пункт 1 части первой статьи 194 ГПК) в определении должно быть указано, в какой орган следует обратиться заявителю.

Определение о возвращении заявления и приложенных к нему документов должно содержать ссылку на предусмотренное статьей 195 ГПК основание к этому, порядок и срок обжалования определения, а также разъяснение заявителю его право на повторное обращение в суд после устранения допущенных нарушений.

10. При вынесении определения, кото-

рым оканчивается производство по делу (об оставлении заявления без рассмотрения, прекращении производства по делу) судам следует иметь в виду, что перечень оснований оставления заявления без рассмотрения и прекращения производства по делу, предусмотренный статьями 122 и 124 ГПК, является исчерпывающим.

При оставлении заявления без рассмотрения по основаниям, предусмотренным пунктами 2, 5, 6, 7, 8, 10 и 11 статьи 122 ГПК, в определении суда должно быть указание на то, как устранить обстоятельства, препятствующие рассмотрению дела.

Оставляя заявление без рассмотрения по основаниям, предусмотренным пунктами 1, 3 и 4 статьи 122 ГПК, суд в определении указывает об отмене принятых по делу мер по обеспечению иска.

При оставлении заявления без рассмотрения по основанию, предусмотренному пунктом 7 статьи 122 ГПК, суд обязан разъяснить участвующим в деле лицам, право предъявления иска в общем порядке.

11. Разъяснить судам, что в соответствии с требованиями статьи 342 Налогового кодекса Республики Узбекистан суд должен решить вопрос о возврате государственной пошлины при вынесении определения:

о возвращении или отказе в принятии заявления;

об отказе в принятии заявления о вынесении судебного приказа;

о прекращении производства по делу в связи с неподведомственностью его суду;

об оставлении заявления без рассмотрения, если между сторонами заключено медиативное соглашение;

о прекращении производства по делу в связи со смертью лица, участвовавшего в деле, если спорное правоотношение не допускает правопреемства;

о возвращении или отказе в принятии апелляционной либо кассационной жалобы.

12. Следует иметь в виду, что вступившее в законную силу принятое по спору между теми же сторонами, о том же предмете и по тем же основаниям определение суда по гражданскому, экономическому, административному делу или компетентного иностранного суда о принятии отказа истца от заявленных требований или об утверждении мирового соглашения сторон, является безусловным основанием для отказа в принятии заявления к производству (пункт 2 части первой статьи 194 ГПК) либо прекращения производства по делу

(пункт 2 статьи 124 ГПК).

В связи с этим при принятии отказа истца от заявленных требований, а также утверждении между сторонами мирового соглашения суду следует разъяснить им последствия прекращения дела по указанным основаниям, что должно быть отражено как в протоколе судебного заседания, так и в определении суда.

13. Обратит внимание судов, что предусмотренное статьей 275 ГПК право суда на вынесение частного определения представляет собой средство реагирования суда на выявленные при рассмотрении дела нарушения актов законодательства в деятельности государственного или иного органа, организации, должностного лица либо гражданина независимо от их участия в деле. Частное определение выносится судом по вопросу, которое выходит за пределы предмета рассматриваемого правоотношения.

В случае обнаружения при рассмотрении дела в действиях лиц признаков преступления, суд ограничивается направлением об этом сообщения прокурору с приложением соответствующих материалов, без вынесения отдельного процессуального акта (часть пятая статьи 275 ГПК).

14. Следует различать определения, которые могут быть обжалованы (опротестованы) в апелляционном либо кассационном порядке, или в порядке надзора отдельно от решения суда, от определений, обжалуемых вместе с решением суда, частные жалобы или протесты на которые не подаются, но возражения на которые могут быть приведены в апелляционной либо кассационной жалобе (протесте), или в жалобе в порядке надзора.

15. В соответствии с законом (статьи 400, 420, 422 ГПК) отдельно от решения суда могут быть обжалованы определения суда первой инстанции в случаях, если это прямо предусмотрено законом или когда определение суда препятствует дальнейшему движению дела.

К таким определениям относятся определения:

об отказе в принятии заявления;

о возвращении заявления;

о приостановлении производства по делу;

о приводе;

о наложении судебного штрафа;

об отказе в освобождении от штрафа или уменьшении его размера;



о передаче дела из одного суда в другой суд;

о прекращении производства по делу;

об отказе в продлении или в восстановлении пропущенного процессуального срока;

об исправлении опечаток и явных арифметических ошибок в решении;

об отказе в принятии дополнительного решения;

о разъяснении решения суда;

по вопросам немедленного исполнения решения суда;

об отсрочке и рассрочке исполнения решения, изменении порядка и способа исполнения решения;

по вопросу о повороте исполнения решения;

о выдаче дубликата исполнительного листа или судебного приказа;

об удовлетворении или отклонении заявления о пересмотре решения, определения или постановления по вновь открывшимся обстоятельствам;

частное определение (постановление);

об отказе в обеспечении доказательств;

по вопросам обеспечения иска;

об отказе в отмене судебного приказа;

по вопросам, связанным с судебными расходами;

о возвращении апелляционной (кассационной) жалобы;

по делу, связанному с решением третейского суда;

о признании и приведении в исполнение решения иностранных судов и иностранных третейских судов (арбитражей);

об отказе в восстановлении пропущенного срока для предъявления исполнительного листа к исполнению;

по вопросам о приостановлении и прекращении исполнительного производства;

об отказе в возобновлении исполнительного производства и др.

Обратить внимание судов, что в соответствии с законом (часть третья статьи 123 ГПК) частная жалоба (протест) может быть подана на определение суда об оставлении заявления без рассмотрения по основаниям, предусмотренным в пунктах 5, 6 и 7 статьи 122 ГПК.

16. Не подлежащими обжалованию отдельно от решения суда относятся, в частности, определения суда:

о принятии заявления к производству и возбуждении дела;

о подготовке дела к судебному разбира-

тельству;

о назначении дела к судебному разбирательству;

о соединении однородных дел и разьединении нескольких требований;

о рассмотрении дела в закрытом судебном заседании;

об обеспечении доказательств;

о судебном поручении;

о розыске ответчика (должника);

о замене ненадлежащего ответчика;

о вступлении в процесс правопреемников, третьих лиц и представителей;

о принятии или отклонении отвода;

о возобновлении разбирательства дела по существу;

о рассмотрении дела в порядке заочного производства;

об отмене заочного решения либо об отказе в отмене заочного решения;

о хранении вещественных доказательств и их возвращении;

об освобождении или уменьшении размера штрафа.

17. Судам следует иметь в виду, что определение, обжалуемое отдельно от решения суда, вступает в законную силу в порядке, предусмотренном для вступления в законную силу решения.

Определения, не подлежащие отдельно обжалованию, вступают в законную силу сразу после оглашения.

18. Суду Республики Каракалпакстан по гражданским делам, областным и Ташкентскому городскому судам по гражданским делам периодически обобщать практику вынесения судами первой инстанции определений, и принимать меры по устранению выявленных ошибок и недостатков.

19. В связи с принятием данного постановления, признать утратившими силу постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан:

от 25 мая 2012 года № 7 "Об определениях суда первой инстанции по гражданским делам";

от 29 июля 2016 года № 12 "О некоторых вопросах применения процессуальных норм по вопросам об отказе в принятии заявления, об оставлении заявления без рассмотрения и о прекращении производства".

**Председатель Верховного суда  
Республики Узбекистан К. КАМИЛОВ**

**Секретарь Пленума,  
судья Верховного суда И. АЛИМОВ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ  
Қ А Р О Р И

2019 йил 25 октябрь

№ 20

Тошкент шаҳри

## Маъмурий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти ҳақида

Маъмурий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиётида мавжуд камчиликларни бартараф қилиш, судлар томонидан мазкур масалага доир қонун ҳужжатлари тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, маъмурий ишлар бўйича суд харажатлари давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборат.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (бундан буён матнда СК деб юритилади) 326-моддасига мувофиқ давлат божи деганда, юридик аҳамиятга молик харажатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай харажатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўлов тушунилади.

Давлат божи бошқа мажбурий тўловлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини шакллантиришнинг таркибий қисмини ташкил этиши туфайли, судлар маъмурий ишлар бўйича давлат божи ундиришга доир қонун талабларига сўзсиз риоя этиши шарт.

3. Тушунтирилсинки, маъмурий ишлар бўйича давлат божи қуйидагилардан ундирилади:

1) биринчи инстанция судига бериладиган: идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқладиган манфаатларини бузадиган қарорлари, харажатлари (харажатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

сайлов комиссияларининг харажатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

нотариал харажатни содир этишни, фуқаролик ҳолати далолатномаларининг ёзувларини қайд этишни рад этганлик юзасидан низолашиш ёхуд нотариуснинг ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи мансабдор шахсининг харажатлари (харажатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаганлик устидан шикоят қилиш тўғрисидаги аризалардан;

2) бериладиган апелляция, кассация ва назорат шикоятларидан:

маъмурий судларнинг ҳал қилув қарорлари; иш юритишни тугатиш, аризани кўрмасдан қолдириш, суд жарималарини солиш тўғрисидаги ажримлар устидан;

3) суд ҳужжатларининг дубликатлари ва кўчирма нусхаларини берганлик учун.

Иш ҳужжатларидан фотонусха кўчириш учун давлат божи ундирилмайди.

4. Маъмурий ишлар бўйича давлат божини тўлаш билан боғлиқ муносабатлар СК XVII бўлими, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг (бундан буён матнда МСИЮТК деб юритилади) 12-боби, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги "Давлат божи ставкалари тўғрисида"ги 533-сонли қарори билан тартибга солинади.

5. Давлат божи ариза, шикоят (бундан буён матнда ариза деб юритилади) судга берилгунга қадар тўланади, агар қонунда бошқача белгиланмаган бўлса (масалан, тўловчи давлат божини тўлашдан озод қилинган ёки суд давлат божи тўлашни кечиктирган ёхуд бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берган бўлса).

Давлат божи нақд пулсиз шаклда тўлан-

ганлиги факти банкнинг тўлов қабул қилинганлиги тўғрисидаги белгиси бўлган тўлов топшириқномаси билан тасдиқланиши шарт.

Давлат божи нақд пул шаклида тўланганлиги факти банк томонидан тўловчига берилган белгиланган шаклдаги квитанция билан тасдиқланиши керак.

Агар муайян судда кўрилиши керак бўлган бир нечта аризалар бўйича давлат божи бир тўлов топшириқномаси билан тўланган бўлса, тўлов топшириқномаси ишлардан бирига илова қилинади.

Қолган ишларга судья томонидан тўлов топшириқномаси санаси ва рақами кўрсатилган ҳамда тўлов топшириқномаси қўшиб қўйилган ишга ҳавола қилинган ҳолда давлат божи тўланганлиги тўғрисида белги қўйилади (маълумотнома тузилади).

6. Шунинг назарда тутиш лозимки, тўланиши лозим бўлган давлат божи миқдори аризада судга мурожаат қилаётган талабининг турига қараб қонун ҳужжатларида белгиланган ставкалар бўйича аниқланади.

Бир нечта мустақил талаблардан иборат бўлган аризалардан давлат божи ҳар бир талаб бўйича, ушбу талаб учун белгиланган тегишли ставкалар бўйича алоҳида ундирилади.

7. Судлар шунинг назарда тутиши лозимки, қонунга кўра, (СК 337-моддаси) учинчи шахслар ишга мустақил талаблар билан киришганида давлат божи умумий асосларда ундирилади.

Ишга киришган аризачининг ҳуқуқий вори-сидан давлат божи, агар у муқаддам тўланмаган бўлса, умумий асосларда ундирилади.

8. Ариза бир неча шахс томонидан биргаликда тақдим этилганда, давлат божи мазкур турдаги талаб учун белгиланган миқдордан ошмаслиги лозим.

Бирлаштирилган бир ёки бир неча талаблар суд томонидан алоҳида иш юритишга ажратилганда, қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тўланган давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди ва қайтарилмайди. У алоҳида ажратилган иш юритиш бўйича ҳисобга олинади, бу ҳақда судья томонидан тегишли маълумотнома тузилади ва иш материалларига қўшиб қўйилади.

9. Суд томонидан кўрмасдан қолдирилган ариза такроран берилганда давлат божи қайтадан умумий асосларда тўланади.

Ариза кўрмасдан қолдирилган ёки қайтаришга асос бўлган шартлар бартараф этилгандан сўнг такроран берилган ҳолда аризага, агар қонунда белгиланган, давлат божини бюджет тасарруфига ўтказиш вақтидан ҳисобланадиган бир йиллик даъво муддати тугамаган бўлса, давлат божи тўланганлиги ҳақидаги дастлабки ҳужжат илова қилинишига йўл қўйилади (СК 337-моддасининг

бешинчи ва йигирма иккинчи қисмлари).

10. Судга давлат божи тўланмаган ариза келиб тушганда, судья қонун бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинган шахслар рўйхатига аризадаги кириши ёки кирмаслигини текшириши шарт (СК 330<sup>1</sup>-моддаси). Агар аризада қонунга кўра, давлат божини тўлашдан озод қилинмаган бўлса ва аризада уни тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ҳақида илтимоснома мавжуд бўлмаса, шунингдек, почта харажатлари тўланмаганда, судья тўланиши лозим бўлган давлат божи, почта харажатлари суммасини ҳамда ушбу камчилик бартараф қилингандан сўнг аризачининг умумий тартибда такроран мурожаат қилиш ҳуқуқини кўрсатган ҳолда аризани қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради (МСИЮТК 134-моддаси).

Қонун бўйича судья маъмурий судга мурожаат қилишда тўланиши лозим бўлган давлат божини тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод этиш ҳуқуқига эга эмаслигини назарда тутиш лозим. Бироқ, аризачининг мулкий аҳволдан келиб чиқиб, (масалан, иш ҳақи (даромади), унинг мулкида бўлган мол-мулклари, банкдаги маблағлари, вояга етмаган фарзандлари, бошқа қарамоғидагилар тўғрисидаги маълумотлар ва ҳ.к.) судья давлат божини тўлашни кечиктиришни ёки бўлиб-бўлиб тўлаш масаласини аризани иш юритувга қабул қилиш ва ишни қўзғатиш тўғрисидаги ажримда ёки аризачининг илтимосномасини қаноатлантириш ҳақидаги алоҳида ажримда ҳал қилишга ҳақли.

11. Ҳам жисмоний, ҳам юридик шахсдан давлат фойдасига ундириладиган давлат божини кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш масаласини ҳал қилишда, суд уларнинг бу харажатларни қисман ёки бир йўла тўлашга қурби етмаслигини тасдиқловчи ҳолатлар мавжудлиги ҳақидаги далилларни текшириши лозим. Пул маблағларининг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги банкнинг тасдиғи судга мурожаат қилинган санадан кўпи билан уч кун олдинги сана билан қайд этилган бўлиши лозим.

12. Судларга тушунтирилсинки, давлат божини қайтариш асослари СК 342-моддасида назарда тутилган бўлиб, унинг маъносига кўра, давлат божи қонунда талаб қилинганидан ортиқча миқдорда тўланган бўлса, шу ортиқча тўланган қисми, бошқа ҳолларда эса тўлиқ ҳажмда қайтарилади.

Агар бож давлат бюджети тасарруфига ўтказилган кундан бошлаб бир йиллик муддат ўтмаган бўлса, давлат божи судьянинг ажрими асосида у тўланган жойдаги молия органи томонидан қайтарилади.

Агар аризадаги божи тўлаб, судга ариза (шикоят) билан мурожаат қилмаган бўлса ёки ариза суд томонидан қайтарилган ёхуд ариза, апелляция, кассация ёки назорат шикоя-

ти судга келиб тушмаган бўлса, давлат божини қайтариш суднинг ушбу ҳолатни тасдиқловчи маълумотномаси асосида молия органи томонидан амалга оширилади.

13. Судлар назарда тутиши лозимки, маъмурий ишни кўриш билан боғлиқ чиқимларга: гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар; далилларни жойида кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

суд хабарномаларини ва суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатлари; суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар киради.

Судларнинг эътибори суд чиқимларини тўлашдан озод этиш қонунда назарда тутилмаганлигига қаратилсин.

14. Суд чиқимларининг тараф (тарафлар) томонидан олдиндан киритилмаганлиги гувоҳни, экспертни, мутахассисни чақириш, жойига бориб кўздан кечириш ҳақида қилинган илтимосномани, агар бу тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона аниқлаш учун зарур бўлса, қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўлмайди. Бундай ҳолда ишни кўриш билан боғлиқ сарф қилинган чиқимлар, МСИЮТК 115-моддасида белгиланган қоидалар бўйича суд ҳужжати қабул қилинаётганда ундирилади.

15. Тушунтирилсинки, гувоҳлар, экспертлар мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар ва уларни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги кейинчалик ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган "Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга харажатларни тўлаш тартиби ва миқдори ҳақида"ги Қонуни билан белгиланган.

16. Умумий қоидага кўра, иш бўйича суд харажатларини низода ноҳақ бўлиб чиққан тараф тўлайди.

Суд харажатларини тарафлар ўртасида тақсимлаш ва уларни давлат фойдасига ундириш МСИЮТК 115-моддаси билан тартибга солинади.

Шу сабабли суд муҳокамаси жараёнида суд (судья) суд харажатлари билан боғлиқ ҳолатларни текшириши, бу ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида тегишли хулосалар қилиши ва, нафақат ундирувга бўлган ҳуқуқни, балки иш бўйича тарафдан (тарафлардан) ундирилиши лозим бўлган аниқ суммани белгилаши ҳамда шу суммани ҳал қилув қарорининг (ажримнинг) хулоса қисмида кўрсатиши лозим.

17. Аризачи тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган давлат божи, агар жавобгар бож тўлашдан озод қилинмаган бўлса,

қаноатлантирилган талаблар миқдорига муносиб равишда жавобгардан давлат даромадига ундирилади.

Давлат божини тўлашдан озод этилган бир ёки бир нечта аризачи томонидан бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилган ариза тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда, у давлат фойдасига алоҳида ҳар бир жавобгардан қаноатлантирилган талабларга муносиб равишда ундирилади.

Ариза қаноатлантирилган ҳолда аризачининг тегишли илтимосномаси мавжуд бўлгандагина, суд харажатлари унинг зиммасига юклатилиши мумкин.

18. Тушунтирилсинки, аризачи арз қилган талабларидан воз кечганда у қилган харажатларнинг ўрни жавобгар томонидан қопланмайди.

Давлат божини тўлашдан озод қилинган аризачи ўз талабларидан улар жавобгар томонидан ихтиёрий равишда тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганлиги оқибатида воз кечганлиги сабабли иш юритиш тугатилган ҳолда, давлат божи жавобгардан давлат даромадига ундирилади.

19. МСИЮТК 162-моддасига кўра, суд харажатлари масаласига доир қўшимча ҳал қилув қарори фақат, бу масала ҳал қилув қарори чиқариш вақтида ечилмаган ҳолдагина чиқарилиши мумкин.

20. Судларга тушунтирилсинки, давлат божи билан боғлиқ масалалар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан умумий асосларда шикоят (протест) берилиши мумкин.

21. Судлар назарда тутиши лозимки, СК 330<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар (1, 9, 11, 12-бандларида кўрсатилган шахслардан ташқари) суд ҳужжатлари устидан апелляция, кассация, назорат шикояти билан мурожаат қилганда давлат божидан озод этилган.

22. Юқори инстанция судлари маъмурий ишларни апелляция, кассация, назорат тартибида кўриш вақтида қуйи инстанция судлари томонидан суд харажатларини ундиришда йўл қўйилган камчиликларни тузатиш чораларини кўриши лозим.

23. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари давлат солиқ хизмати органлари билан биргалиқда давлат божи тушумлари ҳисобга олинишини вақти-вақти билан таққослаш ўтказиши, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини амалга ошириши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий суди раиси**

**К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби,**

**Олий суд судьяси**

**И. АЛИМОВ**



## ПОСТАНОВЛЕНИЕ

### ПЛЕНУМА ВЕРХОВНОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

25 октября 2019 год

№ 20

город Ташкент

# О практике взыскания судебных расходов по административным делам

В целях устранения недостатков, имеющих в судебной практике по взысканию судебных расходов по административным делам, обеспечения правильного применения судами законодательства по указанному вопросу, на основании статьи 17 Закона "О судах", Пленум Верховного суда Республики Узбекистан

#### ПО С Т А Н О В Л Я Е Т:

1. Судам следует иметь в виду, что судебные расходы по административным делам состоят из государственной пошлины и издержек, связанных с рассмотрением дела.

2. В соответствии со статьей 326 Налогового кодекса Республики Узбекистан (далее — НК) под государственной пошлиной понимается обязательный платеж, взимаемый за совершение юридически значимых действий и (или) выдачу документов уполномоченными на то учреждениями и (или) должностными лицами.

Поскольку государственная пошлина, наряду с другими видами обязательных платежей, является составляющей частью формирования доходов Государственного бюджета Республики Узбекистан, судам необходимо неукоснительно соблюдать требования закона о взыскании государственной пошлины по административным делам.

3. Разъяснить, что государственная пошлина по административным делам взимается:

1) с подаваемых в суд первой инстанции заявлений об:

оспаривании ведомственных нормативно-правовых актов;

оспаривании решений, действий (бездействия) органов государственного управления, иных организаций, уполномоченных на осуществление административно-правовой деятельности, органов самоуправления граждан и их должностных лиц, не соответствующих законодательству и нарушающих права и охраняемые законом интересы граждан и юридических лиц;

оспаривании действий (решений) избирательных комиссий;

оспаривании отказа в совершении нотариального действия, регистрации записей актов гражданского состояния либо действий (бездействия) нотариуса или должностного лица органа записи актов гражданского состояния; обжаловании отказа в государственной регистрации либо уклонения от государственной регистрации в установленный срок;

2) с апелляционных, кассационных и надзорных жалоб:

на решения административных судов; на определения суда о прекращении производства по делу, об оставлении заявления без рассмотрения, о наложении судебных штрафов;

3) за выдачу дубликатов и копий судебных документов.

За снятие фотокопий материалов дела государственная пошлина не взимается.

4. Отношения, связанные с уплатой государственной пошлины по административным делам, регулируются разделом XVII НК, главой 12 Кодекса Республики Узбекистан об административном судопроизводстве (далее — КоАС), постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 3 ноября 1994 года № 533 "О ставках государственной пошлины".

5. Государственная пошлина уплачивается до подачи в суд заявления, жалобы (далее — заявление), если иное не установлено законом (например, когда плательщик освобожден законом от уплаты государственной

ной пошлины, или судом представлена отсрочка либо рассрочка уплаты государственной пошлины).

Факт уплаты государственной пошлины в безналичной форме должен быть подтвержден платежным поручением с отметкой банка о принятии платежа.

Факт уплаты государственной пошлины в наличной форме должен быть подтвержден квитанцией, выдаваемой плательщику банком по установленной форме.

В случаях, когда по одному платежному поручению государственная пошлина уплачена по нескольким заявлениям, подлежащим рассмотрению в данном суде, платежное поручение прилагается к одному из дел.

В остальных делах судьей производится отметка (составляется справка) об уплате государственной пошлины с указанием даты и номера платежного поручения со ссылкой на дело, в котором находится платежное поручение.

6. Следует иметь в виду, что размер государственной пошлины, подлежащей уплате, зависит от вида требования, с которым заявитель обращается в суд, и определяется по ставкам, установленным законодательством.

С заявлений, состоящих из нескольких самостоятельных требований, государственная пошлина взимается за каждое требование в отдельности по ставкам, установленным, соответственно, для данного требования.

7. Судам следует иметь в виду, что согласно закона (статья 337 НК), при вступлении в дело третьих лиц с самостоятельными требованиями, государственная пошлина взимается на общих основаниях.

Со вступившего в дело правопреемника заявителя, государственная пошлина взыскивается на общих основаниях, если она не была уплачена ранее.

8. При предъявлении заявления совместно несколькими лицами, государственная пошлина не должна превышать размер, установленный для данного вида требования.

В случае выделения судом одного или нескольких из соединенных требований в отдельное производство, уплаченная с соблюдением требований законодательства государственная пошлина, не подлежит пересчету и возвращению. Она подлежит зачету по выделенному отдельно производству, о чем судьей составляется соответствующая справка, которая приобщается к материалам дела.

9. При подаче повторно заявления, оставленного судом без рассмотрения, государственная пошлина уплачивается вновь на общих основаниях.

В случае оставления без рассмотрения или возвращения заявления, допускается приложение первоначального документа об уплате

государственной пошлины к заявлению, предъявляемому повторно, если не истек установленный законом годичный срок исковой давности, исчисляемый со дня зачисления суммы государственной пошлины в бюджет (части пятая и двадцать вторая статьи 337 НК).

10. При поступлении в суд заявления, не оплаченного государственной пошлиной, судья обязан проверить, не относится ли заявитель к числу лиц, освобожденных законом (статья 330<sup>1</sup> НК) от уплаты государственной пошлины. Если заявитель не освобожден от уплаты государственной пошлины в силу закона и в заявлении отсутствует ходатайство об отсрочке, рассрочке ее уплаты либо ходатайство отклонено, а также в случае неуплаты почтовых расходов, судья выносит определение о возвращении заявления (статья 134 КоАС) с указанием сумм, подлежащих уплате государственной пошлины и почтовых расходов, а также права заявителя на повторное обращение в суд на общих основаниях.

Следует иметь в виду, что по закону судья не наделен правом полного или частичного освобождения от уплаты государственной пошлины. Однако, исходя из имущественного положения заявителя (например, данных о заработной плате (доходах), находящемся в его собственности имуществе, наличии средств в банке, наличии несовершеннолетних детей, других иждивенцев и т.п.), он вправе решить вопрос об отсрочке или рассрочке уплаты государственной пошлины в определении о принятии заявления к производству и возбуждении дела или в отдельном определении об удовлетворении ходатайства заявителя.

11. При решении вопроса об отсрочке, рассрочке уплаты государственной пошлины, взыскиваемой как с физического, так и с юридического лица, суд должен проверить доказательств о наличии обстоятельств, свидетельствующих об их несостоятельности понести эти расходы частично либо одновременно. Подтверждение банка об отсутствии денежных средств должно быть датировано не ранее трех дней до даты обращения в суд.

12. Разъяснить судам, что основания возврата государственной пошлины предусмотрены в статье 342 НК, по смыслу которой пошлина, внесенная в большем размере, чем это требуется по закону, возвращается в части излишне уплаченной суммы, а в остальных случаях — в полном объеме.

Возврат государственной пошлины производится на основании определения судьи финансовым органом по месту ее уплаты, если не истек годичный срок со дня зачисления пошлины в государственный бюджет.

Если заявитель, уплатив пошлину, не обратился с заявлением (жалобой) в суд или

заявление было возвращено судом либо заявление, апелляционная, кассационная или надзорная жалоба в суд не поступили, возврат пошлины производится финансовым органом, на основании справки суда, подтверждающей это обстоятельство.

13. Судам следует иметь в виду, что к издержкам, связанным с рассмотрением административного дела, относятся:

суммы, подлежащие выплате свидетелям, экспертам, специалистам, переводчикам;

расходы, связанные с осмотром доказательств на месте;

почтовые расходы, связанные с направлением судебных извещений и судебных актов;

расходы, связанные с проведением судебного заседания в режиме видеоконференцсвязи.

Обратить внимание судов, что законом не предусмотрено освобождение от уплаты судебных издержек.

14. Невнесение предварительно средств на оплату судебных издержек, не является основанием для отказа в удовлетворении заявленного стороной (сторонами) ходатайства о вызове свидетеля, эксперта, специалиста, производства осмотра на месте, если это необходимо для всестороннего, полного и объективного выяснения действительных обстоятельств дела, прав и обязанностей сторон. В таком случае, понесенные в связи с рассмотрением дела издержки, взыскиваются судом по правилам, установленным статьей 115 КоАС, при принятии судебного акта.

15. Разъяснить, что размер сумм, подлежащих выплате свидетелям, экспертам, специалистам, переводчикам и порядок их выплаты установлены Законом Республики Узбекистан "О порядке и размерах возмещения свидетелям, потерпевшим, экспертам, специалистам, переводчикам и понятым понесенных расходов" от 3 июля 1992 года с последующими изменениями и дополнениями.

16. По общему правилу, судебные расходы по делу несет сторона, оказавшаяся неправой в споре.

Порядок распределения судебных расходов между сторонами и возмещения их государству регулируется статьей 115 КоАС. Поэтому, в процессе судебного разбирательства, суд (судья) обязан исследовать обстоятельства, связанные с судебными расходами, сделать по этим обстоятельствам соответствующие выводы в мотивировочной части решения и установить не только право на взыскание, но и определить точную сумму, подлежащую взысканию со стороны (сторон) по делу и указать эту сумму в резолютивной части решения (определения).

17. Государственная пошлина, от уплаты которой в установленном порядке заявитель

был освобожден, взыскивается с ответчика в доход государства пропорционально размеру удовлетворенных требований, если ответчик не освобожден от уплаты пошлины.

При полном или частичном удовлетворении заявления, предъявленного несколькими заявителями, освобожденными от уплаты государственной пошлины, к нескольким ответчикам, она взыскивается в доход государства отдельно с каждого ответчика, пропорционально удовлетворенным требованиям.

В случае удовлетворения заявления, отнесение судебных расходов на заявителя возможно лишь при наличии его соответствующего ходатайства.

18. Разъяснить, что при отказе заявителя от заявленных требований, понесенные им расходы ответчиком не возмещаются.

В случае прекращения производства по делу в связи с отказом заявителя, освобожденного от уплаты государственной пошлины, от своих требований вследствие добровольного полного или частичного удовлетворения их ответчиком, государственная пошлина подлежит взысканию в доход государства с ответчика.

19. В силу статьи 162 КоАС, дополнительное решение по вопросу о судебных расходах может быть вынесено лишь в том случае, если данный вопрос не был решен судом при постановлении решения.

20. Разъяснить судам, что на судебные акты, принятые по вопросам государственной пошлины, может быть подана жалоба (протест) на общих основаниях.

21. Судам следует иметь в виду что, при обращении с апелляционной, кассационной, надзорной жалобой на судебные акты, лица, указанные в части первой статьи 330<sup>1</sup> НК освобождены от уплаты государственной пошлины (за исключением лиц, перечисленных в пунктах 1, 9, 11, 12).

22. При рассмотрении административных дел в апелляционном, кассационном, надзорном порядке суды вышестоящей инстанции должны принимать меры к исправлению ошибок, допущенных судами нижестоящей инстанции при взыскании судебных расходов.

23. Административным судам Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента периодически осуществлять сверку учета поступления государственной пошлины совместно с государственными органами налоговой службы, принимать меры для устранения выявляемых нарушений.

**Председатель Верховного суда  
Республики Узбекистан К. КАМИЛОВ**

**Секретарь Пленума,  
судья Верховного суда И. АЛИМОВ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ  
Қ А Р О Р И

2019 йил 31 октябрь

№ РС-73-19

Тошкент шаҳри

## Судлов ҳайъатлари томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ Олий суд Раёсати

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч — адолатда" газетаси бирлашган таҳририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали таҳририяти (К.Убайдиллоев), Олий суд Матбуот хизмати (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзорларини Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосарлари — судлов ҳайъатларининг раислари И.Муслимов, Х.Ёдгоров ва Б.Исаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди раиси** **К. КАМИЛОВ**



## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти О Б З О Р И

Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори қабул қилинган.

Мазкур қарорнинг 2-бандига кўра, Олий суд судлов ҳайъатлари томонидан ҳар чорак якунида судлов ҳайъатларининг ишларни назорат тартибида кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида ҳисобот даврининг бошига қолдиқ назорат шикоятлари сони 1607 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 11521 та назорат шикоятлари (протестлари) келиб тушган.

Улардан 8820 та шикоятни судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, 1 та протест чақириб олинган, 1607 та шикоят ҳисобот даврининг охирида қолдиқда қолган.

1.094 та шикоят (протест) жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилган. Шундан 1.033 та шикоят (протест) қаноатлантирилган, 61 та шикоят (протест) рад қилинган.

Жумладан, 770 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари бекор қилиниб, ишлар янгидан апелляция ва кассация инстанциясида кўриш учун юборилган, 402 нафар шахснинг жиноят малакаси ўзгартирилган, 145 нафар шахснинг жиноят малакаси ўзгартирилиб, жазо чораси қайта кўриб чиқилган, 7 нафар шахснинг жиноят малакаси ўзгартирилиб, жазодан озод қилинган, 142 нафар шахснинг жиноят малакаси ўзгартирилмай жазо чораси қайта кўриб чиқилган, 36 нафар шахснинг малакаси ўзгартирилмай жазодан озод қилинган, 13 нафар шахсга оид суд қарорлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 490-моддаси бешинчи қисмида белгиланган асосларда, 59 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари эса, бошқа асосларга кўра ўзгартирилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан ишларни кўришда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

## ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

### **1. Суд томонидан иш ҳолатлари атрофлича ва тўла ўрганилмасдан, тўпланган далилларга тўғри ҳуқуқий баҳо берилмасдан судланувчининг талончилик жиноятини содир қилганлиги тўғрисида барвақт хулосага келинганлиги суд ажримини бекор қилишга сабаб бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2017 йил 24 февралдаги ҳукмига кўра, У.А. Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисми "в" банди билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 28 апрелдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилиб, У.А.нинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 166-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиниб, унга 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси таъинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, У.А. Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани ҳудудидаги хонадонга келиб, уй эгаси В.А.га тўйга айтиш учун келганлигини билдириб, алдов йўли билан уни чалғитган ҳолда ушбу хонадонга ғайриқонуний равишда кириб, хонадон ошхонасида бўлган пичоқни олиб, В.А.нинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб, хонадон меҳмонхонасидаги стулга илинган ҳолда турган аёллар сумкаси ичидан 100 000 сўм пулларни олиб, воқеа жойидан яширинган.

Олий суд Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги "Ўзгалар мулкини ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талонторож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 6-сонли қарори 7-бандида Жиноят кодексининг 164-моддаси 2-қисми "а" банди билан тавсифланадиган босқинчилик йўли билан мулкка эгалик қилишнинг белгиларидан бири қурол ёки қурол сифатида ишлатиладиган бошқа нарсаларни қўллаш ҳисобланмиши кўрсатилган.

Жабрланувчи В.А. дастлабки тергов ва судда, уйда бўлган вақтида хонадон эшиги тақиллагани, эшик олдида бориб кимлигини сўраганида эшик ортида турган шахс ўзини санъаткор эканлигини, эски танишларидан бўлишини ва тўйга айтиш учун келганлигини айтгани сабабли эшикни очгани, эшик ортида бўлган ўрта ёшли нотаниш йигит ичка-

рига киргани, ўзаро суҳбат жараёнида нотаниш йигит ўзини "Ж" деб таништириб, доирачи эканлигини, яқин кунларда уйланишини ва уни тўй маросимида таклиф қилиш учун келганини айтганлигини, У.А. ундан ичишга сув сўрагани, унга ошхонани кўрсатгани, У.А. ошхонага ўтиб, сув ичиб чиқиб хонадоннинг залига кириб келгани, ўша пайтда У.А. қўлида бўлган пичоқни унга кўрсатиб, пул кераклигини айтгани, шунда кўрқиб, шок ҳолатига тушиб қолгани ва унга нафақада экани, пули йўқлигини айтганида, У.А. унга хона ўртасига ўтишини буюргани, кўрққанидан хона ўртасига ўтгани, шунда У.А. стулга илиб қўйилган сумкани олиб, унинг ичидаги 100 000 сўм пул ва тақинчоғини олгани ҳақида кўрсатма берган.

Шунингдек, гувоҳлар И.Т., Л.М. дастлабки тергов ва судда У.А. жабрланувчи В.А.га пичоқ кўрсатган ҳолда уни кўрқитиб, 100 000 сўм пулни босқинчилик йўли билан эгаллаганлиги тўғрисида В.А.дан эшитганлиги ҳақида кўрсатмалар беришган.

Шу билан бирга, гувоҳ Б.Х. кўрсатмасида В.А.нинг хонадонига уй юмушларини қилиб юрувчи аёл ва бир неча кишилар мазкур уйнинг 1-қават орқа чиқиш йўлаги томонидан ошхона пичоғи топишганлиги ҳақида суҳбатлашиб турганлигини эшитганлигини, шунда бир неча кун олдин В.А.нинг хонадонига нотаниш шахс кириб, уни пичоқ билан кўрқитиб, пулларини олиб кетганини билгани сабабли уларга пичоқни эҳтиёткорлик билан бармоқ излари билан ИИБ ходимларига топшириш лозимлигини айтганини билдирган.

Судланувчи У.А. дастлабки тергов ва судда, ўз қилмишга иқрорлик билдириб, ҳақиқатан ҳам, В.А.га пичоқ кўрсатган ҳолда унинг пулларини эгаллаганлигини баён қилган бўлиб, бу кўрсатмаларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракати давомида тасдиқланган.

Бундан ташқари жабрланувчи В.А.нинг кўрсатмаси бўйича жиноят содир қилиш-

да фойдаланилган ва уйнинг 1-қават орқа чиқиш йўлаги томонидан топилган ошхона пичоғи ашёвий далил сифатида жиноят иши хужжатларига қўшилган.

Апелляция инстанцияси жабрланувчи В.А.нинг апелляция инстанцияси судидаги жиноят содир қилинган куни У.А. унга пичоқ кўрсатмагани ҳақидаги кўрсатмасини асос қилган ҳолда У.А.нинг ҳаракатини қайта квалификация қилган.

Шундай ҳолда, апелляция инстанцияси жабрланувчи В.А.нинг апелляция судида берган кўрсатмалари билан У.А.нинг босқинчилик эмас, балки талончилик жиноятини содир қилганлиги тўғрисида хулосага келиб, тергов ва биринчи инстанция суди жараёнида У.А.нинг пичоқдан фойдаланганлик ҳолати кўрсатилган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, ашёвий далилни олиш баённомаси, кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси, У.А.нинг ўз айбини бўйнига олиш тўғрисидаги аризаси қандай асосларга кўра, инobatга олинмаслигини муҳокама қилмаган.

**2. Шахсни ўзганинг мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишда айбдор деб топиш учун бу мулк айбдор томонидан ўз фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига қаратилганлигини тасдиқловчи аниқ фактларга асосланиш керак.**

Жиноят ишлари бўйича Мингбулоқ туман судининг 2017 йил 3 февралдаги ҳукмига кўра, С.И. Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "в", "г" бандлари, 205-моддаси 2-қисмининг "а" банди билан Жиноят кодексининг 57, 59, 61-моддалари тартибида 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 12 432 000 сўм жарима жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 23 февралдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд қарорларига кўра, С.И. Поп телекоммуникация боғламаси бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, ҳисобчи билан олдиндан тил бириктириб, боғлама ҳайдовчиси И.Р.га 2014 йил январь ойидан 2015 йил март ойига қадар ишламаган кунларига жами 2 724 332 сўм иш ҳақини ортиқча тўлаб, боғламага тегишли бўлган "Дамас", "Матиз" ва "Нива" русумли автомашиналарга 75.000.000 сўмлик ёқилғи маҳсулотларини асоссиз равишда харажатга чиқариб, аҳолидан йиғилган 2 759 500 сўм маблағларни боғлама ҳисоб рақамига туширмасдан 2014 йил 8 октябрдаги 235-сонли

Шу билан бирга, апелляция инстанцияси суди жиноят содир қилишда пичоқдан фойдаланилмаган деган тўхтамга келган бир пайтда, У.А.нинг нима сабабдан жабрланувчи В.А.нинг ошхонасидан пичоқни олиб кетгани ва қандай сабабга кўра, пичоқни уй атрофига ташлаб кетгани, бу ошхона пичоғи қайси асосга кўра, ашёвий далил сифатида олинганлик ҳолатларини текшириб, тегишли баҳо бермаган.

Апелляция инстанцияси суди қайд этилган ишдаги мавжуд қарама-қаршиликларни бартараф этиш чораларини кўрмасдан, суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини тўла ҳажмда текширмасдан суд ҳукмини ўзгартириб, барвақт хулосага келган.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг 2017 йил 10 августдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 28 апрелдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган.

алоқа хати билан обунага ўтказиб юбориб, растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганликда;

унинг ўзи "Ўзбектелеком" АК Уставига мувофиқ, мулкнинг бозор баҳосини белгилаш жамият Кузатув кенгаши ваколотига берилган деб кўрсатилган талабларига зид равишда, Кузатув кенгашининг қарорисиз Поп туманида жойлашган алоқа биносини корхона хабарчиси А.Б.га 5 410 200 сўмга, шу туманда жойлашган бошқа алоқа биносини Р.Х.га, бошқа алоқа биносини Қ.М.га, бошқа алоқа биносини С.И.га сотиб юбориб, жамият манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабабчи бўлганликда айбли деб топилган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги "Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 4-сонли қарори 5-бандида шахсни ўзганинг мулкани талон-торож қилишда (ЖК 167-моддаси) айбдор деб топиш учун бу мулк айбдор томонидан ўз фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига қаратилганлигини тас-

дикловчи аниқ фактларга асосланмоқ зарурлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ иш бўйича қонун талаблари ҳамда ушбу Олий суд Пленуми қароридида берилган тушунтиришларга риоя қилинмаган.

Судда судланувчи С.И. ҳайдовчиси И.Р.га 2 724 332 сўм ортиқча иш ҳақи ёзиб растрата қилмагани, И.Р. ҳар куни ишга келгани учун меҳнат қонунчилиги асосида ходимнинг айби бўлмаган ҳолда мажбурий туриб қолишлар юзага келганда тўловлар ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридида амалга оширилиши лозимлиги тўғрисидаги талабга риоя қилиб, ёқилғи бўлмасдан автомашина билан ҳайдовчи ишга чиқарилмаган кунларига табель тўлдирилиб, иш ҳақи ёзилгани ҳақида кўрсатма берган.

Судда боғлама ҳисобчиси Б.О. ҳайдовчи И.Р. ёқилғи бўлмай автомашина билан ишга чиқарилмаган кунлари монёрларнинг ишларига ёрдам қилиб келгани учун табель тўлдириб ишлагани кўрсатилгани ҳақида кўрсатма берган.

Судда гувоҳ И.Р. ҳар куни ишга келгани, ёқилғи бўлмаган вақтлари автомашинаси гараждан чиқарилмаган кунлари эрталаб соат 08:00 дан кеч соат 17:00 га қадар монёрлар билан ишлаганини кўрсатган.

Суд моддий таъминотда узилишлар бўлган-бўлмаганликдаги ҳақиқий ҳолатни боғламадаги монёрларни гувоҳ сифатида жалб қилиб, И.Р. улар билан ишлаб қандай иш ҳажмини бажаргани юзасидан сўроқ қилиш, компаниянинг Наманган вилоят филиалининг вакиллари жалб қилиб, ёқилғи таъминотида узилишлар бўлган-бўлмагани хусусида сўроқ қилиб ҳужжатлар асосида текшириш чораларини кўрмасдан С.И., гувоҳлар И.Р. ва Б.О.-нинг кўрсатмаларини қандай асосларга кўра, ишончсиз деб топилганини асослантирмасдан шошма-шошарлик билан тўхтамга келган.

Иш бўйича судланган С.И., гувоҳ Б.О.лар 2014 йил 8 октябрда аҳолидан йиғилган 2 759 500 сўм пулларни боғлама ҳисоб рақамига кирим қилмасдан, ходимларининг обунасига ўтказиб юбориб, кейин ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолганликлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 июндаги "Поп-Ангрен электрлаштирилган темир йўл линияси қурилишини ташкил қилиш чоралари тўғрисида"ги ПК-1985-сонли қарорига асосан қабул қилинган компаниянинг

Наманган вилоят филиали директорининг 2013 йил 25 июндаги буйруғи билан Поп боғламасида авария техник гуруҳи ташкил этилиб, узлуксиз иш жараёни олиб борилгани боис боғламага тегишли бўлган "Дамас", "Матиз" ва "Нива" русумли автомашиналарига ҳафтанинг шанба, якшанба кунларига ҳам ёқилғи чиқим қилиниб фойдаланилгани, ёқилғи асоссиз чиқим қилинмагани ҳақида кўрсатма бериб, компаниянинг Наманган вилоят филиали директорининг буйруғи ва амалга оширилган бухгалтерия ҳужжатларини тақдим этишган.

Суд қайд этилган автомашина ҳайдовчилари, филиал директорининг буйруғи билан тузилган авария техник гуруҳи аъзоларини гувоҳ сифатида жалб қилиб, улар томонидан ҳафтанинг дам олиш кунлари қаерда ишлашгани, иш жойига қайси транспорт воситасида олиб борилгани юзасидан сўроқ қилиб, бажарилган иш юзасидан тузилган ҳужжатларни сўраб олиб, аниқлик киритиш лозим бўлса-да, бажармаган.

Компаниянинг Наманган вилоят филиалининг 40-03-31/53-сонли маълумотномасига кўра, обунани учун ўтказилган 2 724 332 сўм пуллар ходимлардан 2015 йил февраль ойи ведомости асосида 919 848 сўм, 2015 йил март ойи ведомости асосида 946 890 сўм, 2015 йил апрель ойи ведомости асосида 865 728 сўм, 2015 йил декабрь ойи ведомости асосида 728 838 сўм миқдоридида ушланиб, қопланган.

Суд 2016 йил сентябрь ойида компанияда текшириш ўтказилган вақтга қадар 2014 йилда ходимлар обунаси учун ўтказилган пуллар 2015 йилда ходимлар иш ҳақидан қайтариб ундириб олинган бўлса-да, қайси далилларга кўра, ҳолатни ўзганинг мулкани растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган деб баҳолаганини асослантирмаган.

Шунингдек, суд С.И.ни "Ўзбектелеком" АК бош директори томонидан тасдиқланган "Жамиятнинг бўш турган асосий воситаларини хатловдан ўтказиш комиссияси"нинг 2011 йил 23 майдаги йиғилиш қарорига асосан "Наманган Телеком" филиалига тегишли бино ва иншоотларни филиал ходимларига уй-жой сифатида фойдаланиш учун "Наманган кўчмас мулк ва сармоялар агентлиги" масъулияти чекланган жамияти тақдим этган бозор баҳосида сотишга рухсат берилгани асосида Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик

жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 82-моддасида акциядорлик жамиятлари мол-мулкларининг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш жамият кузатув кенгаши ваколатига кириши ҳамда "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси акциядорларининг 2007 йил 29 июндаги 16-сонли баённомаси билан тасдиқланган "Ўзбектелеком" АК уставининг 10.6-бандига мувофиқ, мулкнинг бозор баҳосини белгилаш жамият Кузатув кенгаши ваколатига берилган деб кўрсатилган талабларига зид равишда, Кузатув кенгашининг қарорисиз Поп туманида жойлашган 4 та алоқа биноларини сотиб юбориб, кўп миқдорда зарар етказганликда Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми "а" банди билан айбдор деб топган ҳолда С.И.нинг мансабдор шахс сифатида ўзининг бошқарувида бўлмаган мазкур мулкларнинг сотилишида қайси мансаб ваколатидан ғайриқонуний равишда қасддан фойдаланиб, суиистеъмолликка йўл қўйганлиги

**3. Иш ҳолатларининг атрофлича ва тўлиқ текширилмаганлиги ва тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги суд қарорларининг назорат тартибида бекор қилинишига ва оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2012 йил 10 декабрдаги ҳукмига кўра, С.Х. Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а", "в" бандлари, 205-моддаси 2-қисми "а", "б", "в" бандлари билан Жиноят кодексининг 59, 61-моддалари тартибида иш ҳақининг 30 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари ва энг кам ойлик иш ҳақининг 600 баравари миқдоридан 29 841 000 сўм жарима жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2015 йил 19 июндаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, С.Х.нинг айбидан Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми "а", "б", "в" бандлари чиқарилиб, Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а, в" бандлари билан энг кам ойлик иш ҳақининг 600 баравари миқдоридан 29 841 000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Суд ҳукмига кўра, С.Х. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Ахборот-таҳлил бош бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, шу билан бирга, "Халқаро ҳамкорлик маркази" АК кузатув Кен-

юзасидан суд ҳукмида далиллар келтирмасдан ва таҳлил қилмасдан, ўз хулосаларини айблов ҳукмининг тавсиф қисмида акс эттирмаган.

Ўз навбатида, апелляция инстанцияси суди қайд этилган ҳолатларга эътибор бермаган, С.И.нинг шикоятда келтириб ўтган ҳар бир важини батафсил текширмаган, ишда мавжуд қарама-қаршиликларни ишга алоқадор гувоҳларни ва мутахассисларни сўроқ қилиш орқали бартараф этиш чораларини кўрмасдан, суд ҳукмининг қонунийлиги ва асослилигини тўла ҳажмда текширмасдан, суд ҳукмини ўзгартириш қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъатининг 2017 йил 3 ноябрдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 23 февралдаги С.И.га нисбатан чиқарган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан шу инстанцияда кўриш учун юборилган.

гаши раиси бўлгани ҳолда "Халқаро ҳамкорлик маркази" АК бошқаруви раиси ва компания бош ҳисобчиси билан олдиндан тил бириктириб, С.Х. "Халқаро ҳамкорлик маркази" АКда штат жадвали бўйича ишламаса-да, 2000 йил 5 июнда Адлия вазирлигидан 932-сон билан рўйхатдан ўтган "Вазирлик, компания ва ташкилотлар ходимларига Ўзбекистон Республикасидан ташқарида хизмат сафари учун маблағ бериш тўғрисида"ги тартибнинг 6.2-бандида кўрсатилган талабларга зид равишда 2008-2010 йиллар давомида чет элга жами 21 маротаба амалга оширилган хизмат сафарлари учун 63 715 АҚШ доллари ва 42 579 600 сўм пул маблағларини олиб, уларни компания учун алоқаси бўлмаган ишлар учун ишлатиб юборганликда айбдор деб топилган.

Ҳукм чиқариш вақтида амалда бўлган Олий суд Пленумининг 1997 йил 2 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарори 5-бандида иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, судланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлиги тўғрисидаги суднинг хулосаларига зид бўлган далиллар ҳукмда

нима учун улар ишончсиз деб топилганлиги ва рад этилганлиги сабаблари асослантилган ҳолда кўрсатилиши лозимлиги, ҳукмда судланувчининг жиноий ҳаракатларини фош қиладиган, оқлайдиган далилларга асосланганда, суд уларнинг мазмунини очиб ташлаши ва тегишли баҳо бериши лозимлиги, бир нечта судланувчиларга тегишли иш бўйича ёки судланувчи бир нечта жиноятларни содир қилганликда айбланаётган иш бўйича, суд ҳукмда ҳар бир судланганга нисбатан ҳар бир айблов бўйича далиллар келтириши ва текшириши ҳамда хулоса қилиши зарурлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги 11-сонли қарори 13-бандида кассация инстанцияси суди қисман суд тергови ўтказиши, шу жумладан, биринчи инстанция суди томонидан текширилмаган далилларни текшириб чиқиши ва уларга суд мажлисида аниқланган янги ҳолатлар натижасига кўра, ҳуқуқий баҳо бериши мумкинлиги, кассация инстанцияси суди тарафларнинг илтимосномаларини (янги гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертизалар ўтказиш, ашёвий далиллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва бошқалар ҳақида), улар биринчи инстанция суди томонидан рад этилганлиги сабаблигина, рад этишга ҳақли эмаслиги, зарур ҳолларда суд қўшимча далилларни талаб қилиб олишда ташаббус кўрсатиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ иш бўйича қайд этилган Олий суд Пленуми қарорлари тушунтиришларига риоя қилинмаган.

С.Х. дастлабки тергов даврида ва судда 2003 йилдан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Ахборот-таҳлил бош бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келгани, бир вақтнинг ўзида "Халқаро ҳамкорлик маркази" АК Кузатув Кенгаши йиғилишининг 2009 йил 30 ноябрдаги 8-сонли баённомасига асосан, компания кузатув Кенгаши раиси лавозимига 2010 йил 1 январдан тайинлангани, ушбу лавозимда унинг вазифаларига компания тасарруфидаги давлат мулки ва улушини сақлаш киргани, ҳақиқатан ҳам, 2008-2010 йиллар давомида чет элларга хизмат сафарига чиққани, ажратилган миллий валютадаги маблағ транспорт харажатлари, яъни йўл чипталари сотиб олиш учун сарфлангани, чет

эл валютаси фақат чет элда ишлатилгани, ҳар бир чет эл сафарига 1000-7000 АҚШ долларигача маблағлар берилгани, ортган маблағларини олиб келиб қайтариб топширгани, маблағларни шахсий эҳтиёжига ишлатмагани ҳақида кўрсатма берган.

А.Н. дастлабки тергов ва судда "Халқаро ҳамкорлик маркази" АК бошқаруви раиси лавозимида ишлаб келгани, С.Х. чет элларга хизмат сафарига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг хизмат хатларига асосан вазир, вазир ўринбосари ва унинг буйруғига асосан юборилгани, хизмат сафарида қилинган харажатлар белгиланган нормадан ошмагани, ишлатилмай қолган пуллар компания ҳисобига қайтарилгани ҳақида кўрсатма берган.

"Халқаро ҳамкорлик маркази" АКда экспорт-импорт ва валютали операцияларни тўғри амалга оширилиши юзасидан ўтказилган текшириш оралиқ далолатномасига кўра, очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги "Халқаро ҳамкорлик маркази" акциядорлик компанияси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 апрелдаги 156-сонли қарорига асосан ташкил этилгани, компаниянинг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий, илмий-техник ва ижтимоий ривожланишига, Республика билан хорижий давлатларнинг ишбилармон ва молиявий доиралари ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланишига ўзининг тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш фаолиятини, кредит-молия сиёсатини амалга ошириш йўли билан кўмаклашиш, ташқи иқтисодий, ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш ва бошқалар кириши, компания устав фондидаги Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг улуши 22,25 фоизни, яъни 2 344 143 000 сўмни ташкил қилиши, С.Х. 2008-2010 йиллар давомида жами 21 маротаба чет элга хизмат сафарига боргани, хизмат сафарида қилинган харажатлар белгиланган нормадан ошмагани, ишлатилмай қолган пуллар компания ҳисобига қайтарилгани аниқланган.

Жиноят иши материалларига кўра, "Халқаро ҳамкорлик маркази" АК Кузатув Кенгаши йиғилишининг 2009 йил 30 ноябрдаги 8-сонли баённомасига асосан, компания бошқаруви раисининг 2009 йил 31 декабрдаги буйруғи билан С.Х. "Халқаро ҳамкорлик маркази" АК кузатув Кенгаши раиси лавозимига 2010 йил 1 январдан 675 000 миқдоридаги мукофот

пули билан тайинланган.

Иш ҳужжатларига қараганда, С.Х.ни хизмат сафарига юбориш ҳақида буйруқлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, вазир ўринбосари, "Халқаро ҳамкорлик маркази" АК бошқарув раиси томонидан чиқарилган, ушбу буйруққа кўра, С.Х. чет элга хизмат сафарига юборилган ва буйруқда хизмат сафари харажатлари "Халқаро ҳамкорлик маркази" АК томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Жиноят кодексининг 167-моддасида айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганлик учун жавобгарлик

**4. Жиноят кодексининг 167, 168, 170, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган ҳолларда қамоқда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси тури, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан эса, жазо турини ўзгартириш масаласи дарҳол ҳал этилиши шарт.**

Жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 2017 йил 23 июндаги ҳукмига кўра, Д.Б. Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а" банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиниб, Жиноят процессуал кодексининг 533-моддасига асосан, ҳукм ижроси кечиктирилган.

Судланган Д.Б.дан жабрланувчи Ф.О. фойдасига 83.820.000 сўм, жабрланувчи О.Қ. фойдасига 1.500.000 сўм ундириш белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 25 июлдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Д.Б. 2010 йил июнь ойидан 2016 йил август ойига қадар Ф.О.ни алдаб, ишончини суиистеъмол қилиб, жами жуда кўп миқдордаги 87.000.000 сўмлик пул, маиший техника ва уй-рўзғор буюмларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда;

унинг ўзи такроран, 2016 йил апрель ойида Косон тумани, Пахтазор миттитуман, 1/4-уй, 82-хонадонни таъмирлатиш учун О.Қ. билан келишиб, хизмат ҳақини иш тугаганидан кейин беришни ваъда қилиб ишончига кириб, таъмирлаш ишлари якунлангач, унга хизмат ҳақидан қолган 1.500.000 сўмни бермасдан фирибгарлик жиноятини содир этганликда айбли деб топилган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Д.Б.нинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилиб, унинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, би-

белгиланган.

Қайд этилган далилларга кўра, С.Х. компаниянинг молиявий фаолиятига аралашмаган, ҳукумат топшириғига кўра, раҳбарият буйруғи асосида чет элга хизмат сафарига юборилган, хизмат сафарига қилинган харажатлар белгиланган нормадан ошмаган, ишлатилмай қолган пуллар компания ҳисобига қайтарилган.

Қайд этилган ҳолатларни инобатга олиб, судлов ҳайъатининг 2016 йил 13 мартдаги ажрими билан С.Х.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига мувофиқ С.Х.нинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги учун тугатилган.

роқ Жиноят кодексининг 168-моддаси 5-қисмига мувофиқ, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо қўлланилмаслиги кўрсатилганлигига эътибор қаратмаган.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, Мажбурий ижро бюроси Қарши туман бўлими давлат ижрочисининг 2017 йил 17 апрелдаги ҳамда 27 апрелдаги қарорларида Ф.О.га 83.820.000 сўм моддий зарар ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати Ф.О.нинг аризасига асосан, ўзига қайтарилгани, О.Қ.га 1.500.000 сўм моддий зарар ундириш ҳақидаги ижро иши ижроси таъминланганлиги сабабли, иш юртиш тамомлангани кўрсатилган.

Судда жабрланувчилар Ф.О. ҳамда О.Қ. ҳақиқатан ҳам, Д.Б. томонидан етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани ва бу ҳақда тилхат ёзиб беришгани, ҳозирда Д.Б.га нисбатан даъволари йўқлиги ҳақида кўрсатма беришган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги "Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарори 9-бандида Жиноят кодексининг Махсус қисми қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра, Жиноят кодексининг 167, 168, 170, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш

тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши муносабати билан, қонуннинг мазкур нормаларида назарда тутилган шарт бажарилган ҳолларда тегишли апелляция, кассация, назорат инстанцияси суди, моддий зарар қайси судлов босқичида қопланганлигидан қатъи назар, қамоқда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси турини, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан эса, жазо ту-

рини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиши шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Шу сабабли судлов ҳайъати 2018 йил 12 июндаги ажрим билан жиноят оқибатида етказилган зарар қопланганлиги сабабли Д.Б.-га нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а" банди билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини жарима жазосига алмаштирди.

**5. Жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман судининг 2017 йил 28 апрелдаги ҳукмига кўра, С.П. Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "б" банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган. С.П.дан жабрланувчилар Ш.И.га 3 780 000 сўм, А.Х.га 2 415 000 сўм ундириш белгиланган.**

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди кассация инстанциясининг 2017 йил 29 июндаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилиб, А.Х. моддий зарардан воз кечганлиги сабабли ҳукмнинг С.П.дан унга 2 415 000 сўм ундириш қисми чиқарилган.

Суднинг ҳукмига кўра, С.П. А.Х. ўғлининг 2 415 000 сўмлик, 1 150 кг. ҳамда Ш.И.-нинг 3 780 000 сўмлик, 1 800 кг. гуруч маҳсулотларини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиб, уларга 6 195 000 сўмлик моддий зарар етказганликда айбдор деб топилган.

Жиноят кодексининг 168-моддаси 5-қисми талабларига мувофиқ, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги "Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарори 9-бандида Жиноят кодексининг Махсус қисми қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра, Жиноят кодексининг 167, 168, 170, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши муносабати билан, қонуннинг мазкур нормаларида назарда тутилган шарт бажарилган ҳолларда тегишли апелляция, кассация, назорат инстанцияси суди, моддий зарар қайси судлов босқичида қопланганлигидан қатъи назар, қамоқда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси тури, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахслар-

га нисбатан эса, жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиши шартлиги;

17-бандида жиноят оқибатида етказилган моддий зарар озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахс томонидан ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг қопланган тақдирда, кассация, назорат инстанцияси суди бу жазо турини Жиноят кодексининг 61, 62-моддаларида назарда тутилган қоидаларга асосан, бошқа жазо тури билан алмаштириши лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд ҳукмига кўра, С.П.дан жабрланувчилар Ш.И.га 3 780 000 сўм, А.Х.га 2 415 000 сўм ундирилиши белгиланиб, ҳукмнинг шу қисми ижрога қаратилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, А.Х. етказилган моддий зарардан воз кечганлиги сабабли, кассация инстанция судининг ажрими билан С.П.дан унга 2 415 000 сўм ундириш қисми чиқарилган.

Мажбурий ижро бюроси Тошкент вилояти бошқармаси Чиноз туман бўлимининг хатида С.П.дан жабрланувчи Ш.И.га ундирилиши лозим бўлган 3 780 000 сўм моддий зарар С.П.нинг отаси П.А. томонидан тилхат асосида тўлиқ тўлаб берилганлиги сабабли иш бўйича етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлиги муносабати билан ижро иш юритуви тамомланганлиги қайд этилган.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг 2017 йил 27 августдаги ажрими билан А.Х. ўзига етказилган зарардан воз кечгани, С.П.нинг яқин қариндошлари томонидан жабрланувчи Ш.И.га етказилган зарар тўлиқ қоплангани муносабати билан суд қарорларининг С.П.га нисбатан жазо тайинлаш қисми ўзгартирилиб, унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган.



**6. Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2018 йил 1 майдаги ҳукмига асосан, О.И. Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "б" банди билан 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.**

Судланган О.И.дан жабрланувчи Ж.С. фойдасига 15.000.000 сўм, жабрланувчи У.Ш. фойдасига 32.500.000 сўм ундириш белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 29 майдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, О.И. 2017 йил 17 августда Ж.С. ва У.Ш.ларга бир ойда арзонлаштирилган нархларда цемент маҳсулотларини олиб беришини айтиб, уларни алдаб, Ж.С.нинг 15.000.000 сўм, У.Ш.нинг 33.000.000 сўмини олиб, цемент маҳсулотларини бермасдан такроран фирибгарлик жиноятини содир этганликда айбдор деб топилган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, О.И.нинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилиб, унинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган.

Бироқ Жиноят кодексининг 168-моддаси 5-қисмига мувофиқ, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасида жазо қўлланилмаслиги кўрсатилган.

Суднинг ҳукмига кўра, О.И.дан жабрланувчи Ж.С.нинг фойдасига 15 000 000 сўм, жабрланувчи У.Ш.нинг фойдасига 32 500 000 сўм ундириш белгиланган.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, жабрланувчилар Ж.С. ва У.Ш. 2018 йил 7 июндаги судга тақдим қилган аризаларида О.И. томонидан етказилган зарарлар тўлиқ қоплангани, О.И.га нисбатан даъволари

йўқлигини билдириб, судда ҳам ушбу ҳолатни тасдиқлаб, кўрсатма беришган.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги "Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарорининг 9-бандида Жиноят кодексининг Махсус қисми қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра, Жиноят кодексининг 167, 168, 170, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши муносабати билан, қонуннинг мазкур нормаларида назарда тутилган шарт бажарилган ҳолларда тегишли апелляция, кассация, назорат инстанцияси суди, моддий зарар қайси судлов босқичида қопланганлигидан қатъи назар, қамоқда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси турини, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан эса, жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиши шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Шу сабабли судлов ҳайъатининг 2018 йил 25 июлдаги ажрими билан жиноят оқибатида етказилган зарар қопланганлиги сабабли О.И.га Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "б" банди билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилди.

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти О Б З О Р И

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида фуқаролик ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

2019 йилнинг учинчи чораги давомида судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Ҳисобот даврида вилоят судларининг апелляция инстанциясида 4011 та, кассация инстанциясида 4878 та фуқаролик иши кўрилган. Апелляция инстанциясида туманлараро судларида чиқарилган ҳал қилув қарорларининг 505 таси ёки 0,4 фоизи, кассация инстанциясида 742 таси ёки 0,6 фоизи, жами 1247 та ҳал қилув қарори бекор қилинган.

Апелляция ва кассация инстанциясида биринчи инстанция суди қарорларининг бекор қилиниши Тошкент шаҳрида 205 та, Тошкент вилоятида 185 та, Сурхондарё вилоятида 119 та, Фарғона вилоятида 114 та, Қашқадарё вилоятида 113 тани ташкил этган.

Вилоят судлари апелляция ва кассация инстанциялари ваколатидан тўғри фойдаланиш, ўз вақтида суд хатоликларини тuzатиш ўрнига, айрим ҳолларда ўзлари

қўпол хатоликка йўл қўйиб, мазмунан тўғри бўлган суд қарорларининг бекор қилинишига йўл қўйган ҳолатлар мавжуд.

Хусусан, Олий судда назорат тартибида бекор қилинган апелляция ва кассация инстанцияси судлари ажримлари бўйича 73 та иш бўйича биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Бу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 12 та, Хоразм вилоятида 11 та, Тошкент шаҳрида 10 та, Самарқанд вилоятида 10 та, Фарғона вилоятида 8 тани ташкил этган.

Судлов ҳайъатида кўрилган ишлар бўйича қуйи судлар томонидан ишни кўришда йўл қўйилган қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 1470 та хусусий ажрим чиқарилган.

Бекор қилинган суд қарорларининг тахлили шуни кўрсатадики, судлар томонидан уй-жой, меҳнат, кредит, ер, мерос ҳамда битимлар билан боғлиқ низолар билан боғлиқ фуқаролик ишларини кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш натижасида хато-камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан ишларни кўришда амалдаги қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

## **1. Суғурта шартномаси бўйича товон пули фақатгина наф олувчининг талаби бўйича ундириб берилиши мумкин.**

Ф.Мамадалиев низоли уйни банк томонидан берилган кредит эвазига К.Ҳамроевадан сотиб олган.

Мазкур уй кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган. Шунингдек, уй ипотекага қўйувчи томонидан тегишли тартибда суғурта қилинган.

Низоли уйда ёнғин келиб чиқиб, уйнинг бир қисми зарарланган.

Туман ИИБ ЁХБ томонидан ёнғин ва кўздан кечириш ҳақида далолатнома тузилган ва даъвогар томонидан ёнғин ҳодисаси ҳақида суғурта компаниясига ёзма хабар берилган.

Қуйи судлар даъво талабларни муҳокама қилиб, содир бўлган ёнғин суғурта шартномасининг тегишли бандига мувофиқ суғурта ҳолати ҳисобланиши ҳақида хулосага келиб, суғурта товонини ундириш тўғрисида хулосага келган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати қуйидаги асосларга кўра, суд қарорлари билан келишмаган.

Фуқаролик кодексининг 915-моддасига кўра, мулккий суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд су-

ғурталанувчининг бошқа мулккий манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади.

Суғурта компанияси, даъвогар Ф.Мамадалиев ва Банк ўртасида ипотека суғурта шартномаси тузилган.

Мазкур шартнома уч томонлама шартнома бўлиб, суғурта компанияси "Суғурталовчи", даъвогар Ф.Мамадалиев — "Суғурта қилдирувчи" ва "Банк" — "Наф олувчи" сифатида шартномада иштирок этган.

Мазкур суғурта шартномаси Банк фойдасига тузилганлиги ва ушбу шартнома бўйича айнан Банк наф олувчи эканлиги сабабли, фақатгина Банк суғурта товонини тўлаб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги қуйи судларнинг назардан четда қолган ва оқибатда суғурта қилдирувчининг даъвоси асоссиз қаноатлантирилган.

Шунга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 13 августдаги ажрими билан даъвогар Ф.Мамадалиев суғурта товонини тўлаб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс сифатида тегишли даъвогар бўлиши мумкин эмаслигига асосланиб, суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш бўйича даъво талабларни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

**6-1420-19-сонли иш**

## **2. Жиноят натижасида етказилган зарар тўлиқ қопланган бўлса-да, суд айбдор шахсдан қўшимча зарарни асоссиз ундириб, хатоликка йўл қўйган.**

Ҳарбий прокуратура жавобгар А.Азизовга нисбатан жиноят натижасида етказилган зарарни ундириш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат қилган.

Қуйи судларнинг қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилган.

Аниқланишича, ҳарбий прокуратура томонидан гарнизонда турар жойлар ҳисоби юритилиши ва турар жой фондидан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси ижроси аҳволи юзасидан текшириш ўтказилиб, текширишда собиқ ҳарбий хизматчи А.Азизов вилоятда хизмат қилган вақтида давлат томонидан хонадон билан таъминланиб, ҳокимнинг қарори билан хусусийлаштириб олган бўлса-да, у хизматини давом эттириш учун бошқа вилоятга ўтказилгач, муқаддам давлат томонидан уй-жой билан таъминланганлигини яшириб, иккинчи маротаба Мудофаа вазирлиги томонидан 2009 йилда иккиламчи бозордан жами 32.340.000 сўмга сотиб олинган хонадонни ҳокимнинг қарори билан ўзининг номига ноқонуний равишда хусусийлаштириб олганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан ҳарбий прокуратура томонидан терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилиб, текширув натижасига кўра, А.Азизов жиноят содир этган бўлса-да, уни жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари ўтиб кетганлиги сабабли, унга нисбатан ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми 1-бандига асосан, жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Мазкур қарорга асосан, А.Азизов томонидан банкка топширилган жами 32.340.000 сўм миқдордаги моддий зарар давлат фойдасига ўтказилган.

Ҳарбий прокуратура хатига асосан, баҳоловчи компания томонидан иккинчи маротаба хусусийлаштирилган хонадоннинг ҳозирги кундаги бозор баҳоси ҳисобланганда, унинг баҳоси жами 139.050.000 сўмни ташкил этиши қайд қилинган.

Ҳарбий прокуратуранинг жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорига кўра, жавобгар А.Азизов иккиламчи бозордан жами 32.340.000 сўмга сотиб олинган хонадонни фирибгарлик йўли билан қўлга кирит-

ганлиги аниқланиб, етказилган моддий зарарнинг миқдори айнан 32.340.000 сўмга баҳоланган ва ушбу зарар жавобгар томонидан тўлиқ қопланган бўлса-да, жавобгар мазкур суммадан ташқари бошқа зарар етказилганлиги тўғрисида бирон-бир далил, тергов ёки суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки ҳукми мавжуд бўлмаса-да, қуйи суд-

**3. Тарафлар томонидан тақдим этилган далилларга тегишли ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги суд ҳужжатларини бекор қилиш учун асос бўлган.**

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (БТПЖ) жавобгар К.Елеусиновга нисбатан ноқонуний тўланган пенсия пулларини ундириб бериш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилганда, қуйи суд ушбу талабни қаноатлантирган.

Иш ҳужжатларига қараганда, кардиология ТМЭКнинг хулосаси билан жавобгарга иккинчи гуруҳ ногиронлиги муддатсиз берилиб, унга пенсия тўлаш учун БТПЖга маълумотнома тақдим этилганлиги сабабли, БТПЖ томонидан 2004 йил 1 февралдан 2015 йилга қадар жавобгарга иккинчи гуруҳ ногиронлиги пенсияси тўлаб келинган.

ТМЭКнинг хулосаси текширилганда жавобгарга иккинчи гуруҳ ногиронлиги бир йил муддатга тайинланганлиги, муддатсиз ногиронлик ҳақидаги ёзув қалбакилаштирилган-

**4. Даъво талабларининг асоси суд томонидан аниқланмаганлиги сабабли суднинг иш юритувни тугатиш тўғрисидаги ажрими бекор қилинган.**

Н.Ҳалимова жавобгар — туман маданият бўлимига нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ундириш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилган.

Суднинг ажрими билан фуқаролик ишени ФПКнинг 100-моддаси 2-бандига асосан, (эски таҳрирда) иш юритиш тугатилган.

Аниқланишича, туманлараро судининг 2017 йил 6 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг жавобгар туман ҳокимлиги маданият бўлимига нисбатан ишга тиклаш, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво талаблари қисман қаноатлантирилган.

Суд мазкур ҳал қилув қарори мавжудлиги асосланган ҳолда фуқаролик ишени иш юритишдан тугатишни лозим деб топган бўлса-да, ушбу ҳал қилув қароридаги даъвогарнинг даъво талаблари ва асоси ҳамда кей-

**5. Ходимлар ва иш берувчиларнинг манфаатларини битта вакиллик органи ифода этиши ва ҳимоя қилиши мумкин эмас.**

Даъвогар акциядорлик жамиятининг филиали судга даъво билан мурожаат қилиб, унда жавобгар А.Кудайназаровдан филиал фойдасига етказилган моддий зарарни ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг аж-

лар жавобгардан асоссиз равишда қўшимча зарар ундирганлиги сабабли, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 20 августдаги ажрими билан иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, даъво талабларни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

**6-1487-19-сонли иш**

лиги аниқланган.

Қуйи суд ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома жавобгар томонидан қалбакилаштирилганлиги асоси билан жавобгардан ноқонуний тўланган пенсия пулларини ундириш тўғрисида тўхтама келган бўлса-да, ушбу ҳолатга жавобгар бевосита ёки билвосита айбдор эканлигини тасдиқловчи қонуний кучга кирган суд ҳукми ёхуд жиноят ишени реабилитация асосларисиз тугатиш ҳақидаги тергов органи ва суднинг ажрими мавжуд эмаслигига эътибор бермаганлиги боис, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 24 июлдаги ажрими билан суд қарори бекор қилиниб, даъво талабларни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

**6-1251-19-сонли иш**

инги даъво талаблари ва асосига аниқлик киритмаганлиги, ваҳоланки, суднинг 2017 йил 6 октябрдаги қарорида даъвогарнинг 2017 йил 24 апрелдан бошлаб мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ундириш тўғрисидаги даъво талаблари муҳокама қилинган бўлиб, кейинги даъво талабларда эса, даъвогар 2016 йил 26 октябрдан 2017 йил 24 апрелгача бўлган муддат учун мажбурий прогул кунларининг иш ҳақларини ундиришни сўраганлиги суднинг назаридан четда қолган.

Шунга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 24 июлдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг иш юритувни тугатиш ҳақидаги ажрими бекор қилиниб, иш мазмунан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборилган.

**6-1412-19-сонли иш**

рими билан даъвогар вакилининг даъводан воз кечиш ҳақидаги аризаси қабул қилиниб, суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинган ва фуқаролик иши иш юритишдан тугатилган.

Аниқланишича, жавобгар 2018 йил 8 июнга қадар АЖ филиалининг бошлиғи лавозимида ишлаб келган.

Даъвогар — АЖнинг филиали жавобгар — А.Кудайназаров 2016-2018 йиллар давомида уяли телефон ва интернет тармоқлари хизматларидан белгиланган меъёрдан ортиқча фойдаланганлиги натижасида етказилган 37.112.686 сўмни жавобгардан ундиришни сўраган.

Даъво аризаси судга тақдим этилган пайтда жавобгар филиал бошлиғи лавозимидан озод этилган бўлиб, ҳал қилув қарори қабул қилингандан сўнг жавобгар қайта филиал бошлиғи лавозимига тикланган.

Иш апелляция инстанцияси судида кўрилаётган пайтда жавобгар филиалнинг бошлиғи сифатида, филиал манфаатини ҳимоя қилиб, судда иштирок этиш учун Т.Абиниязовнинг номига ишончнома берган ва вакил ушбу ишончнома асо-

сида даъво аризадан воз кечган.

Мазкур фуқаролик иши бўйича даъвогар филиал ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни ундиришни талаб қилаётган бўлиб, А.Кудайназаров иш бўйича жавобгар (ходим) бўла туриб, ўзига нисбатан берилган даъво бўйича иш берувчи сифатида ишончнома бериб, бир ўзи ҳам иш берувчи, ҳам ходимнинг манфаатида ҳаракат қилиши қонун талабига зид ҳисобланиши апелляция инстанцияси судининг эътиборидан четда қолган. Шу боис Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 25 сентябрдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилинган.

**6-1668-19-сонли иш**

**6. Ер участкалари жойида ўлчаб берилмаганлиги шахснинг ушбу ер участкасига нисбатан ҳуқуқлари вужудга келишини истисно қилади.**

О.Мўминов жавобгар А.Каимовга нисбатан даъво билан судга мурожаат қилиб, ер майдонларини қонунсиз эгалиқдан олиб беришни ва ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни буздиришни сўраган.

Қуйи судларнинг қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Аниқланишича, даъвогар ўтказилган кимошди савдосида қатнашиб, учта ер майдонларини сотиб олган ва унга давлат ордерлари расмийлаштириб берилган ва унинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилиб, тегишли гувоҳномалар расмийлаштирилган.

Шунингдек, жавобгар ҳам кимошди савдоси натижалари бўйича учта ер майдонларини сотиб олган ва унга ҳам давлат ордерлари берилиб, унинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган.

Судлар низоли ер участкаси даъвогарга тегишли бўлганлиги, у 15 йилдан ортиқ фойдаланиб келганлиги, жавобгарга тегишли ер участкаси массивнинг бошқа ҳудудда жойлашганлиги асосида даъво талабини қаноатлантирган.

Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати қуйидагиларга кўра, суд ҳужжатлари билан келишмаган;

даъвогар ким ошди савдосида сотиб олган ер майдони ваколатли орган томонидан натурада (жойнинг ўзида) белгиланганлиги ва топширилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатни тақдим этмаган;

**7. Жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса-да, шартномани бундай розиликни олмай бекор қилишга йўл қўйилмайди.**

Г.Маркова жавобгар — институтга нисбатан институт ректорининг буйруғини ғайриқонуний деб топиб, уни бекор қилиш ва ишга тиклаш, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ҳамда маънавий зарарни ундириш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилган.

Қуйи судларнинг қарорлари билан даъвони

шаҳар Архитектура ва қурилиш бошқармаси Якка тартибда турар-жойлар қурилишини мувофиқлаштириш, тақсимлаш, назорат қилиш ва доимий мониторинг ўтказиш секторининг хатида низоли ер майдонлари жойига бориб кўрилганида, даъвогар ва жавобгар эгаллаб турган ер майдонлари натурада уй-жой секторида мавжуд харитага тўғри келмаслиги аниқланганлиги билдирилган;

Шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг хатида низоли ер майдонининг ерларни тақсимлаш харитаси бўйича таҳлил қилинганда, ҳар икки тарафнинг ер участкаси ажратиш харитасига тўғри келмаганлиги боис, тарафларга расмийлаштирилган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар бекор қилинганлиги баён қилинган.

Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати мазкур далиллар низоли ер участкаси даъвогарга жойнинг ўзида чегаралари белгиланиб топширилмаганлигини, ер участка режа ва тавсифлари тузилмаганлигини ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилмаганлигини (бекор қилинганлигини) кўрсатишлиги, даъвогарнинг низолашаётган ер участкасига ҳуқуқи вужудга келмаганлиги ҳақидаги хулосага келиб, 2019 йил 11 июль куни суд ҳужжатларини бекор қилиш ва даъво талабларни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

**6-805-19-сонли иш**

қаноатлантириш рад қилинган.

Аниқланишича, даъвогар 2007 йилдан бошлаб меҳнат шартномаси асосида институтнинг "Ижтимоий фанлар" кафедраси ўқитувчиси вазифасида ишлаб келган.

Институтнинг буйруғи билан тарафлар ўртасида тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодек-

сининг 100-моддаси иккинчи қисми 7-бандига асосан, 2018 йил 23 март куни бекор қилинган.

Даъвогар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 7-банди, огоҳлантириш хати ҳамда институт бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раёсатининг йиғилиш қарори асос қилиб олинган.

Даъвогар меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқни бекор қилиш, ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақини ундириш ҳақидаги даъво аризасида асос сифатида уни ишдан бўшатишда меҳнат қонунчилигидаги бир қатор нормаларга риоя қилинмаганлиги, институтнинг бирлашган касаба уюшма қўмитасининг розилиги олинмаганлиги, унга йиғилиш ўтказиладиган сана ва жой ҳақида олдиндан ёзма равишда хабардор қилинмаганлигини кўрсатган.

Қуйи судлар даъвони рад қилишда даъвогар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ қонуний равишда чиқарилганлигига асосланган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги 9-15-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси тизимидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тўғрисидаги намунавий Низомнинг 9.2-бандида бошланғич ташкилот касаба уюшмаси қўмитасининг ваколатларига, жамоа шартномасида назарда тутилган ҳолларда иш берувчининг ташаббусига кўра, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ёки бермаслик масалани ҳал қилиши кириши қайд этилган.

Институт маъмурияти ва касаба уюшмаси ташкилоти ўртасида 2017-2020 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 3.4-бандида меҳнат шартномасининг иш берувчи ташаббуси билан бекор қилиниши фақатгина касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилиги олинган ҳолда амалга оширилиши кўрсатилган.

Таълим, фан ва маданият ходимлари институт бирлашган касаба уюшма қўмитаси Раёсатининг 2018 йил 12 мартдаги 1-3 "О"-сонли қарорида даъвогар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик берилган.

Даъвогар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишда бирлашган касаба уюшмаси раёсатининг розилиги олинганлиги ҳолати юзасидан жавобгар вакиллари юқорида номи қайд этилган Низомнинг 9.4-бандида Раёсат сайланган касаба уюшма қўмитаси ўзининг айрим ваколатларини, шу жумладан, меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ваколати ҳам Раёсатга берилганлигини, касаба уюшмасининг айнан қандай ваколатларни Раёсатга берганлиги институт бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси йиғилиши баённомасида кўрсатилганлигини баён этган ва 2017 йил 3 апрелдаги баённома ни тақдим этган.

Ушбу баённомада жамоа шартномасида назарда тутилган ҳолларда, иш берувчининг ташаббусига кўра, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ёки бермаслик масаласини ҳал этиш касаба уюшмаси раёсатига берилганлиги кўрсатилган.

Бироқ Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда касаба уюшмасининг розилиги олинishi қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилганлиги, ушбу ҳолатда касаба уюшмасининг қонунда назарда тутилган ваколатини касаба уюшмаси қўмитаси йиғилиши баённомаси асосида раёсатга бериши қонун талабига зид, деган хулосага келган.

Бундан ташқари судлов ҳайъати томонидан бундай хулосага келишда, гарчанд даъвогар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг 2018 йил 23 мартдаги 71-ш-сонли буйруғи билан бекор қилинган ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси раёсатининг 2018 йил 12 мартдаги 1-3 "О"-сонли қарори билан розилик берилган бўлса-да, ушбу қарор меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин, яъни 2018 йил 30 мартда институт бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси йиғилиш қарори билан қайтадан тасдиқланганлигини инобатга олган.

Шунингдек, судлов ҳайъати касаба уюшмасининг йиғилиши ҳақида даъвогар тегишли тартибда хабардор қилинмаганлиги ҳақидаги хулосага келган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11-сонли қарорига асосан, масаласи кўрилатган ходим тегишли касаба уюшмаси органи мажлисида иштирок этиши учун етарли имконият яратилиши лозимлиги, ходимга йиғилиш ўтказиладиган сана ва жой ҳақида олдиндан ёзма равишда (тилхат билан топшириш ёки почта орқали юбориш йўли билан) хабардор қилиниши шартлиги, ходим мажлисга узрли сабабларга кўра иштирок этмаганда, уни кўриб чиқиш кейинга қолдирилиши ва иш берувчига бу ҳақда маълум қилиниши, мажлисни кейинга қолдириш қонунда кўрсатилган муддат доирасида белгиланиши ва мазкур муддат давомида ходимнинг иштирокини таъминлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, мажлис унинг иштирокисиз ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Меҳнат кодексининг 100-моддасига кўра, номаъйян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли бўлиши шарт.

Шунга кўра, Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати даъвогар билан тузилган меҳнат шартномаси меҳнат қонунчилиги талабларига зид равишда бекор қилинган, деб ҳисоблаб, 2019 йил 30 июлдаги ажрими билан суд ҳужжатларини бекор қилиб, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

**6-1154-19-сонли иш**

## **8. Кўчмас мулк олди-сотди битимлари қонун билан ушбу битимларга қўйилган талабларни ўзида акс эттирганда суд томонидан ҳақиқий деб топилиши мумкин.**

О.Юнусов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда идора ва омборхона биноси бўйича жавобгар О.Ташметова билан ўрталарида 2007 йил 3 сентябрда тузилган олди-сотди битимини ҳақиқий деб топишни сўраган.

Қуйи судларнинг қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Аниқланишича, низоли кўчмас мулк нотариал идора томонидан расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига кўра, С.Юнусовга тегишли бўлган.

Шаҳар ҳокимининг қарорига кўра, С.Юнусовга тегишли бўлган низоли мулк уй-жой фондидан чиқарилиб, тадбиркорга омборхона ва идора (офиси)дан фойдаланишга рұхсат берилган.

2007 йил 16 апрелдаги кўчмас мулк олди-сотди шартномасига кўра, С.Юнусов низоли идора ва омборхона биносини, эгаллаб турган ер майдони билан бирга жавобгар О.Ташметовага сотган ва бино 2007 йил 17 апрелда жавобгарнинг номига давлат рўйхатидан ўтказилган.

Даъвогар киритган даъво талабининг асоси сифатида жавобгарга тегишли идора ва омборхона биносини 2007 йил 3 сентябрда 12.000.000 сўм эвазига сотиб олгани, жавобгар ушбу пулларни ундан тўлиқ қабул қилиб олгани, бу ҳақда тилхат ёзиб бергани, бироқ шу кунга қадар расмийлаштириб беришдан бош тортиб келаётганини кўрсатган.

Фуқаролик ишида жавобгар томонидан 2007 йил 3 сентябрда ёзилган тилхат нусхаси мавжуд бўлиб, унда низоли мулкни даъвогарга сотганлиги кўрсатилган.

Қуйи судлар даъво талабини қаноатлантиришда даъвогар низоли уй-жойдан турар-жой сифатида фойдаланиб, кейинчалик кредит олиш мақсадида, нотурар жойга айлантирилганлиги, жавобгарнинг номига расмийлаштирилгани, уй-жой даъвогарнинг кредити бўйича гаровга қўйилгани, жавобгар билан барча олди-берди муносабатлари бартараф қилинган, уй-жойни расмийлаштириш талаб қилингани, уй-жойда бугунги кунга қадар оила аъзолари билан яшаб келаётганлигига асосланган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати қуйидагиларга кўра, суд ҳужжатлари билан келишмаган:

Фуқаролик кодексининг 479-моддаси биринчи қисмига кўра, кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасига (кўчмас мулкни сотиш шартномасига) биноан сотувчи ер участкаси, бино, иншоот, квартира ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчига мулк қилиб топширишни (ушбу кодекснинг 83-моддаси) ўз зиммасига олади;

Фуқаролик кодексининг 480-моддасига биноан, кўчмас мулкни сотиш шартномаси тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилади (ушбу кодекснинг 366-моддаси тўртинчи қисми);

кўчмас мулкни сотиш шартномасининг шакли-

га риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади;

Фуқаролик кодексининг 484-моддасига асосан, кўчмас мулкни сотиш шартномасида ана шу мулкнинг баҳоси назарда тутилган бўлиши лозим;

шартномада тарафлар ёзма равишда келишган кўчмас мулкнинг баҳоси тўғрисидаги шарт бўлмаса, уни сотиш тўғрисидаги шартнома тузилмаган ҳисобланади. Бунда ушбу кодекснинг 356-моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган баҳо белгилаш қонунчилиги қўлланилмайди;

агар қонунда ёки кўчмас мулкни сотиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ер участкасида жойлашган бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкнинг шартномада белгиланган баҳоси ана шу кўчмас мулк билан бирга топшириладиган ер участкаси тегишли қисмининг баҳосини ёки унга бўлган ҳуқуқни ўз ичига олади;

кўчмас мулкни сотиш шартномасида кўчмас мулкнинг баҳоси унинг майдон бирлигига ёки бошқа миқдор кўрсаткичига қараб белгиланган бўлса, бундай кўчмас мулкнинг тўланиши лозим бўлган умумий баҳоси сотувчига топширилган кўчмас мулкнинг амалдаги миқдорига асосланган ҳолда белгиланади.

Иш ҳужжатларида мавжуд бўлган тилхатдан кўринишича, низоли кўчмас мулк даъвогарга сотилганлиги кўрсатилган бўлса-да, унда кўчмас мулк олди-сотдига қўйиладиган талаблар, яъни мулкнинг баҳоси, жавобгарга мулк қилиб топширилганлиги ва кўчмас мулкни сотишга доир бошқа шартлар қайд этилмаган.

Бундан ташқари судлов ҳайъати томонидан 2007 йил 16 августда банк ва масъулияти чекланган жамияти раҳбари даъвогар О.Юнусов ўртасида кредит шартномаси тузилганлиги, кредит шартномасининг таъминоти учун жавобгар О.Ташметовага тегишли бўлган низоли мулк 2007 йил 18 августда гаровга қўйилганлиги аниқланган.

Шунингдек, нотариал идоранинг 2007 йил 18 августдаги таъқиқномасига асосан низоли омборхона ва идора биносига таъқиқ қўйилган ва маълумот учун кадастр хизмати ва 1-сон давлат нотариал идорасига юборилиб, кейинчалик 2008 йил 18 августда таъқиқ бекор қилинган.

Қуйи судлар мазкур ҳолатларни ҳамда битимларга оид қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олмасдан, Фуқаролик кодексининг 112-моддасига мувофиқ битимни ҳақиқий, деб ҳисоблашга қонуний асос мавжуд бўлмаса-да битимни ҳақиқий деб топиш тўғрисида нотўғри хулосага келган. Шу боис Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йил 25 июлдаги ажрими билан суд ҳужжатлари бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабларини рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

**6-794-19-сонли иш**

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти О Б З О Р И

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг тўққиз ойи давомида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг тўққиз ойи давомида келиб тушган 2 657 та шикоят ва протестлар ўрганилган. Ўрганилган шикоятларнинг 410 таси қайтарилган бўлса, уларнинг 228 тасини қабул қилиш рад этилган, 886 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, 186 таси бўйича тушунтиришлар берилган, 59 таси тегишлилиги бўйича юборилган, 372 таси бўйича раис ўринбосари томонидан рад жавоби берилган, 513 та иш бўйича эса, назорат тартибидаги шикоятлар ва протестлар судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Мазкур 513 та ишнинг 280 тасини оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар ташкил этган бўлса, 233 тасини маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишлар ташкил этади.

2019 йилнинг тўққиз ойи давомида судлов ҳайъати томонидан кўрилган жами ишларнинг 104 таси бекор қилиниб, биринчи инстанция судига янгидан кўриш учун юборилган бўлса, 15 таси бўйича чиқарилган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кассация инстанцияси судига (шундан 9 таси апелляция инстанцияси судига) кўриш учун юборилган, 78 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган, 19 таси бўйича кассация (апелляция) инстанцияси судининг қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган. 41 та иш бўйича эса, суд қарорлари ўзгартирилган, 28 та иш бўйича иш юритиш тугатилган, 197 та иш бўйича суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъатида кўриб чиқилган 513 та ишнинг 152 тасини Тошкент шаҳар, 46 тадан Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари, 37 тасини Тошкент вилояти, 35 тасини Фарғона вилояти, 34 тасини Самарқанд вилояти, 28 тасини Бухоро вилояти,

26 тасини Жиззах вилояти, 22 тадан Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари, 18 тасини Наманган вилояти, 17 тасини Навоий вилояти, 16 тасини Андижон вилояти ва 14 тасини Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судлари суд ҳужжатлари устидан берилган назорат шикоятлари ва протестларига асосан кўрилган ишлар ташкил этади.

Судлов ҳайъатида назорат тартибида кўрилган Тошкент вилояти маъмурий судларининг 81 фоиз, Наманган вилояти маъмурий судларининг 78 фоиз, Хоразм вилояти маъмурий судларининг 72 фоиз, Андижон вилояти маъмурий судларининг 69 фоиз суд ҳужжатлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган.

Мазкур даврда судлов ҳайъати томонидан "Маъмурий судлар томонидан махсус ҳуқуқдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан тайинланган жазо муддатини Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 343-моддасига асосан қисқартириш билан боғлиқ суд амалиёти", "Маъмурий судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 271-моддасини қўллаш билан боғлиқ суд амалиёти", "Маъмурий судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 10 ва 11-бобларига мувофиқ ариза (шикоят) кўрмасдан қолдирилган ва ариза (шикоят) бўйича иш юритиш тугатилган ишларга доир суд амалиёти", "Маъмурий судларда давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ суд амалиёти", "Давлат бошқаруви органлари, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар ҳамда фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларига мажбурият юклаш тўғрисидаги ишларни кўриш билан боғлиқ суд амалиёти" умумлаштиришлари ўтказилиб, унинг натижалари юзасидан Олий суд Раёсатининг тегишли қарори қабул қилинди. Шунингдек, жорий йилнинг январь, апрель ва июль ойларида судлов ҳайъати томонидан назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорлари тайёрланиб, Олий суд Раёсатида муҳокама қилинди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан ишларни кўришда МСИЮТК, МЖТК ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганини кўриш мумкин.



## I. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ОБЗОРИ

### **1. Назорат инстанциясида ишни кўриш бошлангунга қадар аризачи томонидан назорат шикоятидан воз кечиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилинганда назорат шикояти бўйича иш юритиш МЖТК 324<sup>22</sup>-моддасининг учинчи қисмига асосан тугатилади.**

Биринчи инстанция судининг қарори билан ҳуқуқбузар С.С. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилган ва ушбу кодекснинг 33-моддаси қўлланилиб, унга нисбатан энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида 344 480 сўм жарима жазоси тайинланган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ҳуқуқбузар С.С. назорат шикояти билан мурожаат қилиб, биринчи ва кассация инстанцияси судларининг қарорларини бекор қилиб, иш бўйича иш юритишни тугатишни сўраган.

Бироқ назорат инстанциясида ишни кўриш бошлангунга қадар ҳуқуқбузар С.С. назорат

шикоятдан воз кечиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган.

Судлов ҳайъати ҳуқуқбузарнинг ушбу аризасини кўриб чиқиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 324<sup>22</sup>-моддаси учинчи қисмига асосан, назорат шикоятдан воз кечишни қабул қилган ва назорат шикояти бўйича иш юритишни тугатишни лозим топган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 324<sup>22</sup>-моддаси учинчи қисмига кўра, назорат шикоятдан воз кечиш қабул қилинган ва протест чақириб олинганда, агар суд ҳужжати устидан бошқа шахслар томонидан шикоят қилинмаган бўлса, назорат инстанцияси суди назорат ишини юритишни тугатиш ҳақида ажрим чиқаради.

**7-369-19-сонли иш**

### **2. Назорат инстанцияси суди ҳуқуқбузарнинг хатти-ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломатлари йўқлигини аниқласа, қуйи инстанция судларининг маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорларини бекор қилади ва иш бўйича иш юритишни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатади.**

2019 йил 12 апрелда фуқаро Д.Д.га тегишли бўлган гараж нотаниш шахслар томонидан бузилаётганда, Д.Д.га унинг танишлари кўнғироқ қилиб, гаражи бузилаётганлигини айтишган. Д.Д. дарҳол воқеа содир бўлаётган жойга етиб келиб, нима учун гараж бузилаётганлигини, гаражни бузиш бўйича қандай ҳужжатлар борлигини сўраб, бегона шахсларни гаражни бузишдан тўхтатишга чақирган. Шунда маҳалла посбони Д.Д.га туман ҳокими қарори ижросини таъминлаш мақсадида гаражни тезда бузиш лозимлигини тушунтирган. Д.Д. гараж ва унинг ичидаги мулклар хусусий мулк эканлигини ва мулк ҳуқуқи дахлсизлигини, бузиш ишлари фақат суд қарорига асосан амалга оширилиши мумкинлигини айтиб, бузиш ишларини тўхтатишни талаб қилган. Шундан сўнг ички ишлар органи ходимлари томонидан Д.Д. туман ИИБга олиб борилиб, унга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилган. Д.Д. баённомани имзолашдан бош тортган. Бу ҳақда эса, баённомада

қайд этилган. Шунингдек, Д.Д.га тегишли бўлган уяли телефон, синиб қолмаслиги учун профилактика инспектори томонидан олиб кўйилиб, бу ҳақда далолатнома тузилган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан ҳуқуқбузар Д.Д. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддаси ва 194-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганликда айбдор деб топилган ва ушбу кодекснинг 34-моддаси қўлланилиб, унга нисбатан узил-кесил беш сутка қамоқ жазоси тайинланган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларини бекор қилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси 1-бандига асосан, иш юритишни тугатишни лозим топган.

Судлов ҳайъати бунда Д.Д.нинг ўзига тегишли бўлган гаражнинг бузилишига қаршилик қилганлиги ҳолатини хусусий мулкни

химоя қилишга қаратилган ҳаракат деб баҳолаган. Шунингдек, иш ҳужжатларида Д.Д. томонидан майда безорилик содир этилганлиги, яъни жамоат жойида кимнидир уятли сўзлар билан ҳақорат қилганлиги, қайсидир фуқарога ҳақоратомуз шилқимлик қилганлиги, жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи қандайдир ҳаракат қилганлиги, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаганлиги тасдиқланмаган. Аксинча, суд уни ўзининг ҳуқуқини химоя қилган, деб ҳисоблаган.

Бундан ташқари биринчи ва кассация инстанцияси судлари гаражни бузиш тўғрисида туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори мавжудлигига, ушбу қарорнинг ижросини ихтиёрий

равишда бажариш тўғрисида Д.Д. огоҳлантирилган ёки огоҳлантирилмаганлигига, қарор ижросини мажбурий ижро этиш учун мажбурий ижро бюросига топширилмаганлигига ва давлат ижросини томонидан ижро ҳаракатларини олиб бориш бўйича қарор қабул қилинганлигини тасдиқловчи бирон-бир далиллар мавжуд эмаслигига эътибор бермасдан, Д.Д.ни маъмурий жавобгарликка тортган.

Шу сабабли судлов ҳайъати ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломатлари йўқ деб ҳисоблаб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси 1-бандига асосан, иш юритишни тугатишни лозим топган.

**3-1003-1902/2003 сонли иш**

**3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб, ушбу кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса, тугатилиши лозим.**

Фуқаро М.Д. 2018 йил 30 июнда Сардоба туман гидромелиорация ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи биносида фуқаро Т.Х. билан ўзаро жанжаллашиб қолиб, жанжал давомида Т.Х.ни уриб, унга тан жароҳати етказган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан ҳуқуқбузар М.Д. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 52-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилиб, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида, яъни 368 600 сўм жарима жазоси тайинланган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларини бекор қилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси 7-бандига асосан, иш юритишни тугатишни лозим топган.

Судлов ҳайъати бунда ҳуқуқбузар М.Д.га нисбатан суриштирув органининг жиноят иши кўзғатишни рад қилиш ва маъмурий иш кўзғатиш ҳақидаги қарори 2018 йил 10 декабрда, яъни 5 ойдан ортиқ вақт ўтгандан кейин судга тақдим этилган бўлса-да, биринчи ва касса-

ция инстанцияси судлари ишни кўриб чиқиб, ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликка тортиб, хатоликка йўл қўйган.

Ваҳоланки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36-моддаси иккинчи қисмида жиноят ишини кўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши кўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида, агар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддатлар ўтмаган бўлса, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши белгиланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси 7-бандига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб, ушбу кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса, тугатилиши лозим.

Шу сабабли судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, иш юритишни тугатган.

**3-2103-1901/943-сонли иш**

**4. Агар маъмурий суд ишни кўриш вақтида маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарар миқдорини аниқлашда низо мавжуд деб ҳисобласа, манфаатдор шахслар фойдасига зарарни ундириш масаласи фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал этилишини тушунтиради.**

Фуқаро Т.К. 2018 йил 14 мартда соат 12-00 да ишончнома асосида бошқарувидаги дав-

лат рақами 40 В 111 АА бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситасини "Тошкент-

Водий" йўлининг 136 км.да бошқариб бораётганида ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмасдан, фуқаро В.В.нинг ишончнома асосида бошқарувида бўлган ва йўлда таъмирлаш учун тўхтаб турган давлат рақами 40 А 222 АА бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси билан тақнашиб кетиб, йўл-транспорт ҳодисасини содир қилган. Натижада "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси ичида бўлган фуқаро М.М. енгил тан жароҳати олиб, "Д" тиббиёт бирлашмасида 2018 йил 16-20 март кунлари даволанганлиги учун 40 000 сўм, "М" хусусий клиникасида бўйин умуртқаси ва чанок бўғини аъзоларини компьютер томографияси кўригидан, шунингдек, бошқа текширувлардан ўтганлиги учун 360 000 сўм зиён кўрган бўлса, "Ласетти" русумли давлат рақами 40 А 222 АА автотранспорт воситаси эса, ёниб кетганлиги натижасида унга 65 500 000 сўм зарар етган.

Ушбу ҳолатлар ишдаги далиллар, шу жумладан, жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ва маъмурий жавобгарликка оид иш қўзғатиш тўғрисида 2018 йил 18 апрелдаги қарор, Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик ҳақида 2018 йил 14 мартдаги 50-223338-сонли баённома, йўл-транспорт ҳодисаси схемаси, тушунтириш хатлари, суд экспертнинг 2018 йил 15-17 мартдаги 666-сонли хулосаси, "С" масъулияти чекланган жамиятининг 2018 йил 19 мартдаги 12-сонли хулосаси ва фотосуратлар, "Д" тиббиёт бирлашмасининг 2018 йил 21 мартдаги 8-сонли маълумотномаси, "М" хусусий клиникасининг 2018 йил 22 мартдаги 18-сонли маълумотномаси билан тўла ўз тасдиғини топган.

Шу боис суд томонидан Т.К. МЖТКнинг 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилиб, унга нисбатан икки йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ва ундан жабрланувчилар — "Ласетти" русумли автотранспорт во-

ситаси эгаси К.К. фойдасига 65 500 000 сўм ҳамда М.М. фойдасига 5 450 000 сўм зарар ундирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ҳуқуқбузар Т.К. суд қарорларидан норози бўлиб назорат шикояти билан судга мурожаат қилган. У ўзининг назорат шикоятида ва суд мажлисида жабрланувчи К.К.га 65 500 000 сўмни тўлаб берганлигини, аммо жабрланувчи М.М.га унинг уяли телефони учун қуйи инстанция судлари томонидан ундирилган 5 050 000 сўмни етказилган зарар қийматидан чиқариб ташлашни сўраган.

Судлов ҳайъати иш ҳолатлари ва ишдаги ҳужжатлардан келиб чиқиб, М.М.га уяли телефон учун ундирилган 5 050 000 сўм зарарни низоли деб ҳисоблаган ва ҳуқуқбузар Т.К.дан жабрланувчи М.М.га ундирилган зарарнинг ушбу қисмини бекор қилган. Судлов ҳайъати томонидан жабрланувчи М.М.га ушбу масала юзасидан фуқаролик ишларини юритиш тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Ваҳоланки, Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" 2018 йил 30 ноябрдаги 35-сонли қарори 27-банди иккинчи ва учинчи қисмларига кўра, суд маъмурий жазони қўллаш билан бир вақтда айбдор шахс томонидан моддий зарарни ундириш масаласини ҳал этиши лозим.

Агар суд маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарар миқдори тўғрисидаги масалани тўғри ҳал этиш учун асослар етарли эмаслиги ҳақида хулосага келса, манфаатдор шахсларга ушбу масалаларни фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал этиш тушунтирилади.

**3-1211-1801/1394-сонли иш**

### **5. Хизмат вазифаси сифатида ўзига юклатилмаган вазифа бажарилмаганлиги учун шахсни маъмурий жавобгарликка тортиб бўлмайди.**

Биринчи инстанция суди қарори билан "Н" АЖнинг бош ҳисобчиси Р.Р. 2018 йил август ойида "Н" АЖнинг мол-мулк солиғидан бўлган 75 000 000 сўм қарзини белгиланган муддатга қадар тўламаганлиги ва хизмат кўрсатаётган банкка ушбу тўловларни тўлаш учун тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлиги учун МЖТК 175-моддасининг олтинчи қисми билан айбдор деб топилган ва унга нисбатан 552 900 сўм жарима солинган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аммо биринчи ва кассация инстанцияси судлари ишни кўришда Р.Р.нинг меҳнат дафтарчасида қайд этилган ёзувларга эътибор бермаган. Меҳнат дафтарчасида Р.Р. 2016 йил 25 декабрдаги 222-сонли буйруққа асосан, бош ҳисобчи лавозимидан бош ҳисобчи ўринбосари лавозимига ўтказилган бўлган. Бундан кўриниб турибдики, Р.Р. 2018

йил август ойида "Н" АЖда бош ҳисобчи лавозимида ишламаган.

Шу сабабли судлов ҳайъати 2018 йил август ойида "Н" АЖнинг мол-мулк солиғидан бўлган 75 000 000 сўм қарзини белгиланган муддатга қадар тўланмасдан қолганлиги учун Р.Р. жавобгар ҳисобланмаслигидан

ва бунда унинг айби йўқлигидан келиб чиқиб, биринчи ва кассация инстанцияси суди қарорларини бекор қилган ва иш бўйича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси 1-бандига асосан, иш юритишни тугатишни лозим топган.

**7-547-19-сонли иш**

## II. МАЪМУРИЙ ВА БОШҚА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН НИЗОЛАРГА ОИД ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ОБЗОРИ

### **1. Шахснинг меҳнат дафтарчаси бўйича ишлаган даврлари учун суғурта бадалларининг тўланмасдан қолишида унинг айби йўқлиги тасдиқланса, ёшга доир пенсия тайинлашда ушбу даврлар ҳисобга олиниши мумкин.**

Фуқаро М.Р. 55 ёшга тўлиши муносабати билан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси шаҳар бўлимига (кейинги ўринларда БТПЖ деб юритилади) мурожаат қилиб, ўзига нисбатан пенсия тайинлашни сўраган. М.Р.-нинг меҳнат дафтарчасида 1977-1988 йилдаги турли ташкилотларда ишлаган даврлари ҳақидаги ёзувлар киритилган. БТПЖ М.Р.нинг меҳнат дафтарчаси ҳамда давлат архиви томонидан тақдим этилган ҳужжатларга асосан, унинг ташкилотларда ишлаган даври бола парваришlash таътилларини чиқариб ташлаганда 84 ойдан кам муддатни ташкил этган. Шундан 47 ой 6 кунга суғурта бадаллари тўланганлиги учун БТПЖ ёшга доир пенсия тайинлаш учун қонуний асослар мавжуд эмас, деб ҳисоблаб, 2018 йил 15 майдаги 222-сонли хат билан М.Р.нинг аризасини рад қилган.

Шу сабабли М.Р. судга ариза билан мурожаат қилиб, БТПЖ мансабдор шахсларининг ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) 8-моддаси ва 37-моддаси биринчи қисми "а", "б", "в" ва "г"-бандларига мувофиқ аризачи камида 7 йил иш стажи мавжуд бўлган тақдирда, унга иш стажи тўлиқ

бўлмаган пенсия тайинланиши мумкинлиги, аммо аризачининг иш стажи 7 йилдан камлиги, бундай шахсларга пенсия тайинлаш учун иш стажига бола 3 ёшга тўлгунча парваришlash таътилида бўлган давр кирмаслигига асосланиб, М.Р.нинг аризасини қаноатлантиришни рад қилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судларининг қарорларини бекор қилиб, аризани қаноатлантиришни лозим топган.

Судлов ҳайъати бунда М.Р.нинг меҳнат қилган даврлари 1977-1988 йилларга тўғри келишига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов бўйича суғурта бадаллари иш берувчи, яъни корхона томонидан иш ҳақи фондидан ҳисобланиб, иш ҳақи тўлаш манбаидан тўланади, фуқаролар иш берувчи томонидан суғурта бадаллари тўланишини назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлмаганлигига асосланган. Яъни М.Р.нинг 1977-1988 йиллардаги меҳнат фаолияти даврлари учун суғурта бадалларининг тўлиқ тўланмасдан қолганлигида унинг айби йўқ деб ҳисоблаган.

**7-647-19-сонли иш**

### **2. Ҳарбий қисмлар, қўшилмалар ва бирлашмалар, ҳарбий бошқарув органларининг қўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишларини ва ҳарбий бошқарув органлари ҳамда ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятларни кўриш Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари судловига тааллуқли. Бундай шикоятлар билан маъмурий судга мурожаат қилинганда, иш бўйича иш юритиш МСИЮтКнинг 108-моддаси 1-бандига асосан тугатилади.**

Аризачи А.Б. маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар — Ўзбекистон Рес-

публикаси Мудофаа вазирлиги Марказий тиббий ҳарбий комиссияси мансабдор шахс-

ларининг хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш рад қилинган.

А.Б. апелляция инстанцияси суди қароридан норози бўлиб назорат шикоятни билан мурожаат қилган. Унда биринчи инстанция суди А.Б. ҳарбий хизматни ўташ пайтида Бойконурда қоровулчиликда турганда отишмада яраланганлиги, ҳарбий госпиталга олиб борилганлиги, кейинчалик яна ҳарбий хизматга лойиқ деб топилганлиги ҳолатларини тўлиқ текшириб, ҳал қилув қарорини қабул қилган бўлса-да, апелляция инстанцияси суди асоссиз равишда ҳал қилув қарорини бекор қилиб, аризани қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги маълум қилинган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 26-моддаси биринчи қисмига кўра, маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний

манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно.

"Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 41-моддаси учинчи хатбошисида Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари ҳарбий қисмлар, қўшилмалар ва бирлашмалар, ҳарбий бошқарув органларининг қўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишларини ва ҳарбий бошқарув органлари ҳамда ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятларни кўриши белгиланган.

Шу сабабли судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилишни ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 108-моддаси 1-бандига асосан, иш юритишни тугатишни лозим топган.

**3-2103-1801/1389-сонли иш**

**3. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши (вилоят, туман Кенгашлари) фермер хўжаликлари манфаатида биринчи инстанция судига ариза билан мурожаат қилмасдан, уларнинг манфаатида апелляция (кассация) ёки назорат шикоятлари билан мурожаат қилганда, улар апелляция (кассация) ёки назорат инстанциясига бундай шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмаганлиги асоси билан апелляция (кассация) ёки назорат шикояти бўйича иш юритиш тугатилади.**

Аризачи "А" фермер хўжалиги маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2019 йил 15 январдаги 111-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари вилоят Кенгаши аризаچи манфаатида судга назорат шикояти билан мурожаат қилиб, биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг қарорларини бекор қилишни ва арз қилинган талабни қаноатлантиришни сўраган.

Судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилишни ва апелляция ҳамда назорат шикоятлари бўйича иш юритишни тугатишни лозим топган.

Судлов ҳайъати бунда МСИЮтКнинг 200-моддаси биринчи қисми, 214-моддаси би-

ринчи қисми 3-банди ва 249-моддаси биринчи қисмига асосланган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 200-моддаси биринчи қисмига кўра, ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти беришга, прокурор эса, апелляция протести келтиришга ҳақли.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 214-моддаси биринчи қисми 3-бандига биноан апелляция шикояти суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса, апелляция инстанцияси суди апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатади.

Ушбу кодекснинг 249-моддаси биринчи қисмида апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд ҳужжатлари ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, ишда

иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар томонидан назорат тартибда шикоят қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Аммо биринчи инстанция судига ариза билан "А" фермер хўжалигининг ўзи мурожаат қилган бўлса-да, апелляция ва назорат инстанцияси судига апелляция ва назорат шикоятлари "А" фермер хўжалигининг манфаатида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари вилоят Кенгаши томонидан киритилган.

Шу сабабли судлов ҳайъати Ўзбекистон

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари вилоят Кенгашини ишда иштирок этувчи шахс ёки ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахс бўлмаганлиги, у фермер хўжалиги манфаатида биринчи инстанция судига ариза билан мурожаат ҳам қилмаганлиги учун апелляция ва назорат шикояти билан мурожаат қилишга ҳақли эмас, деб ҳисоблаган ва апелляция инстанцияси суди қарорини бекор қилиб, апелляция ва назорат шикоятлари бўйича иш юритишни тугатишни лозим топган.

**7-857-19-сонли иш**

**4. Эгаликдаги, фойдаланишдаги, ижарадаги ва мулк қилиб берилган ер участкасини бошқа шахсларга бериш (реализация қилиш) фақат шу участка белгиланган тартибда олиб қўйилганидан (сотиб олинганидан) кейин амалга оширилиши мумкин.**

Шаҳар ҳокимининг 2001 йил 24 апрелдаги 45-Ф-сонли фармойишига асосан "Деҳқон бозори" ХЖга бозор ҳудудида растали бостирма қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ер майдони ажратилган.

Шаҳар ҳокимининг 2011 йил 21 июлдаги 696-сонли қарори билан шаҳар ҳокимининг 2001 йил 24 апрелдаги 45-Ф-сонли фармойиши бекор қилиниб, Алишер Навоий кўчасидаги 0,21 га ер майдони "Д" масъулияти чекланган жамиятига бириктириб берилган ва унга тасдиқланган лойиҳа асосида қурилиш ишларини олиб боришга рухсат берилган.

Шаҳар прокуратурасининг протестига асосан, шаҳар ҳокимининг 2013 йил 18 апрелдаги 111-сонли қарори билан шаҳар ҳокимининг 2011 йил 21 июлдаги 696-сонли қарори бекор қилиниб, шаҳар ҳокимининг 2001 йил 24 апрелдаги 45-Ф-сонли фармойиши ўз кучида қолдирилган ва "Д" масъулияти чекланган жамиятига бириктириб берилган 0,21 га ер майдони "Деҳқон бозори" ХЖ балансига ўтказилган.

Шу сабабли "Д" масъулияти чекланган жамияти судга ариза билан мурожаат қилиб, шаҳар ҳокимининг 2013 йил 18 апрелдаги 111-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва Ер кодексининг 23-моддаси учинчи қис-

мига асосланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 3-бандига кўра, бозорларнинг ҳудудида (қонун ҳужжатларига мувофиқ деҳқон (озиқовқат) бозорлари ҳудудида замонавий савдо комплексларини қуриш учун ер участкаларини ажратиш истисно қилинган ҳолда) ер участкалари ажратиб берилишига, шунингдек, бозорга тегишли кўчмас мулк объектлари жисмоний ва юридик шахсларга мулк қилиб топширилишига йўл қўйилмайди.

Шунингдек, Ер кодексининг 23-моддаси учинчи қисмида эса, эгаликдаги, фойдаланишдаги, ижарадаги ва мулк қилиб берилган ер участкасини бошқа шахсларга бериш (реализация қилиш) фақат шу участка белгиланган тартибда олиб қўйилганидан (сотиб олинганидан) кейин амалга оширилиши белгиланган.

Судлов ҳайъати ушбу ҳолатда қонун ҳужжатлари нормалари талабларига риоя қилинмаган ҳолда шаҳар ҳокимлиги 2011 йил 21 июлдаги 696-сонли қарори билан ўзининг 2001 йил 24 апрелдаги 45-Ф-сонли фармойишини бекор қилиб, Алишер Навоий кўчасидаги 0,21 га ер майдонини "Д" масъулияти чекланган жамиятига бириктириб берган ва унга тасдиқланган лойиҳа асосида қурилиш ишларини олиб боришга рухсат берган.

Шу сабабли судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси суди қарорларини бекор қилиб, аризани қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

**3-1208-1801/2425-сонли иш**

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти О Б З О Р И

Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2019 йилнинг тўққиз ойидаги иш фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари назорат шикоятлари (протестлари) асосида назорат тартибида қайта кўрилган.

2019 йилнинг тўққиз ойида иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида ҳисобот даврининг бошига қолдиқдаги назорат шикоятлари сони 110 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 1470 та (21 та протест) назорат шикояти (протести) келиб тушган.

Шундан 490 та шикоят қайтарилган, 127 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 321 та шикоятни кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, шундан 40 та ажрим бекор қилинган, 476 та шикоят (протест) иш юритувга қабул қилинган.

500 та шикоят (протест) кўриб чиқилган. Шулардан 152 таси бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 92 та суд қарорлари ўзгартирилган, 256 та суд қарорлари эса, бекор қилинган.

Жумладан, 47 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган, 145 таси бўйича янги қарор қабул қилинган, 38 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган, 10 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, даъво кўрмас-

дан қолдирилган, 16 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш юритиш тугатилган, 142 та шикоят ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Судлов ҳайъати томонидан суд таъсир чоралари сифатида жами 32 та (шундан 5 таси интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида) хусусий ажрим чиқарилган, 93 марта ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган. Олий суд Пленуми қарорлари лойиҳаси бўйича 10 та таклиф берилган, 27 та қонун лойиҳаси муҳокамасида иштирок этилган, 9 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат (4 та қонун ва 5 та қонуности ҳужжати) лойиҳалари ишлаб чиқилиб, улардан 2 та қонун ва 1 та қонуности ҳужжати лойиҳалари қабул қилинган. Суд амалиёти юзасидан 5 та умумлаштириш ўтказилиб, Олий суд Раёсати муҳокамасига киритилган.

Шунингдек, Бухоро вилояти, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят иқтисодий судларининг одил судловни амалга ошириш бўйича 2017-2018 йиллардаги фаолияти амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганилиб, натижалари Олий суд Раёсати муҳокамасига киритилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилмаётганлигини кўриш мумкин.

# ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

## I. ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

### 1. Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига таъсир қилувчи қарор қабул қилинганлиги ушбу қарорнинг бекор қилинишига ва ишни янгидан кўриш учун юборишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармасининг (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) "Х." МЧЖга нисбатан "ноль" харид қиймати бўйича инвестиция киритиш шarti билан сотиш тўғрисида тузилган олди-сотди шартномасини объектга киритган инвестициялар қисмини қайтармасдан бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Назорат шикоятда судлар иш ҳолатларини тўлиқ ўрганмасдан қарор қабул қилганлиги, шартнома тарафларидан бири сифатида жисмоний шахс иштирок этган бўлса-да, ушбу шартномани бекор қилиш тўғрисидаги иш иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилгани баён қилиниб, суд қарорларини бекор қилиш ва иш юритишни тугатиш ёки янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юбориш сўралган.

Иш ҳужжатларига кўра, даъвогар (сотувчи), туман ҳокимлиги (балансда сақловчи) ва фуқаро "Ш." (харидор) ўртасида тузилган кўчмас мулк олди-сотди шартномасига (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) кўра, харидор томонидан туман ҳокимлиги балансидаги "Т." кишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) маъмурий бино-иншоотлари 2 йил мобайнида 600 000 000 сўм инвестиция киритиш ва 20 та янги иш ўринларини яратиш шarti билан "ноль" харид қийматида сотиб олинган ва бино-иншоотлар харидорга далолатнома асосида топширилган.

Шартноманинг 3.9-бандига кўра, агар харидор жисмоний шахс бўлган тақдирда, давлат мулки объектнинг олди-сотди шартномаси кучга кирганидан кейин 60 (олтмиш) кун мобайнида инвестициявий мажбуриятларнинг бажарилиши назарда тутилдиган юридик шахс ташкил этиши лозим бўлган.

Шартноманинг ушбу бандигади мажбуриятни таъминлаш мақсадида фуқаролар "Ш." (70 фоиз), "Н." (15 фоиз) ва "С" (15 фоиз) таъсисчилигида "Х." МЧЖ ташкил этилган

ҳамда корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат реестрига юридик шахс сифатида киритилган.

Фуқаролик кодексининг 234-моддасига кўра, мажбурият — фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан, бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи, мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса, қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Шартноманинг 3.9-бандигади мажбурият харидор томонидан ижро этилиши натижасида шартноманинг иқтисодий ва ижтимоий мажбуриятларини бажариш юридик шахс бўлган "Х." МЧЖга ўтиши лозим бўлса-да, шартнома тарафлари ва "Х." МЧЖ иштирокида шартнома бўйича қўшимча келишув тузилмаган ва бу юридик жиҳатдан расмийлаштирилмаган.

Ваҳоланки, мажбуриятни бошқа шахсга ўтказиб бериш тўғрисидаги келишув мажбуриятнинг вужудга келишига асос бўлган битим (шартнома, контракт) қандай шаклда тузилган бўлса, ўша шаклда бажарилади.

Мажбуриятнинг бошқа шахсга ўтказилишида мажбуриятнинг моҳияти ўзгаришсиз қолади. Янги қарздор дастлабки қарздорнинг мажбурият ва ҳуқуқларини қабул қилиб олади. Шу боисдан, янги қарздор кредиторнинг талабига қарши кредитор билан дастлабки қарздор ўртасидаги муносабатларга асосланган барча эътирозларни илгари суриши мумкин. Яъни даъвогар "Х." МЧЖ томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилишдан олдин харидор сифатида шартнома тарафи бўлган фуқарони "Х." МЧЖ билан алмаштириш чорасини кўриши ва шундан кейин унга нисбатан талаб қўйиши мумкин бўлади.

Даъвогар судга даъво аризаси билан муносабат қилиб, шартномани бекор қилишни сўраган бўлса-да, "Х." МЧЖ ушбу шартно-



манинг тарафи эмаслигига ва шартнома шартини бажариш мажбурияти қонунчиликда белгиланган тартибда унга ўтказилмаганлигига эътибор қаратмаган.

Бунга судлар ҳам тегишли ҳуқуқий баҳо бермасдан, ишни кўриш давомида процессуал қонун нормаларининг бузилишига йўл қўйилган ва бунинг натижасида ноқонуний қарор қабул қилинган. Жумладан, биринчи инстанция суди томонидан олди-сотди шартномаси тарафларининг ҳуқуқий ҳолатига (мақомига) етарлича баҳо бермасдан, даъво аризасини иш юритувга қабул қилишда низо иқтисодий судга тааллуқлилиги масаласини текширмасдан, шартноманинг тарафи бўлса-да, ишда иштирок этмаган фуқаро "Ш."-нинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига таъсир қилувчи қарор қабул қилган.

Шунингдек, апелляция инстанцияси суди ҳам юқорида қайд этилган ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бермасдан, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириб, барвақт хулосага келган.

Иқтисодий процессуал кодексининг (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 322-моддаси биринчи қисмига кўра, суд ҳуж-

жатининг ноқонунийлиги ёки асосsizлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибда ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Ушбу кодекснинг 321-моддаси биринчи қисми 2-бандига кўра, суд ишни назорат тартибда кўриб чиққанда ушбу кодекснинг 302-моддаси тўртинчи қисми 4 ва 7-бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда ҳал қилув қарорини, қарорни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли.

ИПКнинг 302-моддаси биринчи қисми 4-бандига кўра, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори ҳамда апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

**4-1603-1901/436-сонли иш**

**2. Иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги, суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.**

**Ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.**

**Қонун ҳужжатларига мувофиқ, муайян далиллар билан тасдиқланиши керак бўлган иш ҳолатлари бошқа далиллар билан тасдиқланиши мумкин эмас.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасининг даъвогар "К." хусусий корхонаси манфаатида жавобгар "М." хусусий корхонасидан 22 000 000 сўм асосий қарз, 11 000 000 сўм пеня ва 16218 сўм почта харажатларини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 19 000 000 сўм асосий қарз, 3 300 000 сўм пеня ва 16218 сўм почта харажатлари ундирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан "М." хусусий корхонасининг кассация шикоятчи қисман қаноатлантирилиб, ҳал қилув қарорининг "М." хусусий корхонасидан "К" хусусий корхонаси фойдасига 19 000 000 сўм асосий қарз ундириш қисми 16 000 000 сўм асосий қарз ундирилсин, деб ўзгартирилган, ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Назорат шикоятчида жавобгар шартномага асосан, даъвогар томонидан 28 000 000

сўмлик маҳсулот етказиб берилганлиги, ушбу маҳсулот учун жавобгар томонидан 16 000 000 сўм миқдоридagi тўловлар амалга оширилганлиги, жавобгарнинг даъвогардан қарзи 12 000 000 сўмни ташкил қилишини, бироқ судлар томонидан фақат даъвогарнинг даъво аризасида кўрсатилган важлар билан чекланган ҳолда 16 000 000 сўм миқдоридa қарзни ундириб, нотўғри тўхтама келганлиги баён қилиниб, кассация инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 12 000 000 сўм ундириш ҳақида янги қарор қабул қилиш сўралган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 302-моддаси биринчи қисмига асосан, иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги, суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

ИПКнинг 68-моддаси биринчи қисмига кў-

ра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Низони ҳал этишда кассация инстанцияси суди иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқламасдан, аниқланган деб ҳисобланган ҳолатлар исботланмасдан, даъво талабининг жавобгардан 16 000 000 сўм асосий қарз суммасини ундириш қисмини қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Бинобарин, даъвогар жавобгарга 32 000 000 сўм миқдорда товар-моддий бойликларни етказиб берганлигини билдирса-да, етказиб берилган маҳсулотларнинг 4 000 000 сўми учун тегишли тартибда ишончнома расмийлаштирилмаган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 72-моддасига кўра, қонун ҳужжатларига мувофиқ, муайян далиллар билан тасдиқланиши керак бўлган иш ҳолатлари бошқа далиллар билан тасдиқланиши мумкин эмас.

Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 27 майда 1245-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 7 майдаги 62-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 2-бандида корхона томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда етказиб берувчилардан товар-моддий бойликларни олиш учун ишончли шахсга берилган ёзма ваколат ишончнома деб тан олинади. Ишончли шахс унга ишончнома бўйича берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилади;

4-бандидага асосан, ишончномалар етказиб берувчи томонидан шартнома ва бошқа битимлар бўйича бериладиган товар-моддий бойликларни олишга берилади. Ишончли шахс талаб этилаётган товар-моддий бойликларни бир жойдан (бир омбордан), бироқ бир неча шартнома ва бошқа битимлар бўйича олиши лозим бўлган ҳолатларда унга шартнома ва бошқа битимларнинг рақам ва саналари кўрсатилган битта ишончнома ёки агар товар-моддий бойликлар бир неча омбордан олиниши керак бўлса, бир неча ишончномалар берилади.

Ишончномаларни ёзишда олиниши керак бўлган моддий бойликлар рўйхати қуйдагича тўлдирилади: агар ишончномада кўрсатилган жўнатиш ҳужжатида (шартнома ва шу кабиларда) олиниши керак бўлган товар-моддий бойликлар номи ва сони келтирилмаган бўлса ёки ишончнома бўйича жўнатиш ҳужжатларида келтирилган товар-моддий

бойликларнинг фақат бир қисмигина олинса. Агар ишончнома бўйича жўнатиш ҳужжатларида кўрсатилган барча товар-моддий бойликлар номи ва сони олинса, унда ишончноманинг орқа томонини бойликлар рўйхати билан тўлдирмаса ҳам бўлади. Бундай ҳолда ишончноманинг ушбу қисмида жўнатиш ҳужжатининг номи, рақами ва санаси, шунингдек, олинадиган товар-моддий бойликларнинг умумий суммаси кўрсатилади;

9-бандида эса, ишончномалар амал қилиш муддатидан қатъи назар товар-моддий бойликларнинг дастлабки берилишида етказиб берувчига қолдирилади. Товар-моддий бойликларни қисмларга бўлиб беришда ҳар бир берилган қисмга юкхат (қабул қилиш-топшириш далолатномаси ёки шунга ўхшаш бошқа ҳужжат) тузилади, унда ишончнома рақами ва у берилган сана кўрсатилади. Бундай ҳолларда юкхатнинг (ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг) бир нусхаси товар-моддий бойликларни олувчига берилади, бошқаси — етказиб берувчида қолади ҳамда ишончномага кўра, бойликларни бериш устидан кузатув ва назорат учун қўлланилади. Товар-моддий бойликлар бериб бўлингандан кейин ишончнома ишончномалар бўйича топширилаётган бойликларнинг охириги туркумини бериш учун ҳужжат билан бирга бухгалтерияга топширилади, деб белгиланган.

Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан, даъвогар жавобгарга етказиб берилган маҳсулотларнинг тўлиқ ҳужжатларини, жумладан, ушбу маҳсулотлар жавобгарнинг ишончли вакили томонидан олиб кетилганлигини тасдиқловчи ишончномани тақдим этиши лозим бўлган. Даъвогар томонидан 2018 йил 20 июлдаги 15-сонли юкхати — накладнойга асосан жавобгарга етказиб берилган 4 000 000 сўмлик маҳсулотлар "Х." томонидан олиб кетилганлиги ва ушбу маҳсулотлар "М." хусусий корхонаси буйруғига асосан қурилиш объектига, "Р." исмли иш бошқарувчига топширганлиги ҳақидаги тилхатни тақдим этган бўлса-да, ушбу 4 000 000 сўмлик етказиб берилган маҳсулотлар учун юқорида келтирилган амалдаги норматив ҳужжатларга асосан тегишли тартибда расмийлаштирилган ишончномани тақдим этмаган.

Ушбу ҳолатларга асосланган ҳолда биринчи ва кассация инстанцияси судлари даъвонинг асосий қарз суммасидаги 4 000 000 сўмни ундириб, нотўғри тўхтама келган.

Қайд этилганларга асосан, судлов ҳайъа-

ти кассация инстанцияси судининг асослан-тирувчи ва хулоса қисмидаги жавобгардан даъвогар фойдасига "16 000 000 сўм" ундириш қисмини "12 000 000 сўм" ундириш деб ўзгартишни лозим топган.

Баён қилинганларга асосан, судлов ҳайъати назорат шикоятини қаноатлантиришни,

иш юзасидан кассация инстанцияси судининг қарорини асослантирувчи ва хулоса қисмидаги "16 000 000 сўм" қисмини "12 000 000 сўм" деб ўзгартиш, қарорнинг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида қарор қабул қилган.

**4-1902-1801/9123-сонли иш**

## II. МОДДИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚўЛЛАШ АМАЛИЁТИ

**1. Мажбуриятдаги шахсларнинг ўзгариши даъво муддати ва уни ҳисоблаш тартибининг ўзгаришига олиб келмайди.**

**Тугатилаётган юридик шахснинг тугатиш комиссияси (тугатиш бошқарувчиси) томонидан билдирилган талаблар бўйича даъво муддати, тугатиш комиссияси (тугатиш бошқарувчиси) тайинланган кундан эмас, балки тугатилаётган юридик шахснинг ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди.**

**Янги тайинланган (сайланган) юридик шахс раҳбари томонидан даъво муддатининг ўта бошлаши у тайинланган (сайланган) кундан бошлаб ҳисобланиши лозимлиги ҳақида важ билдирилганда ҳам, худди шу қоида татбиқ этилади.**

Туман давлат солиқ инспекцияси қарздор "Т." МЧЖга нисбатан судга ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдида 1 711 823 188 сўм қарзи мавжуд бўлса-да, мол-мулки мавжуд эмаслиги ва банкрот ҳолатга келиб қолганлигини билдириб, уни соддалаштирилган тартибда банкрот деб топишни сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан қарздор соддалаштирилган тартибда банкрот деб топилган ва тугатиш бошқарувчиси тайинланган.

"Т." МЧЖнинг (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) тугатиш бошқарувчиси "М." МЧЖга (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, жавобгардан 557 712 959 сўм дебитор қарзни ундиришни сўраган.

Иш биринчи инстанция судида кўрилишида жавобгар судга даъво муддатини қўллаш ва ушбу асосга кўра, даъвони қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ариза берган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан низо юзасидан даъво муддати қўлланилган ва даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган ва даъвонинг 307 110 877 сўм қисмини даъво муддати қўлланилган ҳолда қаноатлантириш рад этилган, даъвонинг 250 602 082 сўм қисми бўйича эса, даъво муддати узилган деб топилиб, қаноатлантирилган.

Назорат шикоятида даъвогар иш юзасидан даъво талабларини асословчи ҳужжатларни судга тақдим эта олмаганлиги, 250 062 082 сўм қарзни жавобгар ўзининг даромадига олгани ва солиқларни тўлаб берганлиги, тарафлар ўртасида тузилган новация шартномаси бекор қилинмаганлиги ёки ҳақиқий эмас, деб топилмаганлиги, кассация инстанцияси суди бу далилларни инобатга олмасликка асоси йўқлигини билдириб, қарорни бекор қилиш, биринчи инстанция судининг қабул қилган ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдириш сўралган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, "Т." МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаган "С."га нисбатан Жиноят кодексининг 184-моддаси учинчи қисми ва бошқа моддалар асосида мавжуд бўлган жиноят иши юзасидан жиноят ишлари бўйича туман суди томонидан ҳукм чиқарилган.

Ушбу ҳукм асосида тугатиш бошқарувчиси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ҳукмда "Т." МЧЖга тегишли бўлган 557 712 959 сўмлик дори-дармонлар комиссия шартномалари асосида "М." МЧЖга топширилганлиги қайд этилганлиги, лекин ушбу маҳсулотларнинг ҳақи тўланмаганлиги, 557 712 959 сўм дебитор қарз мавжудлигига кўра, "М." МЧЖдан ушбу қарзни ундиришни сўраган.

Ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган жавобгар вакили судга қўшимча ҳужжатларни тақдим қилган бўлиб, ушбу далилларга кўра, даъвогар (кредитор) ва жавобгар (қарздор) ўртасида тузилган воситачилик шартномаси юзасидан қарз мажбуриятини янгилаш тўғри-

сида келишув тузилган ва ушбу келишувнинг 1.1-бандида кредитор қарздорга шартномага кўра, дори-дармонларни ассортиментда етказиб берганлиги, қарздор шу кунга қадар етказиб берилган маҳсулот учун тўловни амалга оширмаганлиги, қарз миқдори воситачилик ҳақи билан бирга 250 602 083 сўмни ташкил қилиши, келишувнинг 1.2-бандида қарздорнинг 1.1-бандда кўрсатилган тўловни тўлаш мажбурияти шу шахслар ўртасида қарз мажбуриятларини алмаштириш тарзида ўзгартирилгани, қарздор 1.1-бандда кўрсатилган пул суммасини кўрсатилган муддатга қадар қайтариши белгиланган.

Тарафлар ўртасида тузилиб, икки томонлама тасдиқланган солиштирма далолатномага кўра, даъвогар олдида жавобгарнинг 250 602 083 сўм қарзи мавжудлиги эътироф этилган.

Тарафлар юқорида қайд этилган келишув юзасидан имзолашган қўшимча келишувнинг 1.3 (қарзни кўрсатилган муддатга қадар қайтариш шартлиги), 2.2 (қарзни муддат тугагунга қадар бўлиб-бўлиб тўлаш мумкинлиги), 2.3 (қарзни муддатидан олдин қайтариш мумкинлиги) ва 3.1-банди (ўз вақтида қайтарилмаган қарз учун пеня ҳисоблаш тартиби) бекор қилинган.

Ушбу қўшимча келишувда тарафларнинг ўзаро розилигига кўра, 250 602 083 сўм қарз кредитордан қарздорга қайтармаслик шarti билан берилганлиги баён қилинган.

"Ҳомийлик тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддаси учинчи қисмига кўра, тижорат ташкилотларига, сиёсий партияларга ва ҳаракатларга пул маблағлари ҳамда бошқа моддий маблағлар бериш, ўзга шаклда ёрдам кўрсатиш, шунингдек, уларни қўллаб-қувватлаш ҳомийлик ҳисобланмайди.

Фуқаролик кодексининг 113-моддаси биринчи қисмига кўра, битим ушбу кодексда белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд ҳақиқий эмас, деб топганлиги сабабли (низол битим) ёки бундай деб топилишидан қатъи назар, ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим), учинчи қисмига кўра, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талабни ҳар қандай манфаатдор шахс қўйиши мумкин. Суд бундай оқибатларни ўз ташаббуси билан қўллашга ҳақли.

Олий хўжалик суди Пленумининг "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги нормаларни қўллашнинг ай-

рим масалалари ҳақида" 2014 йил 28 ноябрдаги 269-сонли қарори 12-банди биринчи хатбошисида баён қилинишича, Фуқаролик кодексининг 116-моддасига кўра, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим бўлиб, қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмунда; ҳуқуқ-тартибот асосларига қарши мақсадда; ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ҳисобланади. Ушбу банднинг иккинчи хатбошисига кўра, агар битимнинг бир ёки бир неча шартлари қонун ҳужжатларининг талабаларига зид бўлса, битимнинг мазмуни ушбу талабларга мувофиқ келмаслиги сабабли, ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Гарчи, тарафлар ўртасида тузилган қўшимча келишувда қарз қайтарилмаслиги кўрсатилган бўлса-да, унинг мазмуни қонун ҳужжатларининг талабларига мос эмас ва ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳисобланади.

Демак, жавобгар даъвогар олдидаги қарзни ихтиёрий равишда қайтариш муддати кўрсатилган бўлиб, шу кундан эътиборан даъвогарда қарзни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келади.

Фуқаролик кодексининг 150-моддасига кўра, умумий даъво муддати — уч йил.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2015 йил 19 июндаги 282-сонли қарори 4-бандида қайд этилишича, Фуқаролик кодексининг 150-моддасида кўрсатилган уч йиллик даъво муддати, қонун ҳужжатларида ушбу муддатга қараганда қисқартирилган ёки узайтирилган, шунингдек, даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблардан ташқари фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган барча талабларга нисбатан татбиқ этилади.

Даъвогар томонидан билдирилган талаб дебитор қарзни ундириш бўлиб, ушбу талабга нисбатан уч йиллик умумий даъво муддати қўлланилади.

Мазкур Пленум қарорининг 11.2-бандида қайд этилишича, мажбуриятдаги шахсларнинг ўзгариши (ФКнинг 155-моддаси) даъво муддати ва уни ҳисоблаш тартибининг ўзгаришига олиб келмаслигини судлар инобатга олиши лозим. Тугатилаётган юридик шахснинг тугатиш комиссияси (тугатиш бошқарувчиси) томонидан билдирилган талаблар бўйича даъво муддати, тугатиш комиссияси (тугатиш бошқарувчиси) тайинланган кундан эмас, балки тугатилаётган юридик шахснинг ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим

бўлган кундан ўта бошлайди. Янги тайинланган (сайланган) юридик шахс раҳбари томонидан даъво муддатининг ўта бошлаши у тайинланган (сайланган) кундан бошлаб ҳисобланиши лозимлиги ҳақида ваз билдирилганда ҳам, худди шу қоида татиб этилади.

Шунга кўра, тугатиш бошқарувчиси томонидан қарз мавжудлиги тўғрисида кеч хабар топганлиги важи билан келишиб бўлмайди ва тугатиш бошқарувчисининг тайинланганлиги даъво муддатини узмайди.

Фуқаролик кодексининг 153-моддасига кўра, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганлигидан қатъи назар, судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқарганича берган аризасига мувофиқ қўлланади. Қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.

Даъвогар белгиланган вақтгача бўлган даврда даъво билан мурожаат қилмаган ва фақат даъво муддати ўтиб кетгач, судга даъво тақдим этган. Шунга кўра, биринчи инстанция суди даъво муддатини қўллаб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида тўғри қарор қабул қилган.

Кассация инстанцияси суди эса, даъво муддати ҳукм чиқарилган санада узилган деб ҳисоблаб, даъвонинг 250 602 082 сўм қисмини қаноатлантирган.

Кассация инстанцияси судининг ушбу ҳулосаси билан келишиб бўлмайди. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 157-моддаси биринчи қисмига кўра, даъво муддатининг ўтиши белгиланган тартибда даъво қўзғатилиши билан, шунингдек, мажбур шахс қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатларни қилиши билан узилади.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2015 йил 19 июндаги 282-сонли қарори 13.3-бандида қайд этилишича, мажбур шахснинг қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатлари қуйидагилар бўлиши мумкин: мажбуриятнинг бир қисми бажарилганлиги (қарзнинг бир қисми тўланганлиги); таққослаш далолатномаси тузилганлиги; банкдаги ҳисоб рақамга қўйилган тўлов талабномасининг акцептланиши; қарз тан олинганлиги аниқ баён этилган хат-хабар ёки маълумотларнинг берилганлиги ва ҳ.к.

Демак, даъво муддати ўтишининг узилишига олиб келадиган қарздор томонидан

кредитор олдида қарзни тан олишдан далолат берувчи ҳаракатлар амалга оширилган бўлиши лозим.

Кассация инстанцияси суди жавобгар раҳбарининг жиноят ишлари бўйича судда гувоҳ сифатида берган кўрсатмаси билан даъво муддати узилган деб ҳисоблаган. Суднинг ҳукмида қарзнинг тан олинганлиги қайд этилмасдан, даъвогар ва жавобгар ўртасида қарздорлик юзасидан ўзаро солиштирма далолатнома тузилганлиги баён қилинган.

Жавобгар раҳбарининг жиноят иши бўйича берган ушбу кўрсатмаси қарзнинг тан олингани эмас, балки қарздорлик юзасидан охириги солиштирма далолатнома тузилган сана тўғрисида кўрсатма бериш ҳисобланади.

Олий хўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори тўғрисида" 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарори 1-банди биринчи хатбошисида қайд этилишича, суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак, 3-бандининг биринчи хатбошисига кўра, қарор қачонки, унда иш учун аҳамиятли барча ҳолатлар баён этилган ва тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги ҳулосаларини тасдиқловчи далиллар келтирилган бўлса, асослантирилган ҳисобланади. Қарор иш ҳолатлари ҳақидаги тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас.

ИПКнинг 279-моддаси биринчи қисмига кўра, 1) иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги; 2) суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги; 3) ҳал қилув қарорида баён қилинган ҳулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ эмаслиги; 4) моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Ушбу кодекснинг 322-моддаси биринчи қисмига кўра суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади; 321-моддаси 5-бандига кўра, суд ишни назорат тартибида кўриб чиққанда иш бўйича илгари қабул қилинган ҳал қилув қарорларидан ёки қарорлардан бирини ўз кучида қолдиришга ҳақли.

Ушбу кодекснинг 118-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2008 йил 18 апрелдаги 180-сонли қарори 22-банди иккинчи хатбошисига кўра, ишни апелляция, кассация инстанциялари судларида ёки назорат тартибда кўришда суд ҳужжатлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳолда, иқтисодий суд қарорда ишда иштирок этувчи шахслар томонидан олдиндан тўланган давлат божи бўйича харажатларни ҳисобга олиб қайта тақсимлаш масаласини кўриб чиқиши лозим.

Даъвогар судга давлат божи ва почта харажати тўламасдан мурожаат қилган бўлса-да, у фақат даъво тақдим этишда бу тўловлардан озод қилинган ҳисобланади ва ишнинг натижасига кўра, бундай тўловлардан озод қилинмайди.

Жавобгар назорат шикоятни билан мурожаат қилишда 7 518 062 сўм давлат божи ва 16218 сўм почта харажати тўлаган.

Иш бўйича даъвогардан биринчи инстанция суди томонидан 11 154 259 сўм давлат божи ундирилган бўлиб, кассация инстанцияси учун ундириладиган давлат божи 5 577 129,5 сўм, назорат инстанцияси учун

ундириладиган давлат божи 5 577 129,5 сўм бўлади.

Ҳал қилув қарори билан даъвогардан бюджетга 11 154 259 сўм давлат божи ва 16218 сўм почта харажати ундирилган ва ижро варақаси берилган.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати иш бўйича қабул қилинган кассация инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдириш, жавобгарнинг назорат шикоятини тўлиқ қаноатлантириш, ишни судда кўриш билан боғлиқ бўлган суд харажатларини тўлиқ даъвогар зиммасига юклаш, биринчи инстанция учун ундирилган суд харажатлари бўйича берилган ижро варақалари юзасидан ундирувни давом эттириш тўғрисида кўрсатма берган ҳолда ишни кассация ва назорат инстанцияси судларида кўриш билан боғлиқ суд харажатларини даъвогар зиммасига юклаб, ундан кассация инстанцияси учун 5 577 129,5 сўм давлат божини бюджетга, назорат инстанцияси учун 5 577 129,5 сўм давлат божи ва 16218 сўм почта харажати жавобгар фойдасига ундириш, кассация инстанцияси судининг қарори асосида берилган ижро варақалари бўйича ундирувни бекор қилиш, жавобгар томонидан ортиқча тўланган 1 940 932,5 сўм давлат божини қайтариш ва бу ҳақда маълумотнома бериш тўғрисида қарор қабул қилган.

**4-1001-1814/31175-сонли иш**

**2. Агар даъвогар иштирокчининг улуши ёки бир нечта иштирокчиларнинг жами улушлари жамият устав фонди (устав капитали)нинг ўн фоизидан кам бўлса ёхуд даъво аризаси жамиятнинг ўзи томонидан берилган бўлса, даъво аризасини қаноатлантириш рад этилиши лозим.**

**Судлар ушбу тоифадаги ишларни кўришда жавобгар ўз мажбуриятларини кўпол бузаётганлиги, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётганлиги ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётганлиги ҳолатлари мавжудлигини аниқлашлари лозим.**

"Х." МЧЖ (бундан буён матнда МЧЖ деб юритилади) таъсисчиси "М."нинг (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) МЧЖ таъсисчилари "Б." ва "С."ларни (бундан буён матнда жавобгарлар деб юритилади) жамият таъсисчилари сафидан чиқариш тўғрисидаги даъво аризаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилган, жавобгарлар МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқарилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилинган ва иш янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Иш янгидан кўриш учун иш юритувига қабул қилиниб, МЧЖнинг қолган таъсисчилари низонинг предметида нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида иштирок этиш учун жалб қилинган.

Жавобгар "С." судга қарши даъво аризаси тақдим қилиб, даъвони қаноатлантиришни рад этишни, даъвогар "М."ни МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқаришни сўраган. Қарши даъво аризаси иш юриштига қабул қилинган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилиб, жавобгарлар МЧЖ таъсис-

чилари сафидан чиқарилган ва қарши даъво кўрмасдан қолдирилган.

Кассация инстанцияси суднинг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилинган ва иш янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Биринчи инстанция суднинг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган, жавобгарлар МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқарилган ва жавобгарнинг қарши даъвоси кўрмасдан қолдирилган.

Кассация инстанцияси суднинг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Назорат шикоятда қуйи судлар томонидан аниқланган иш ҳолатларига тўлиқ ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги баён қилинган ва суд қарорларини бекор қилиш ҳамда даъвони қаноатлантиришни рад этиш, ишни бошқа таркибда кўриб чиқиш учун юбориш сўралган.

Иш ҳужжатларига кўра, даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарлар МЧЖнинг фаолият юртишига имкон бермаётганлиги, жавобгар "Б." МЧЖ раҳбари бўлиб ишлаган вақтида МЧЖнинг молиявий аҳволи оғирлашганлиги, бошқарув раиси вазифасида ишлаган вақтида МЧЖга тегишли автомашинадан ғайриқонуний равишда фойдаланганлиги, вазифадан кетганидан кейин ҳам автомашинани топширмаганлиги, уни яроқсиз ҳолатга келтирганлиги, шунингдек, иш бўйича жавобгарлар ўз манфаатлари йўлида ресторан биносини қонун талабларини бузган ҳолда "Э." МЧЖга сотишга эришишгани, бу суднинг бошқа иш бўйича қабул қилинган қарори билан тасдиқланганлигини билдирган ва жавобгарларни МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқаришни сўраган.

Шунингдек, жавобгар "С." судга қарши даъво аризаси тақдим қилиб, даъвогарни ҳамда "Ш" хусусий корхонаси раҳбари "Д"ни МЧЖ таъсисчилари сафидан чиқаришни сўраган. Қарши даъво талабида даъвогар "М" ва унинг ўғли "Ш" хусусий корхонаси раҳбари "Д" МЧЖнинг фаолият юртишига тўсқинлик қилаётганликлари, "М" МЧЖнинг мулки бўлган автомашинани "Ш" хусусий корхонасига асоссиз бериб қўйганлигини билдирган.

Биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантириб, қарши даъвони эса, кўрмасдан қолдирган.

Кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Қуйи судларнинг бундай тўхтамга келиши ноқонуний ҳисобланади ва қуйидагиларга кўра, бу билан келишиб бўлмайди:

даъвогарнинг даъво талаби ва жавобгарнинг қарши даъво талаби МЧЖ таъсисчилари сафидан унинг иштирокчисини чиқаришдан иборат;

"Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддаси иккинчи қисмига кўра, жами улушлари жамият устав фондининг (устав капиталининг) камида ўн фоизини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Олий хўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида" 2014 йил 20 июндаги 262-сонли қарори 19-банди иккинчи хатбошисида қайд этилишича, агар даъвогар иштирокчининг улуши ёки бир нечта иштирокчиларнинг жами улушлари жамият устав фонди (устав капитали)нинг ўн фоизидан кам бўлса ёхуд даъво аризаси жамиятнинг ўзи томонидан берилган бўлса, даъво аризасини қаноатлантириш рад этилиши лозим. Судлар ушбу тоифадаги ишларни кўришда жавобгар ўз мажбуриятларини қўпол бузаётганлиги, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётганлиги ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётганлиги ҳолатлари мавжудлигини аниқлашлари лозим.

Биринчи инстанция суди томонидан ушбу тушунтириш талаби бажарилмаган ва даъвогар жавобгарларнинг жамият фаолият кўрсатишига имкон бермаётганлиги тасдиқланмаганлигига, жавобгарларнинг МЧЖ мол-мулкларидан хўжасизларча фойдалангани, МЧЖга раҳбар бўлган вақтида эса, МЧЖнинг молиявий аҳволи оғирлашганлиги каби важлари жавобгарларни таъсисчилар сафидан чиқариш учун етарли бўлмаса-да, ушбу асоссиз даъво талаби қаноатлантирилган.

Қолаверса, даъвонинг асосига қўйилган бошқа иш бўйича ҳал қилув қарори Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг қарори билан бекор қилинган.

Шу билан бирга, жавобгарнинг қарши

даъво талабида келтирилган важлар ҳам даъвогарни таъсисчилар сафидан чиқариш учун асос бўлмайди.

Суд қарши даъво талабини кўрмасдан қолдирган ва жавобгар низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилмаганлигини бунга асос қилиб келтирган бўлса-да, таъсисчини сафдан чиқариш тўғрисидаги талабни судга тақдим этишдан олдин низони судгача ҳал қилиш лозимлиги қонунчиликда мавжуд эмас.

Бу камчиликларга кассация инстанцияси суди ҳам эътибор қаратмасдан, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган ва барвақт хулосага келган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси биринчи қисмига кўра, давлат божи ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда юкланади.

Даъвогар томонидан даъво тақдим этишда 1 497 750 сўм давлат божи ва 3 000 сўм почта харажатлари тўланган. Жавобгар томонидан эса, қарши даъво тақдим қилишда ҳамда шикоятлар беришда жами 4 720 025 сўм давлат божи ва 56 436 сўм почта харажатлари тўланган.

Иш бўйича ундириладиган давлат божи даъво талаби учун биринчи инстанцияда 1 497 750 сўм, кассация инстанцияси учун 748 875 сўм, назорат инстанцияси учун 748

875 сўмни, қарши даъво талаби бўйича биринчи инстанция учун 1 722 400 сўм, кассация инстанциясида 861 200 сўм, назорат инстанциясида 861 200 сўмни, жами ундирилиши лозим бўлган давлат божи даъво бўйича 2 995 500 сўмни, қарши даъво бўйича 3 444 800 сўмни ташкил қилади.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати назорат шикоятини қисман қаноатлантириш, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ва кассация инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш, иш бўйича янги қарор қабул қилиш, даъвогарнинг даъво талабини ва жавобгарнинг қарши даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш, ишни судда кўриш билан боғлиқ суд харажатларини даъвогар ва жавобгар зиммасига юклаган ҳолда, даъвогар томонидан олдиндан тўланган 3000 сўм почта харажатларини ҳамда 1 497 750 сўм давлат божини зиммасида қолдириб, даъвогардан жавобгарга 1 275 225 сўм, республика бюджетига 222 525 сўм давлат божи ундириш, жавобгар томонидан олдиндан тўланган 3 444 800 сўм давлат божи ва 56 436 сўм почта харажатини зиммасида қолдириш, даъвогардан Олий суд депозитига 50 682 сўм видеоконференцалоқа харажатини ундириш, иш бўйича муқаддам берилган ижро варақаларини ижро этмаслик тўғрисида қарор қабул қилган.

**4-1706-1701/1411-сонли иш**

**3. Юридик шахс пул мажбуриятлари бўйича кредитор талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади.**

Қарздор "М." хусусий фирмаси (бундан буён матнда қарздор деб юритилади) уч ой ва ундан ортиқ муддатдан буён 1 014 768,8 минг сўм солиқ қарзини тўлай олмаганлиги сабабли туман давлат солиқ инспекциясининг (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) "М." хусусий фирмаси фаолият кўрсатмаётганлиги ва кредиторлик қарзини тўлаш имкони йўқлиги аниқланганлиги сабабли, уни банкрот деб топиш ва тугатиш жараёнини қўллаш тўғрисидаги аризаси туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилиб, қарздор "М." хусусий фирмаси банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш очилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан "М" хусусий фирмасининг апелляция шикояти қаноатлантирилиб, туман-

лараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори бекор қилинган. Иш бўйича янги қарор қабул қилиниб, аризани қаноатлантириш рад қилинган.

Аризачининг назорат шикоятида иш учун аҳамиятли ҳолатлар ва ҳужжатлар тўлиқ ўрганилмаганлиги, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилганлиги, аризачи томонидан солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари кўрилганлиги, қарздорнинг қарзларини ҳисоб варақларидан сўзсиз ундириш юзасидан доимий равишда инкасса топшириқномалари хизмат кўрсатувчи банкка киритиб келинганлигини, қарздорнинг дебитор қарзлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумот солиқ инспекциясига тақдим этилмаганлиги сабабли бу чорани қўллаш имкони бўлмаганлиги,



қарздорнинг солиқ ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан бўлган қарзларини ундириш юзасидан судга мурожаат қилинганлиги, суд томонидан берилган ижро варақалари мажбурий ижро бюросининг туман бўлимига юборилганлиги, бюронинг хатида олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида қарздорнинг ҳисобида мол-мулк ва бошқа актив маблағлари мавжуд эмаслиги аниқланганлиги, қарздорликни ундириш имкони йўқлиги сабабли "Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасига асосан, судга мурожаат қилиши кўрсатилганлиги, суд бошқарувчисининг ҳисоботида қарздорнинг 2 788 813,3 минг сўмлик активлари борлиги кўрсатилса-да, бу активлар нимадан иборат эканлиги ва уларнинг қайсиларини ижрога қаратиш мумкинлиги кўрсатилмаганлиги, қарздорнинг 390 573,9 минг сўмлик устав капитали, 393 480,0 минг сўмлик қўшимча капитали ва 221 400,0 минг сўм резерв капитали ва бошқа активлар пул маблағлари шаклида кўрсатилса-да, аслида қарздорнинг ҳисоб рақамида пул маблағлари мавжуд эмаслиги, ушбу ҳисоботда қарздорнинг бошқа кредиторлардан бўлган 1 миллиард сўмдан ортиқ қарзларини ундириш тўғрисидаги суд ижро ҳужжатлари мавжудлиги кўрсатилмаганлиги ҳолатлари баён қилиниб, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдириш сўралган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, апелляция инстанцияси суди солиқ қарзини мажбурий ундириш бўйича барча чоралар кўрилганлиги ҳақидаги далиллар даъво аризага илова қилинмаган ва суд мажлисида ҳам тақдим қилинмаганлиги, хусусан, суд ҳужжатлари асосида қарздорга нисбатан чиқарилган ижро варақалари "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 40-моддаси учинчи қисмига асосан қайтарилганлиги ҳақидаги далиллар ишда мавжуд эмаслиги сабабли биринчи инстанция суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида нотўғри тўхтамга келган деб барвақт хулосага келган.

Апелляция инстанцияси суди иш ҳужжатларига илова қилинган, мажбурий ижро бюроси туман бўлими бошлиғи ўринбосарининг қарори билан қарздорга нисбатан юритилган ижро иши иш юритувга қабул қилиниб, ижро ҳаракатлари амалга оширилиши белгиланганлиги, қарздор фао-

лиятида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши бўйича ўтказилган текшириш натижаси бўйича тузилган далолатномага кўра, қарздорнинг 1,7 миллиард сўм дебитор қардорлиги мавжудлиги аниқланганлиги, шунингдек, тугатиш бошқарувчисининг кузатувга доир иш юритиш натижалари бўйича якуний ҳисоботида қарздорнинг бухгалтерия баланси маълумотларига кўра, 2 788 813,3 минг сўмлик активлари борлиги қайд қилинганлиги сабабли қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани рад қилиш учун асос қилган.

"Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасига кўра, юридик шахс пул мажбуриятлари бўйича кредитор талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади.

Ушбу қонуннинг 5-моддасига асосан, банкротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, агар қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар энг кам иш ҳақи миқдорининг камида беш юз каррасини ташкил этадиган бўлса, қарздор яқка тартибдаги тадбиркорга ёки яқка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсга нисбатан энг кам иш ҳақи миқдорининг камида ўттиз каррасини ташкил этадиган бўлса, иқтисодий суд томонидан қўзғатилиши мумкин.

Муваққат бошқарувчининг якуний ҳисоботида асосан қарздорнинг иш ҳақидан бўлган қардорлиги 22972,0 минг сўмни, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган қардорлиги 1 041 210,9 минг сўмни, корхона ва ташкилотлардан қарзи 795 301,3 минг сўмни ташкил қилган.

Бундан кўринадики, апелляция инстанцияси суди низони ҳал этишда моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаган ва бу эса, ноқонуний қарор қабул қилишга сабаб бўлган.

Баён этилганларга кўра, судлов ҳайъати назорат шикоятини қаноатлантириш, иш юзасидан апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида қарор қабул қилган.

**4-1801-181/872-сонли иш**

**4. Суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак.**

**Қайд этилган талабларга риоя этмаслик қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлади.**

**Суд томонидан Иқтисодий процессуал кодексининг 177-моддасида назарда тутилган барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки, асослантилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмас.**

Туман давлат солиқ инспекциясининг (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) жавобгар "А." МЧЖдан (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 88 923 600 сўм қўшимча ҳисобланган солиқ ва мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Жавобгар томонидан мазкур суд қарорлари устидан назорат шикоят берилган бўлиб, унда суд қарорларини бекор қилиш ва даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилиш сўралган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 66-моддасига кўра, иш бўйича далиллар ушбу кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда олинган фактлар ҳақидаги маълумотлар бўлиб, улар асосида суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек, низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди. Бундай маълумотлар ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари (тушунтиришлари), гувоҳларнинг кўрсатмалари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади.

Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Биринчи ва апелляция инстанция судлари томонидан иш ҳолатлари тўлиқ аниқланмасдан ҳамда ишдаги далилларга тегишли ҳуқуқий баҳо берилмасдан, даъво талабини қаноатлантириш ҳақида нотўғри ва асослантилмаган хулосага келинган.

Хусусан, 2018 йилнинг 1 январига қадар амалда бўлган Солиқ кодексининг 349-моддаси тўртинчи хатбошисида солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқ тўловчилар учун, агар ушбу кодекснинг 373-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса,

тўлов манбаида солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ушлаб қолиш мажбуриятлари ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига қурилиши молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда танлов савдолари асосида амалга оширилаётган объектлар бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолиниши белгиланган.

"Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" 2016 йил 27 декабрдаги қонун билан Солиқ кодексининг 349-моддаси тўртинчи хатбошиси янги тахрирда баён этилган бўлиб, унга кўра, ўзига нисбатан солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқ тўловчилар учун, агар ушбу кодекснинг 373-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, тўлов манбаида солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ушлаб қолиш мажбуриятлари ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига қурилиши молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда амалга оширилаётган объектлар бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолади.

Биринчи инстанция суди юқорида қайд этилган моддий ҳуқуқ нормаларини инобатга олмасдан, жавобгардан у томонидан 2017-2018 йилларда кўрсатилган хизматлари бўйича тузилган шартномалар ва далолатномаларни олмасдан, шартнома предметини ва ҳақиқатда жавобгар томонидан қурилиш ишлари амалга оширилган ёки иншоотларни сақлаб туриш билан боғлиқ хизмат кўрсатилганлиги ҳолатларини аниқламасдан, мазкур низога татбиқ этилмайдиган моддий ҳуқуқ нормаси, яъни Солиқ кодексининг 349-моддасини қўллаб, даъво талабини қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Хусусан, жавобгарга Солиқ кодексининг 349-моддасида белгиланган қўшилган қий-

мат солиғини ҳисоблаш учун бир вақтнинг ўзида учта ҳолат мавжуд бўлиши лозим:

жавобгар томонидан қурилиш ишлари амалга оширилган;

қурилиш марказлаштирилган манбалардан молиялаштирилган;

танлов савдолари асосида ютиб олган объектда қурилиш ишлари бажарилган.

Судлов ҳайъати томонидан ишдаги ҳамда қўшимча тақдим қилинган ҳужжатлар ўрганилганда, жавобгар томонидан объектларда қурилиш ишлари эмас, балки сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш хизматлари кўрсатилганлиги аниқланди.

Хусусан, жавобгар томонидан 2017-2018 йилларда кўрсатилган хизматлари бўйича тузилган шартномалар, счет-фактура ва далолатномалар ўрганилганда, шартномаларнинг предмети сифатида жавобгар томонидан канал ва зовурларни лойқадан тозалаш, канал қирғоқларини механизмлар ёрдамида тозалаш, мустаҳкамлаш ва жорий таъмирлаш хизматларини кўрсатиш қайд этилган.

Қолаверса, Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 11 октябрда 2146-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 20 августдаги 65-сонли буйруғи билан тасдиқланган Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномада (бундан буён матнда Йўриқнома деб юритилади) бюджет таснифи Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан маблағ олувчи ташкилотларга нисбатан қўлланилиши белгиланган.

Йўриқноманинг 21-бандида бюджет тизими бюджетлари харажатларининг таснифи (бундан буён матнда харажатлар таснифи деб юритилади) бюджет тизими бюджетлари харажатларини кодлашдан иборат бўлиши ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш сектори бирликлари асосий функцияларини бажаришига, ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишига бюджет маблағларини йўналтирилишини акс эттириши белгиланган.

Мазкур Йўриқномада қурилиш фаолияти бюджет таснифининг 7 040 000, 7 044 000, 7 048 000, 7 060 000, 7 061 000-харажат кодларидан молиялаштирилиши, сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш билан боғлиқ хизматлар эса, 42 30 000, 42 31 000 (ер), 42 32 000 (бино), 42 33 000 (иншоот), 42 33 900 (бошқа иншоот) харажат кодларидан молиялаштирилиши белгиланган.

Туманлар бўйича ғазначилик бўлимла-

ри томонидан жавобгарга берилган маълумотномаларда 2017 йилнинг 1 январидан 2018 йилнинг 1 октябргача бўлган даврида тузилган шартномалари бўйича жавобгар томонидан бажарилган барча ишлар учун тўловлар бюджет таснифининг IV-гуруҳ "бошқа харажатлар" 42 33 900-харажат коди орқали "Сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш" моддасидан молиялаштирилганлиги қайд этилган.

Иш ҳужжатларидаги Молия вазирлигининг 2019 йил 23 апрелдаги ДС/04-30/2467-сонли хатида ҳам Йўриқноманинг иқтисодий таснифи IV-гуруҳ (бошқа харажатлар) харажатлари "Сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш" харажатлари назарда тутилганлиги ва бу маблағлар марказлашган маблағлар таркибига кирмаслиги қайд этилган.

Бундан жавобгар томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўлов бюджетнинг марказлаштирилган манбаларидан эмас, балки IV-гуруҳи (бошқа харажатлари)дан амалга оширилганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Юқоридагиларга асосан, жавобгар томонидан кўрсатилган хизматлар сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш эканлиги ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўлов бюджетнинг марказлаштирилган манбаларидан амалга оширилмаганлиги сабабли даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш лозим эди.

Олий ҳужалик суди Пленумининг "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида" 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарори 1-бандида суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, қайд этилган талабларга риоя этмаслик Иқтисодий процессуал кодексининг 279, 302 ва 322-моддаларига мувофиқ қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши мумкинлиги, суд томонидан Иқтисодий процессуал кодексининг 177-моддасида назарда тутилган барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки, асослантилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 322-моддаси биринчи қисмига биноан, суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибида ўзгартиш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Шу боис судлов ҳайъати жавобгарнинг назорат шикоятини қаноатлантириш, туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси суди-

нинг қарорини бекор қилиш ва даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

**4-2003-1901/121-сонли иш**

**5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5564-сонли Фармони 1-банди "а" кичик бандига асосан, 2019 йил 1 январдан давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган корхоналар контрагентлари билан ўзаро муносабатларда кечиктирилган дебиторлик қарзлар учун санкциялар бекор қилинганлиги сабабли бундай хўжалик юритувчи субъектлар 2019 йил 1 январдан бошлаб контрагентлари билан ўзаро муносабатларда кечиктирилган дебиторлик қарзлар учун жавобгарликдан озод қилинган.**

Давлат солиқ инспекциясининг (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) жавобгар "Н." МЧЖга (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги "Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустақкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 245-сонли қарорига асосан импорт шартномаси бўйича 115 500 АҚШ доллари миқдоридаги товарларни "Эркин муомала учун чиқариш" режимида расмийлаштирмаганлиги ёки шу қийматдаги валютани ҳисоб рақамига қайтарилишини таъминламаганлиги учун жавобгарга 115 500 АҚШ доллари миқдоридаги товарлар қийматининг 10 фоиз миқдорида — 11 550 АҚШ доллари ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг белгилаган курси (1 АҚШ доллари = 8339,55 сўм) бўйича 96 321 802 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги даъво аризаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилиб, жавобгарга 11 550 АҚШ долларининг сўмга нисбатан курси бўйича 96 321 802 сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Назорат шикоятда муддати ўтган қарздорлик суммаси ёпилганлиги, контракт шартлари бажарилганлиги, шартнома асосида келтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастгоҳлари бўлиб, жамият томонидан ишлаб чиқариш жараёнларини йўлга қўйилиши ва янги ишчи ўринлари яратилиши, тадбиркорлик фаолияти кенг қўллаб-қувватлаб келинаётганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги "Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5564-

сонли Фармонида (бундан буён матнда ПФ-5564-сонли Фармон деб юритилади) кўра, 2019 йил 1 январдан бошлаб давлат улуши эллик фоиздан кам бўлган корхоналар контрагентлари билан ўзаро муносабатларда кечиктирилган дебиторлик қарзлар учун санкциялар бекор қилинганлиги баён қилиниб, молиявий жарима қўллаш ҳақидаги биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг қарорларини бекор қилиш сўралган.

Иш ҳужжатларига кўра, жавобгар ва "Х." хорижий компания ўртасида тузилган импорт шартномасига асосан, жавобгар томонидан 180 000 АҚШ доллари миқдоридаги пул ўтказилган бўлса-да, мазкур шартнома бўйича 115 500 АҚШ доллари миқдоридаги асбоб-ускуналар импорт қилинмаган.

Аризачи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сонли қарорида эркин муомала учун чиқариш режимида расмийлаштирилмаган товарлар белгиланган муддатлардан 180 кунгача кечикканда қўшимча равишда расмийлаштирилмаган товарлар суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда жарима қўллаш назарда тутилганлигига асосланиб, тузилган маълумотномага асосан, жавобгарга нисбатан 96 321 802 сўм миқдорида жарима қўллаш тўғрисида қарорга келган.

Жаримани ихтиёрий тўлаш учун берилган муддатда жавобгар жаримани ихтиёрий тўламаган.

Судлар жавобгар Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги 245-сонли қарорига мувофиқ импорт товарларни олиб келишни 180 кунга кечиктирилганлиги учун 96 321 802 сўм миқдорида жарима қўллаш тўғрисида тўхтама келган.

Бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5564-сонли Фармони 1-банди "а" кичик бандига асосан, 2019 йил 1 январдан дав-

лат улуши 50 фоиздан кам бўлган корхоналар контрагентлари билан ўзаро муносабатларда кечиктирилган дебиторлик қарзлар учун санкцияларни бекор қилиш назарда тутилганлиги судларнинг эътиборидан четда қолган. Яъни 2019 йил 1 январдан бошлаб жавобгар бундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликдан озод қилинган.

Жамият устав фондида давлат улуши йўқлиги жавобгарнинг суд мажлисидаги кўрсатмалари билан тасдиқланади.

Аммо биринчи ва апелляция инстанция-

си судлари ушбу ҳолатларни инобатга олмасдан, молиявий жаримани қўллаш тўғрисида нотўғри хулосага келишган.

Бундай ҳолатда, судлов ҳайъати назорат шикоятини қаноатлантириш, иш юзасидан қабул қилинган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ҳамда апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш тўғрисида хулосага келиб, иш юзасидан даъвои рад қилиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

**1701-1901/285-сонли иш**

**6. Янги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланишини, имтиёзлар тўлиқ ёки қисман бекор қилинишини, солиқ солинадиган база оширилишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари улар расмий эълон қилинган пайдан эътиборан камида уч ой ўтгач, амалга киритилади.**

Туман давлат солиқ инспекциясининг (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) "Ш." хусусий корхонасидан (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) Солиқ кодексининг 70-моддасига асосан, 300 628 055 сўм солиқ қарзини ундириб бериш тўғрисидаги даъво аризаси туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 300 628 055 сўм солиқ қарзи ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарорига асосан ундирилиши белгиланган 300 328 055 сўм қўшимча ҳисобланган солиқ суммаси 363 087 сўмга ўзгартирилган.

Назорат шикоятида иш бўйича эксперт сифатида жалб қилинган аудитор ҳисоботида ПҚ-3454-сонли қарор асосида Солиқ кодексига ўзгартириш киритилмаганлиги, ушбу қарорга асосланиб нотўғри даъво ариза киритилганлиги ҳақида асоссиз фикр юритилганлиги, Солиқ кодексининг 27-моддасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари, агар ушбу кодексда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланиши кўрсатилганлиги, Солиқ кодексининг 28-моддасида қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим турдаги солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқаришда уларнинг тўланиши лозим бўлган энг кам миқдори белгиланиши қайд этилганлиги, ПҚ-3454-сонли қарорнинг 8-бандида юк ташиш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар учун солиққа тортиш тизимидан қатъий назар, битта транс-

порт воситасига ҳисобланганда улар томонидан тўланаётган солиқларнинг жами миқдори яқка тартибдаги тадбиркорлар ушбу фаолият тури бўйича тўлаётган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаслиги лозимлиги, қарорнинг ушбу банди ПҚ-4086-сонли қарорга асосан 2019 йил 1 январдан бутунлай чиқариб ташланган бўлса-да, амалда солиқ даври учун тўловлар амалга оширилиши лозимлиги, Солиқ кодексининг 3-моддасига кўра, солиқ солиш солиқ мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланганлиги, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бекор қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини камайтириш, солиқ тўловчиларнинг мажбуриятларини бекор қилишни ёки уларнинг аҳволини бошқача тарзда енгиллаштиришни назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, агар бу солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса, орқага қайтиш кучига эга бўлиши мумкинлиги, аудиторлик ҳисоботида ПҚ-3856-сонли қарор билан киритилган ўзгартиш ДСИ эътиборидан четда қолганлиги кўрсатилганлиги, ҳолбуки, ушбу қарорнинг 7-банди олтинчи хатбошида яқка тартибдаги тадбиркорлар 3 тоннадан ортиқ юк кўтарувчи автомобиль транспортида юкларни энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги ставка бўйича ташиш хизматларидан ҳар ойда олинадиган қатъий белгиланган солиқ тўлаши белгиланганлигидан келиб чиқиб, МЧЖнинг 2018 йил 3-чорак солиқ ҳисоботлари ПҚ-3856-сонли қарорга асосан ка-

мерал назоратдан ўтказилганлиги ва жамиятга юборилган талабномада, юк кўтариш ҳажми 3 тоннагача бўлган автотранспорт воситаларига энг кам иш ҳақининг бир ярим баравари, юк кўтариш ҳажми 3 тоннадан юқори бўлган автотранспорт воситаларига энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги ставка бўйича қўшимча солиқ ҳисобланганлиги ҳамда судга киритилган даъво аризасида ҳам ушбу тартибда ҳисоб-китоб қилинганлиги, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун биронта асос йўқлиги баён қилиниб, апелляция инстанцияси суди қарорини тўлиқ бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдириш сўралган.

Иш ҳужжатларига кўра, жавобгар юк ташиш фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлиб, юк ташиш бўйича хизматлар кўрсатиб келган ва юк ташиш фаолияти юзасидан 2018 йилнинг 1, 2 ва 3-чорақлари якунлари бўйича даъвогарга солиқ ҳисоботлари тақдим қилган.

ПҚ-3454-сонли қарорнинг 8-бандига мувофиқ юк ташиш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар учун солиққа тортиш тизимидан қатъи назар, битта транспорт воситасига ҳисоблаганда улар томонидан тўланаётган солиқлар ва мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий ажратмаларнинг жами миқдори якка тартибдаги тадбиркорлар ушбу фаолият тури бўйича тўлаётган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаслиги белгиланган.

Солиқ кодексининг 3-моддаси бешинчи қисмига кўра, янги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланишини, имтиёзлар тўлиқ ёки қисман бекор қилинишини, солиқ солинадиган база оширилишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари улар расмий эълон қилинган пайдан эътиборан камида уч ой ўтгач, амалга киритилади.

Шунингдек, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 181-моддасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиб-таомилининг мураккаблаштирилишини ва тадбиркорлик фаолияти субъектлари зиммасига янги мажбуриятлар юклатилишини назарда тутадиган, шунингдек, уларнинг жавобгарлигига оид янги чораларни белгиладиган қонун ҳужжатлари расмий эълон қилинган кундан эътиборан камида уч ойдан кейин кучга кириши белгиланган.

Солиқ кодексининг 26-моддасига биноан солиқ солинадиган база солиқ солиш объектининг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг ставкаси татбиқан белгиланган кўрсаткичлардаги қиймат, миқдор, физик ва бошқа тавсифларини ифодалайди.

Жавобгарга қўшимча солиқ ҳисоблаш учун асос бўлган ПҚ-3454-сонли қарорнинг 8-банди билан амалда у (жавобгар) учун солиқ солинадиган база оширилган. Чунки даъвогар жавобгарнинг юк автомобиллари ишлаган кунидан қатъи назар мавжуд юк автомобиллари учун якка тартибдаги тадбиркорлар ушбу фаолият тури бўйича тўлаётган қатъий белгиланган солиқ ҳисоблаган. Ваҳоланки, 2018 йилга қадар жавобгар умумий белгиланган солиқ тўловчи сифатида солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаган. Демак, жавобгар учун солиқ солинадиган база оширилган.

Шунинг учун даъвогар жавобгарга 2018 йилнинг 1 апрелидан бошлаб солиқларни ПҚ-3454-сонли қарорнинг 8-бандига асосан ҳисоблаши лозимлигидан келиб чиқиб, суд жавобгардан 2018 йилнинг 2-чораги учун 85 169 584 сўм ва 3-чораги учун 88 018 624 сўм, жами 173 188 209 сўм ундириши лозим бўлган.

Бироқ даъвогар тафовут суммасини ҳисоблашда жавобгар томонидан тўланган солиқ суммаларини инобатга олмаганлиги натижасида тарафлар суд жараёнида қўшимча ҳисобланган солиқ суммасига аниқлик киритиб, 2018 йилнинг 2-чораги учун 78 826 469 сўм ва 3-чораги учун 84 826 469 сўм қўшимча солиқ суммаси ҳисобланиши лозимлигини билдиришган. Ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолда, жавобгар томонидан ҳақиқатда тўлаб берилиши лозим бўлган қўшимча солиқ суммаси жами (78 826 469 + 84 826 469) 163 594 383 сўмни ташкил қилади.

Бундан кўринадики, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари низони ҳал этишда моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаган, бу эса, ноқонуний қарор қабул қилишга сабаб бўлган.

Бундай ҳолатда, судлов ҳайъати назорат шикоятини қисман қаноатлантириш, иш юзасидан қабул қилинган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш ва иш юзасидан янги қарор қабул қилиш, жавобгардан 163 594 383 сўм қўшимча ҳисобланган солиқни ундириш тўғрисида қарор қабул қилган.

**4-1905-1801/6877-сонли иш**

**7. Бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак.**

**Фоизлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса, унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади.**

АТ "Микрокредитбанк" филиали (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ва "Ш." МЧЖ (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) ўртасида номуайян муддатга тузилган банк-ҳисобварағи шартномаси шартларига кўра, "Банк" мижозга банк ҳисобварақларини очиш, унинг ҳисобварағига келиб тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварағидан тегишли пул маблағларини ўтказиш ва тўлаш, касса хизмати кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мажбуриятини олган.

Бироқ жавобгар Марказий банк томонидан тасдиқланган ва 2009 йил 16 мартда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган "Ўзбекистон Республикаси банкларидан очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида"ги 1948-сонли Йўриқнома талабларига амал қилмасдан уни бир неча маротаба бузиб, даъвогарнинг ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлардан 2013-2016 йилларда жами 13 767 934 сўм миқдорида банк хизмати ушлаб қолиб, даъвогарга зарар етказган.

Жавобгар томонидан тарафлар ўртасида 2013 йил 22 сентябрда имзоланган 45-сонли банк-ҳисобварағи шартномасига зид равишда 2014-2016 йилларда пул маблағларини нотўғри ундириб олганлиги сабабли, туманлараро иқтисодий судининг бошқа иш бўйича қабул қилган ҳал қилув қарори билан 10 462 718,31 сўм маблағ даъвогарнинг фойдасига ундириб берилган.

Шундан сўнг даъвогар туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиб, ўзининг пул маблағларини банк томонидан ғайриқонуний ушлаб қолиниб фойдаланилганлиги учун ундан 4 596 566 сўм фоиз ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 735 290 сўм фоиз ундирилган, даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал

қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Даъвогарнинг назорат шикоятда 10 462 718 сўм пул маблағлари жавобгар томонидан ғайриқонуний равишда фойдаланиб келганлик факти суд ҳужжати билан исботланган бўлса-да, судлар томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилиб, фоиз суммаси камайтирилганлиги сабабли суд қарорларини ўзгартириб, фоиз суммасини тўлиқ ундириб бериш сўралган.

Олий хўжалик суди Пленумининг "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида" 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарори 3-бандида қарор қачонки, унда иш учун аҳамиятли барча ҳолатлар баён этилган ва тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги хулосаларини тасдиқловчи далиллар келтирилган бўлса, асослантирилган ҳисобланиши, қарор иш ҳолатлари ҳақидаги тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва у далилларга унинг дахлдорлиги ва йўл қўйишлиги, ишончлилиги ва етарлилик ҳақидаги Иқтисодий процессуал кодексининг 69-75-моддалари талабларини инобатга олган ҳолда асослантирилган бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Фуқаролик кодексининг 327-моддасига кўра, бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак. Фоизлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса, унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади. Қарз суд тартибида ундириб олинганида суд кредиторнинг талабини даъво қўзғатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасига қараб қондириши мумкин. Ушбу қоидалар қонунда ёки шартномада бошқа фоиз миқдори белгиланган бўлмаса, қўлланилади.

Олий хўжалик суди Пленумининг "Маж-

буриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкый жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарори 7-бандида Фуқаролик кодексининг 327-моддасида назарда тутилган фоизлар бошқа шахсларнинг пул маблағлари шартномага асосан ёхуд шартномавий муносабатларсиз қабул қилинганлигидан қатъи назар, тўланиши шартлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Мазкур Пленум қарорининг 10-бандида Фуқаролик кодексининг 327-моддасида назарда тутилган фоизлар, ўз табиатига кўра, қарз шартномаси (ФКнинг 734-моддаси), кредит шартномаси (ФКнинг 744-моддаси) ёхуд тижорат кредити шартномаси (ФКнинг 748-моддаси) бўйича берилган пул маблағларидан фойдаланганлик учун тўланиши лозим бўлган фоизлардан фарқланиши, шу сабабли суд банк фоизларини ундириш ҳақидаги низоларни ҳал қилишда даъвогар қарз ёки кредит ёхуд тижорат кредити сифатида берилган пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар ундиришни талаб қиляптими ёхуд талабнинг моҳияти пул мажбуриятларини бажармаганлик ёки ижрони кечиктирганлик учун жавобгарликни (ФКнинг 327-моддаси) қўллашдан иборатлигини аниқлаши лозимлиги; ушбу қарорнинг 13-бандида эса, шартномалардан келиб чиқувчи пул мажбуриятларида, хусусан, қарздорнинг товарлар, ишлар, хизматлар тўловини амалга ошириш ёхуд пул маблағларини қайтариш, тўлов кечиктирилган суммани тўлаш шarti билан олинган мажбуриятларда Фуқаролик кодексининг 327-моддасига асосан фоизлар ҳисобланиши лозимлиги, қонунда ёхуд тарафлар келишувида пул мажбуриятларини бажаришни кечиктирганлик учун қарздорнинг неустойка (пеня) тўлаш мажбурияти кўзда тутилиши мумкинлиги, бундай ҳолатларда суд шундан келиб чиқиши керакки, агар қонунда ёки шартномада тўғридан-тўғри бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кредитор пул мажбуриятини бажармаганлиги учун зарар етказилганлиги ҳолатини ва зарарнинг миқдорини исботламаса ҳам, ушбу чоралардан бирини қўллаш ҳақидаги талабни қўйишга ҳақлилиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг жавобгар томонидан муайян кун ҳолатига фоиз суммаси 4 596 566 сўм миқдоридан юзага келганлиги ҳолати Фуқаролик кодексининг 327-моддасида белги-

ланган фоиз сифатида эътироф этилиб, шунингдек, ушбу фоиз қарздорлик Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг молиялаштириш ставкаси 16 фоиз ҳисобидан, жавобгарнинг 4 596 566 сўм фоиз қарздорлигини бугунги молиялаштириш ставкасидан келиб чиқиб, 735 290 сўм ундириш ҳақидаги хулосасини нотўғри деб ҳисоблайди.

Мазкур ҳолатда, даъвогарнинг 4 596 566 сўм фоиз ундириш талаби Фуқаролик кодексининг 327-моддаси талабларидан келиб чиққан бўлиб, биринчи инстанция суди ушбу талабга Фуқаролик кодексининг 326-моддаси тартибида баҳо бериб, асоссиз хулосага келган.

Кассация инстанцияси суди томонидан ҳам юқорида қайд этилган ҳолатлар инобатга олинмасдан, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида нотўғри хулосага келинган.

Олий хўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори ҳақида" 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарори 1-бандида қарорнинг одил судловнинг конституциявий асосларини амалга оширадиган ва Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилинадиган ҳужжат сифатида қонуний ва асослантирилган бўлиши ҳақидаги Иқтисодий процессуал кодексининг 18-боби талабларига сўзсиз ва қатъий риоя этилиши шартлиги, суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши, қайд этилган талабларга риоя этмаслик Иқтисодий процессуал кодексининг 279, 302 ва 322-моддаларига мувофиқ қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши, суд томонидан Иқтисодий процессуал кодексининг 177-моддасида назарда тутилган барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки, асослантирилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бундай ҳолатда, судлов ҳайъати назорат шикоятини қисман қаноатлантириш, туманлараро иқтисодий судининг тарафлар ўртасидаги бошқа иш бўйича қабул қилган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар ҳисоблаш, суд қарорларининг жавобгардан банк фоизини ундириш қисмини 735 290 сўмдан 4 481 916 сўмга ўзгартиш, даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган.

**4-2202-1801/1693-сонли иш**